


**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**



**КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ**  
(органик моддалар ишлаб  
чиқариш бўйича)  
йўналиши

TOSHKENT  
KIMYO-TEKHNOLOGIYA  
INSTITUTI

**«ОРГАНИК БОҒЛОВЧИЛАР АСОСИДАГИ  
КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР»**  
модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил октябрдаги 5-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчилик:** **Ф.А. Магрупов** – Тошкент кимё-технология институти, “Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси” кафедраси профессори, к.ф.д., профессор; **А.С. Ибодуллаев** – Тошкент кимё-технология институти, “Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси” кафедраси профессори, к.ф.д., профессор; **Х.Э Қодиров**– Тошкент кимё-технология институти, “Органик кимё ва оғир органик синтез технологияси” кафедраси мудири, т.ф.н., доцент; **М.Т. Примкулов** – Тошкент кимё-технология институти “Целллоза ва ёғочсозлик технологияси” кафедраси профессори, к.ф.д., профессор; **Р.А. Хабибуллаев** – Тошкент кимё-технология институти “Целллоза ва ёғочсозлик технологияси” кафедраси доценти, т.ф.н.

*Ўқув-услубий мажмуда Тошкент кимё-технология институти Кенгашигининг  
20\_\_ йил \_\_\_\_\_ -сонли қарори билан нашрға тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

<b>1. Ишчи дастур.....</b>	<b>4</b>
<b>2. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....</b>	<b>12</b>
<b>3. Маъруза матнлари .....</b>	<b>24</b>
<b>4. Амалий машғулотлар учун материаллар, топшириқлар ва уларни бажариш бўйича тавсиялар .....</b>	<b>94</b>
<b>5. Битирув иши учун мавзулар.....</b>	<b>172</b>
<b>6. Кейслар банки.....</b>	<b>175</b>
<b>7. Глоссарий.....</b>	<b>180</b>
<b>8. Адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>187</b>
<b>9. Мутахассис томонидан берилган тақриз.....</b>	<b>189</b>

## **1. Ишчи дастур**

### **Кириш**

Дастур ривожланган мамлакатлардаги хорижий тажрибалар асосида “Кимёвий технология (органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш турлари бўйича)” қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўналиши бўйича ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастур мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг билимини ва касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасида органик моддалар ишлаб чиқаришнинг прогрессив технологиялари, истиқболли импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган технологиялар билан таништириш, кимё саноати маҳсулотларининг сифатини ва ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш, замонавий технологияларнинг ўзига хос хусусиятларига оид билим, қўникма ва малакаларини янгилаб боришга қаратилган муаммолари баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Кимёвий технология (органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш турлари бўйича)” йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастурининг маҳсус фанлар блокига киритилган “Органик боғловчилар асосидаги композицион материаллар” фани ишчи дастурининг **мақсади** – мутахассислик фанларидан дарс берувчи профессор ўқитувчиларни кимё саноатида қўлланиладиган композицион материалларнинг турлари, Ўзбекистон Республикасида органик моддалар ишлаб чиқариш замонавий

корхоналари, замонавий истиқболли импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган технологиялари тўғрисида назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

“Органик боғловчилар асосидаги композицион материаллар” фанининг *вазифаси* - композицион материалларнинг технологик ишлаб чиқаришини режалаштириш ва ташкиллаштиришни; технологик жараёнлар ўтказилишиши учун оптимал омиллар танлашни; органик моддалар ишлаб чиқариш жараёнларидағи мавжуд долзарб амалий масалаларини ечиш учун янги технологияларни қўллаш, маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижийтажрибаларни ўзлаштириш; “Кимёвий технология (органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлашдир.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малакаси ва компetenцияларига қўйиладиган талаблар**

“Органик боғловчилар асосидаги композицион материаллар” фани бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларгаэга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- органик маҳсулотлар асосида композицион материаллар ишлаб чиқариш корхоналаридаги замонавий технологияларнинг турлари;
- композицион материалларнинг технологик жараёнда қўлланилиши;
- инновацион технологияларда қўлланиладиган композицион материаллар, ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турлари;

- композицион материаллар ишлаб чиқаришда истиқболли импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган технологиялар;
- композицион материаллар ишлаб чиқаришда альтернатив энергия турларидан фойдаланиш ***билиши*** керак.

**Тингловчи:**

- органик маҳсулотлар асосида композицион материаллар ишлаб чиқариш учун технологик жараённинг зарур технологик параметрларни танлаш;
- композицион материалларнинг афзалик ва камчилик томонларини фарқлаш;
- композицион материалларни ишлаб чиқаришда амалдаги ускуна ва жиҳозларнинг имкониятларидан фойдаланиш;
- композицион материаллар ишлаб чиқариш технологияларининг тузилмаси, жараёнлари ва операцияларининг мазмун-моҳиятини тушунириб бериш ***қўникмаларига*** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- органик маҳсулотлар асосида композицион материаллар ишлаб чиқариш бўйича инновацион технологияларни жорий қилиш;
- композицион материаллар ишлаб чиқариш технологияларидаги нозик бўғинни аниқлаш;
- Интернет тизимидан замонавий композицион материаллар ишлаб чиқариш технологияларини излаб топиш ва уларни тавсия қилиш;
- технологик жараёнларнинг мослашувчанлигини ташкил қилиш;
- органик маҳсулотлар асосида композицион материаллар ишлаб чиқариш технологияларни қўллаган ҳолда лойиҳалаш ***малакаларига*** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- технологик ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкиллаштириш;
- технологик жараёнлар ўтказилишиши учун оптималь омиллар танлаш;

- мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;
- намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Органик боғловчилар асосидаги композицион материаллар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари кўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини кўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Органик боғловчилар асосидаги композицион материаллар” модули қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини бўйича ўқув режадаги бошқа мутахассислик фанлари билан узлуксиз боғлиқ бўлиб, ушбу фанларни ўзлаштиришда амалий ёрдам беради. “Органик боғловчилар асосидаги композицион материаллар” фанини тўлиқ ўзлаштириш ва амалий вазифаларни бажаришда юқори блоклардаги фанлар катта ёрдам беради.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Кимёвий технология (органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш турлари бўйича) – органик моддалар ишлаб чиқаришларининг замонавий усулларини ўрганиши, амалда кўллаши ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		
			Жами	жумладан	
				Назарий	Амалий машгулот
1.	Органик синтез саноатида композицион материаллар.	2	2	2	-
2.	Полимерлар ва улар асосида пластик массалар (композицион материаллар) ишлаб чиқариш.	6	6	2	4
3.	Эластомер композициялари ва улар асосида олинган композицион материаллар.	4	4	2	2
4.	Целлюлоза-қофоз саноатида композицион материаллар.	2	2	-	2
5.	Ёғоч-полимер асосли композицион материаллар.	2	2	-	2
<b>Жами:</b>		<b>16</b>	<b>16</b>	<b>6</b>	<b>10</b>

### **Назарий машғулотлар мазмуни**

**1-маъзуза: Органик синтез саноатида композицион материаллар.**

Композицион ингибиторлар синтези ва технологияси. Композицион ингибиторларнинг турлари, синфланиши, республикамиизда ишлаб чиқариш истекболлари. Коррозия ва минерал тузлар тўпланишидан

ингибирлаш асослари, таркиб тузилишинниг ингибирлаш самарадорлигига таъсири. Полиаминоспиртлар асосидаги композицион ингибиторлар. Органофосфатли композицион ингибиторлар.

**2-маъзуа: Полимерлар ва улар асосида пластик массалар (композицион материаллар) ишлаб чиқариш.**

Полимер композициялар тайёрлаш технологияси. Полимер композициясини яратиш принциплари. Тўлдиргичлар. Пластик ПКМ олиш усуллари. Варак кўринишидаги тўлдиргичлар асосидаги ПК-материаллар.

**3-маъзуа: Эластомер композициялари ва улар асосида олинган композицион материаллар.**

Резина коришмаларини ишлаб чиқариш технологияси. Каучукларнинг умумий хоссалари. Умумий мақсадларда ишлатилувчи каучуклар. Махсус йўналишларда ишлатилувчи каучуклар. Резина коришмалари ингредиентлари.

**Амалий машғулот мазмуни**

**1-мавзуу: Полимерлар ва улар асосида пластик массалар (композицион материаллар) ишлаб чиқаришни ўрганиш.**

Полимерланиш реакцияси усулида олинган полиуретанни ишлаб чиқаришни технологик схемасини танлаш, унга керакли технологик жараёнларни хамда жараёнда ишлатиладиган жихозларни хисоблаш ва танлашни амалга ошириш.

Поликонденсацияланиш реакцияси усулида олинган фенол-формальдегид олигомери хамда улар асосида пластик массалар ишлаб чиқаришни технологик схемасини танлаш, унга керакли технологик жараёнларни хамда жараёнда ишлатиладиган жихозларни хисоблаш ва танлашни амалга ошириш.

Карбамид-формальдегид олигомерлари ва улар асосида аминопластлар ишлаб чиқаришни технологик схемасини танлаш, унга керакли технологик жараёнларни ва жараёнда ишлатиладиган жихозларни хисоблаш ва танлашни амалга ошириш.

**2-мавзу: Резина коришмаларини ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиш.**

Иссиқлик алмашув юзасини хисоблаш ва иссиқлик алмашув аппаратлардаги алмашув жараённларни давоматини аниқлаш. Аппаратдаги гидродинамик шароитига асосланган ҳолда ҳаракатлантирувчи ўртача кучларни хисоблаш.

**3-мавзу: Целлюлоза-қоғоз саноатидаги композицион материалларни ўрганиш.**

Ярим тайёр целлюлоза олишда қўлланиладаган материаллар (шолипоя целлюлоза; сомон целлюлоза; ғўзапоя целлюлоза; сафлорпоя целлюлоза) ва композит материалларни ўрганиш (пахта толалари; ҳар хил рангли синтетик тасмалар; майда пўкаклар; бўёқлар; ҳар хил ўлчамли майда қум).

**4-мавзу: Ёғоч-полимер асосли композицион материалларни ўрганиш.**

Ёғоч композитларининг турларини ўрганиш. Ёғоч композитларининг хом ашёларини ўрганиш. Елимланган ёғочда елимга ва ёғочга қўйиладиган талабларни, ёғочни елимлаш жараёнида ва елимланган ёғочдан фойдаланишда инобатга олинадиган омилларни ўрганиш. Елимланган боғларнинг турларини ўрганиш ва уларни таққослаш.

## **Үқитиши шакллари**

Мазкур модул бүйича қуидаги үқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (күрилаёттган лойиха ечимлари бүйича таклиф бериш қобилятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойихалар ечими бүйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилятини ривожлантириш).

## **Баҳолаш мезони**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.5 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		1 балл

## **2. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари**

### **“SWOT-таҳлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга қаратилган.



**Намуна:** Куйдирилган биомасса учун SWOT таҳлилини амалга оширинг.

S	Кучли томонлари	<ul style="list-style-type: none"><li>• экологиянинг турли чиқиндилар билан ифлосланишининг олди олинади;</li><li>• ҳажмий энергия сифими ошади (зичлик ортиши билан);</li><li>• ёниш иссиқлиги ошади;</li><li>• таркибидаги кислород миқдори камаяди;</li><li>• қуруқ ва гидрофоб бўлади;</li><li>• таркибидаги биологик моддалар камаяди;</li><li>• таркибидаги хлор миқдори камаяди;</li><li>• мўртлиги ортади, майдалаш харажатлари ва заррачаларнинг ўлчамлари камаяди, заррачаларнинг сирт юзаси ортади;</li><li>• сифати ва гомогенлиги яхшиланади;</li><li>• кислота ажратмасдан тоза ёнади.</li></ul>
---	-----------------	--

W	Кучсиз томонлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>инвестиция учун харажатлар талаб этилади;</li> <li>жорий харажатлар сарфланади;</li> <li>маҳсулот ишлаб чиқаришда энергия йўқотилади;</li> <li>маҳсулотнинг зичлигини ва сифатини таъминлаш ва сақлаш муаммоси;</li> <li>сотиб олиш, мижозга сотиш муаммолари.</li> </ul>
O	Имкониятлари (ички)	<ul style="list-style-type: none"> <li>экологиянинг ортиқча чиқиндилар билан ифлосланишининг олди олинади;</li> <li>барча биомассалардан олинадиган қўшимча юқори калорияли ёқилғи ҳисобланади;</li> <li>минитехнологияларини ишлаб чиқиш мумкин.</li> </ul>
T	Тўсиқлар (ташқи)	<ul style="list-style-type: none"> <li>қишлоқ хўжалик чиқиндиларининг (ғўзапоя, сомон, шоли қобиғи ва х.к.) "эга" лари бор;</li> <li>истеъмолчилар бозори шаклланмаган;</li> <li>бошқа ўчоқларга мослаштириш зарур.</li> </ul>

### Хулосалаш методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуя якунланади.

## Намуна:

### Алтернатив ёқилғи турлари

Ёқилғи брикетлари		Пеллетлар		Куйдирилган ёғоч	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиг и

## Хулоса:

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод хисобланади. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс.** Биомассадан олинган ёқилғи брикетида кул микдори меъёрдан юқори эканлиги аниқланди. Кул микдорини камайтириш йўлларини изланг.

## Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:


- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарған асосий сабабларни белгиланғ, зарур билимлар рүйхатини тузинг (индивидуал ва кичик гурухда).
- Кул миқдорини камайтириш учун бажарыладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланғ (жуфтликда ишлаш).
- Күйдирилган биомассадан кулни йўқотиш йўлларини изланг.
- Бажарылган ишларни тақдимот қилинг.

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш қўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна:** Күйидаги фикрни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

**ФИКР:** “Шоли қобиғи асосида юқори калорияли брикет олиш мумкин”.

**САБАБ:** “Пиролиз натижасида ҳосил бўладиган кулни камайтириш учун турли имкониятлар мавжуд”.

**МИСОЛ:** “Кўйдирилган шоли қобиғини ювиш ва қуритиш усулларидан фойдаланиш мумкин”.

**УМУМЛАШТИРИШ:** “Шоли қобиғи асосида юқори калорияли брикет олиш учун пиролиз натижасида ҳосил бўлган кулни ювиш ва қайта қуритиш орқали йўқотиш мумкин”.

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим оловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнікмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим оловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнікмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 10 баллгача баҳоланиши мумкин.



### Тест

1. Күйдирилган биомасса таркибидаги күлни йўқотиш мүмкинми?

- А. ҳа
- В. йўқ



### Қиёсий таҳлил

PinKay ва Nestробрикетларини ўзаро таққосланг.



### 2. Тушунча таҳлили

Torrefaction бу – ...



### Амалий кўникма

Ван Кревелен диаграмма-сидан фойдаланиб турли биомассалар таркибидаги Н:С, О:С нисбатларни аниқланг.

## “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини тегишли сўзларнинг остига чизиб ёки чизмасдан, маҳсус белгиларни (v - таниш маълумот, ? - мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак, + - бу маълумот мен учун янгилик, "—" - бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман ва х.к.) варақ ҳошиясига қўйиш орқали ифодалайдилар.

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади. Техник матнни инсерт усулида белгилашни амалий машғулотнинг уй вазифаси (мустакил иш) сифатида бериш ҳам мумкин.

## “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида кўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таниширилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
  - ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
  - белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
  - ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Pin-Kay -брicketлари	Брикетларнинг 4 ёки 6 қиррали тури. Уларнинг ўртасида радиал тешик бўлади. Брикет механик шнекли прессларда юқори босимда (1000-1100 бар) прессланади. Прессланадиганда брикетларни сирти иссиқлик таъсирида куяди ва қорайиб қолади.	
Torrefaction	"Torrefaction" (французча "куйдириш") - биомассага иссиқлик билан аста-секин дастлабки ишлов бериш ва тозалаш жараёнидир. Ишлов бериш ҳарорати 200-350°C оралиғида бўлиб, бу жараён худди кофе доналарини қовуришдагига ўхшаб кетади. Куйдирилган биомасса қаттиқ энергия ташувчи бўлиб, биомасса ва ёғоч кўмири ўртасидаги табиий хоссалари яхшиланган маҳсулот ҳисобланади.	

Пеллет	Ёқилғи сифатида ишлатиладиган майда брикет. У майда гранула шаклида ишлаб чиқарилади.	
RUF-брикетлар	Тўғри тўртбурчакли призма шаклидаги брикетлар. Бу ном брикет ишлаб чиқарувчи жиҳоз номидан олинган. RUF-брикетларнинг шакли худди ғиштга ўхшайди. Бу брикетлар гидравлик прессларда юқори босимда (300-400 бар) пресслаб чиқарилади.	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган бўлиши мумкин.

### "Вени диаграммаси" методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита (учта, тўртта ва ҳ.к.) ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилдилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт (3-5) кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;

## **Намуна: Анимациялар яратиш имкониятлари бўйича**



### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотларни таҳлил қилиш, режалаштириш, башоратлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш мумкин.

#### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материаллар алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавобларни тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч (3-5) кишидан иборат кичик гурӯҳларга бирлаштиради ва гурӯҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гурӯҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурӯҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тутатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади ва ўкувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йигинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшиллади ва умумий йигинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йигинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга якка тартибда (50%) ва гурухда (50%) олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Турли биомассаларни торрефикация қилиш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб қўринг!**

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гурух баҳоси	Гурух хатоси
Дағал қуритиш					
Аниқ қуритиш					
Торрефикация					
Совутиш					
Майдалаш					
Пресслаш					
Совутиш					

### **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

## **Ўтказишиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Мұхокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мүмкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо мұхокамасига бағишенгандан брифинглар ташкил этиш мүмкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишиш ҳам фойдаланиш мүмкин.

### **3. Маъруза матнлари**

#### **1-маъруза: Композицион ингибиторлар синтези ва технологияси**

##### **Режа:**

1. Композицион ингибиторларнинг турлари, синфланиши, республикамизда ишлаб чиқариш истекболлари
2. Коррозия ва минерал тузлар тўпланишидан ингибирлаш асослари, таркиб тузилишинниг ингибирлаш самарадорлигига таъсири
3. Полиаминоспиртлар асосидаги композицион ингибиторлар
4. Органофосфатли композицион ингибиторлар

**Таянч сўз ва иборалар:** композицион материаллар, коррозия ва минерал тузлар тўпланиши ингибиторлари, фаол функционал гурухлар, полиаминоспирт, HELAMIN, органофосфатлар, ОЭДФ

Нефт ва газларни ташиш ва саклаш тизимида ишлатиладиган кувурлар, қувур арматуралари, насослар, резервуарлар, темир йўл цистерналари ва бошқа металл қурилмалар, асосан углеродли ва кам легирланган пўлатлардан тайёрланади. Бу металл қурилмалар фойдаланиш жараёнида ташқи мухит (электролитлар, атмосфера ҳавоси ва бошқалар) билан ўзаро кимёвий ва электрокимёвий жараёнлар натижасида коррозияланиб, оксид ва гидроксидларини ҳосил қиласилади. Шунга кўра металллар коррозияси деганда, уларнинг ташқи мухит билан ўзаро таъсирида бўладиган кимёвий ёки электрокимёвий жараёнлар натижасида секинлик билан емирилиши тушунилади. Умуман коррозия сўзи (термини) лотинча «Corrosio» сўзидан олинган бўлиб, металлнинг занглашини парчаланишини ва занглашини емирилишни англатади. Металлларнинг коррозияланишини содир этувчи шароит коррозия ёки агрессив мухит дейилади.

Металлар механик жараёнлар натижасида ҳам, (силлиқлаш, ишқаланиш) емирилишлари мумкин. Лекин булар эррозик емирилиш бўлиб, металлларнинг коррозияланишини англатмайди.

Халқ хўжалигини турли тармоқларида ишлатиладиган асоб-ускуналар, жихозлар ва технологик қурилмалар, асосан металлардан тайёрланган бўладилар. Бажариладиган технологик жараёнларни турига ва шароитига кўра, уларнинг биттасини массаси бир неча юз тоннани ташкил қиласди. Масалан, нефт-газ билан таъминлаш тизимида ишлатиладиган намунавий пўлат резервуарларнинг массаси 500 тоннагача бўлади. Фойдаланиш жараёнида ички ва ташши юзалари коррозия фаоллиги юқори бўлган мухитлар (ер таркибида намлик, тузлар,  $H_2S$ ,  $CO_2$  бўлган нефт-газ оқими) таъсирида бўладилар ва коррозияланадилар. Ҳосил бўлган коррозия жарохатлари, қурилмаларни тезда ишдан чиқишига олиб келади. Уларни таъмирлаш ёки янгилаш учун, катта микдордаги пул ва металл сарфи керак бўлади.

Умуман иеталлар коррозияси халқ хўжалигига каттта зиён келтиради. Буни кўйидаги келтирилган маълумотлардан кўришимиз мумкин.

1. Адабиёт маълумотларига кўра йил давомида ишлаб чиқариладиган пўлат қотишмаларининг олтидан бир қисми, коррозия натижасида ишдан чиққан металл қурилмаларини, асоб – ускуналарни, ҳамда уларнинг эҳтиёж қисмларини алмаштириш учун сарфланади. Бу кўрсаткични дуне миқёсида кўрадиган бўлсақ, у бир неча миллион тоннани ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, бир нечта металл эритучи заводларни йил давомида ишлаб чиқарган пўлат қотишмалари бекорга сарфланади.

2. XX-асрнинг охирига қадар, инсоният томонидан 35 млрд. тоннадан ортиқ пўлат қотишмалари эритиб олинган. Ҳозирги кунда уларнинг дунёдаги умумий кўрсаткичи 10 млрд. бўлиб, қолган қисми эса коррозия маҳсулотлари кўринишида биосферага тарқалган.

Коррозиядан қурилган заарар икки харажатнинг йифиндисидан ташкил топади, яъни бевосита ва билвосита харажатлардан. Бу харажатларни нефт

ва газ қувурлари тизимида күрсак бевосита харажатларга қувур металининг нархи, қувур ва унинг ёрдамчи қурилмаларини қуриш учун сарфланадиган маблағлар киради. Билвосита харажатларга эса, коррозия натижасида қувурларда содир бўлган аварияларни таъмирлаш давомида, улардан фойдаланаётган корхоналарни ишламай турган пайтдаги пул харажатлари, аварияларни бартараф этиш учун сарфланадиган металл ва пул харажатлари, ҳамда тўкилган ёки атмосферага тарқалган маҳсулотлар ҳисобига, атроф муҳит компонентларини булғаланиши натижасида содир бўладиган салбий оқибатларнинг қийматлари киради.

Бугунги кунда дунёда полидентант бирикмалар ишлаб чиқариш 2,5-3,5 млн. тоннани ташкил этади. Ишлаб чиқарилувчи бу реагентларнинг ўртача 40 %, яъни 1,2 млн. тоннаси коррозия ва минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар ишлаб чиқариш учун сарфланади. Коррозияга қарши Додикор-4543, Додикор-4712, Danox C1-252, Danox-CS 102 B, Sepacorr-ts 3201; К-И 75w русумдаги ва ИОМС-1, ОЭДФ, НТФ-3, HELAMIN каби минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар кенг фойдаланиб келинмоқда. Металларни коррозия ва минерал тузлар тўпланишидан ҳимоялаш саноатнинг барча тармоқлари қаторида сув таъминоти учун ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Коррозия ва минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар ишлаш чиқариш бўйича жаҳонда T. Jsces Shidota, Romberger, A. John, A. Daniel, G. Woodward, C. Kelsten, P. Graham, B. Brettell, S.T. Arab, A.M. Al-Turkustani, L. Krayer, J. Herbert, J.Manspeaker, M. Robi, G. Edwards В.Я. Темкин, Н.В. Циркульникова, Г.Ф. Ярошенко, Р.П. Ластовский, З. Виршпа, Я. Бженизинский, П.А. Дирай, Н.М. Дятлова, С.А. Болезин, Л.И. Антропов, Н.В. Циркульникова, А.П. Ковалчук, Ф.Ф. Чеусов, Б.Н. Дрикер, Ю.Н. Калимуллин, А.С. Михалев, В.К. Пинигин, Е.М. Уринович, Ф. Курбанов, А. Аловитдинов, А.Т. Джалилов, Д. Юсупов, В.П. Гуро, А. Икромов, С.М. Туробжонов ва б., Federal University of Campina Grande, Бразилия, Korea Institute Science and Technology Department of Chemistry University of Crete

(Греция), Laboratory of Wood Biology and Xylarium, (Belgium), Helamin Technology Holding SA (Швейцария); BASF в Hoechs/Knapsack (Германия), Goodrich, Monsanto ва UCC (АҚШ), ОАО «НК «Роснефть» (Россия) илмий тадқиқот ишлари олиб борган ва олиб бормоқда.

Минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар сифатида фойдаланиш учун этаноламинлар (моно- (МЭА), ди- (ДЭА) ва триэтаноламин (ТЭА)) фойдаланиб кўрилган. Олинган натижалар ушбу реагентлар 0,5-2,0 мг/л концентрацияларда 48-75% ингибиращ самарадорлигига эга эканлигини кўрсатади.

Этаноламинларнинг ўртача ингибиращ самарадорлигига эга эканлигини улардаги электрон жуфтлари сақловчи гуруҳларнинг кам фаоллиги билан изоҳланади ва улардаги фаоллик МЭА<ДЭА<ТЭА қаторида ортиб боради.

Самарали ингибиторлар олиш мақсадида МЭА, ДЭА ва ТЭА ҳамда саноат ингибиторлари нитрилтриметилфосфон кислота, оксиэтилидендифосфон кислота турли нисбатлар қўшилиб композициялар тайёрланган ва синааб кўрилган (1-жадвал).

### **1-жадвал**


#### **Этаноламинлар асосидаги композицияларнинг ингибиращ самарадорлиги**

№	Ингибитор компонентлари	Ингибитор компонентлари концентрацияси, мг/л	Самара, %		
			Сувнинг қаттиқлиги, мг·экв/л		
			4 - 6	7 - 9	10 - 12
1	Моноэтаноламин + нитрилтриметилфосфон кислота	0,5 + 0,5	87	86	85
		1,0 + 1,0	89	89	88
		1,5 + 1,5	90	89	89
		2,0 + 2,0	91	90	90
2	Диэтаноламин + нитрилтриметилфосфон кислота	0,5 + 0,5	88	87	86
		1,0 + 1,0	90	90	89
		1,5 + 1,5	91	91	90
		2,0 + 2,0	94	91	90

			0,5 + 0,5	89	88	88
3	Триэтаноламин + нитрилтритилфосф он кислота		1,0 + 1,0	91	90	89
			1,5 + 1,5	93	91	90
			2,0 + 2,0	95	92	91
4	Моноэтаноламин + оксиэтилидендифосф он кислота		0,5 + 0,5	90	89	89
			1,0 + 1,0	92	90	89
			1,5 + 1,5	94	92	91
			2,0 + 2,0	95	93	92
5	Диэтаноламин + оксиэтилидендифосф он кислота		0,5 + 0,5	91	90	90
			1,0 + 1,0	93	91	90
			1,5 + 1,5	95	93	92
			2,0 + 2,0	96	94	93
6	Триэтаноламин + оксиэтилидендифосф он кислота		0,5 + 0,5	92	91	89
			1,0 + 1,0	94	91	90
			1,5 + 1,5	95	93	92
			2,0 + 2,0	97	94	92

Ингибитор сифатида ОЭДФ÷МЭА÷ЭФК÷АВК-экстракт÷H<sub>2</sub>O

(10+15+15+1+59) таркиб композициянинг ингибирлаш смарадорлиги.




НТФ÷МЭА÷ЭФК÷АВК-экстракт÷H<sub>2</sub>O (10+15+15+1+59) композицияси

Ушбу композиция минерал тузлар тўпланишига қарши юқорисамарали (90 % дан кам эмас) ингибитор эканлиги кўринади ва физик-кимёвий ва экспулатацион хусусиятлари бўйича бу турдаги ингибиторларга қўйилган барча мейёрларга мос келади.

Коррозия ва минерал тузлар тўпланишига қарши ингибитор аралаштириш усули билан 35-40°C хароратларда олинади. Жараён куйидаги босқичлар орқали амалга оширилади:

- натрий гидроксиди ва моноэтаноламин куб қолдиғи эритмаларини тайёрлаш;
- оксиэтилидендифосфон кислота ва рух оксиди суспензиясини тайёрлаш;
- коррозия ва минерал тузлар тўпланишига қарши ингибитор ишлаб чиқариш.



1-расм. Коррозия ва минерал тузлар тўпланишига қарши универсал композициялар ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси

$E_1$  – глицерин учун сифим;  $E_2$  – моноэтаноламин куб қолдиғи учун сифим;  $B_1$ ,  $B_2$ ,  $B_3$  – мос равишда оксиэтилидендифосфон кислота, ZnO ва NaOH учун бункерлар;  $R_1$  ва  $R_2$  – реакторлар;  $H_1$  ва  $H_2$  – насослар;  $F_1$  ва  $F_2$  – фильтрлар;  $E_3$  ва  $E_4$  – тайёр маҳсулот ингибитори учун қабул идишлари

Натрий гидроксиди ва моноэтаноламиннинг сувли эритмаларини тайёрлаш зангламас пўлатдан тайёрланган ташқи иситиш мосламаси ва аралаштиргич билан жиҳозланган  $R_1$  реакторда олиб борилади. Аввалдан хисобланган микдор сув билан тўлдирилган реакторга натрий гидроксиди солинади ва аралаштирилади. Сувли эритма ҳосил бўлиш вақтида реактор рубашкасиги совуқ сув узатилади. Натрий гидроксиди кристаллари тўлиқ

эригандан сүнг реакторга Е<sub>2</sub> ёки Е<sub>3</sub> сиғимлардан моноэтаноламин куб қолдиги қўшилади. Аralаштириш ва совитиш 10-15 дақиқа давом эттирилади.

Иккинчи босқич якорли мешалка билан жиҳозланган R<sub>2</sub> реакторда олиб борилиб, дастлаб сув, глицерин ва асосий модда масса улуши 98,0 % дан кам бўлмаган оксиэтилидендифосфон кислота солиб аралаштирилади. Реактор сув ёрдамида совутилиши ёки иситилиши учун **ташки қувирли элемент** билан жиҳозланган. Реакторнинг остки маҳсулот чиқиш қисмига намуна олиш қурилмаси ўрнатилган. Аralаштириш 5-8 дақиқа оксиэтилидендифосфон кислота кристаллари тўлиқ эригунга қадар давом эттирилади, бунда оқ рангдаги оксиэтилидендифосфон кислота рух комплексонати суспенцияси ҳосил бўлади. Олинган маҳсулот оптималь композицион таркиби (рух оксиди : глицерин : ОЭДФ : МЭАКҚ: АБК-Экстра : сув = 5,9 : 0,42 : 16,8 : 20,6 : 0,28 : 56,0) бўлиб, химоялаш сарадорлиги 90 % дан кам эмаслиги аниқланади.

### *Назорат саволлари*

1. Композицион ингибиторлар ишлаб чиқаришни жорий қилишнинг истекболлари;
2. Азотсақловчи композицион коррозия ингибиторлари;
3. Фосфорсақловчи композицион коррозия ингибиторлари;
4. Композицион катализаторлар ишлаб чиқаришни жорий қилишнинг истекболлари

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Wittcoff, Harold. Industrial organic chemicals.-2nd ed. / Harold A. Wittcoff, Bryan G. Reuben, Jeffrey S. Plotkin. p. cm. Includes index. 2004. 686 p.
2. T.W. Graham Solomons. Organic chemistry. (University of South Florida) Craig B. Fryhle (Pacific Lutheran University), Scott A. Snyder (Columbia University). 2013. – 1255 c.

## **2-маъруза: Полимерлар ва улар асосида пластик массалар (композицион материаллар) ишлаб чиқариш.**

### **1-қисм: Полимер композициялар тайёрлаш технологияси**

#### **Режа:**

- 2.1. Аralаштириш усуллари.
- 2.2. Таблеткалаш
- 2.3. Оддиндан қиздириш.

Аввало юқорида кўрсатилганга қараб композиция таркибини аниқлаш лозим, ундан сўнг таркибига кирувчи хом ашёларни аralаштиришга киришилади.

Бундан олдин завод лабораториясида ПМК таркибига кирувчи компонентларнинг технологик ҳоссаларини аниқлаш керак. Буни айrim пайтларда хом ашёни киритишдаги текшириш кўрсатгичлари деб аталади.

Компонентларнинг анализига қуйидагилар киради: зичлик, сочилувчанлик (сыпучесть), гранулометрик таркиб, намлик, табиий қийшайиш бурчаги (угол естественного откоса), сочилиш зичлиги, зичлантирилган материалнинг зичлиги.

Аralаштириш – технологик жараён бўлиб, унда бирин–кетин компонентларни қўшиш ва уларнинг ҳоссаларини керакли томонга йўналтириш, композицияни гомогенлаштириш.

Аralаштириш асосан икки йўналишда кетади: макродаражада, яъни сочилувчан ёки қаттиқ заррачаларни суюқликда aralаштириш ва микродаражада, яъни окувчан ҳолатда aralаштириш. Бу бир ҳил (однородный) масса ҳосил бўлишига олиб келади. Aralаштириш натижасида композицияни физик ҳолати ҳам ўзгариши мумкин (эриш,

суюқланиш) ҳамда кимёвий реакция бориши учун (полимерни инициатори ёки қайтарувчи билан аралаштириш) шароитини яратиб беради.

Аралаштириш лозим бўлган компонентларни ҳолатига қараб қўйидаги усувлар қўлланилади:

1. Сочилувчан моддаларни аралаштириш;
2. Сочилувчан ёки суюқ моддаларни аралаштириш;
3. Суюқликларни аралаштириш;
4. Полимерлари оқувчан ҳолатда аралаштириш.

– Сочилувчан ҳолатдаги моддаларни аралаштириш кўпроқ полимерларга пигментлар беришда қўлланилади (опудрирование). Бу процесс кўпроқ валц ёки экструдерларда амалга оширилади. Куруқ ҳолатда аралаштириш маҳсус мешалка–барабанларда амалга оширилади бу тўлдирувчи ва полимер порошок ҳолатида бўлганда ва иккиламчи хом ашёни ишлатишида қўлланилади.

– Сочилувчан ва суюқ компонентларни аралаштириш кўпроқ пластификаторларни, эритувчиларни, ранг берувчи моддаларни аралаштиришда қўлланилади. Тайёрланган композиция паста ҳолатида бўлади. Бу жараён, аралаштирилаётган масса ускунанинг деворига ёпишиб қолмаслиги учун маҳсус аралаштиргичларда амалга оширилади.

– Полимерларни оқувчан ҳолатда аралаштириш усулида бир текисда аралаштириш содир бўлади, чунки аралаштириш полимерларнинг оқувчанлик ҳароратидан сал юқорироқ ҳароратларда олиб борилади. Бу жараён валцларда амалга оширилади. Гомогенизацияга эришиш учун массани бир неча марта вальцлар оралиғидан ўтказиш керак. Вальцлар оралиғини ўзгартириш мумкин. Бу ерда вальцларнинг бир–бирига нисбатан тезлигига (фрикциония) ҳам эътибор бериш керак.

## Полимер композициясини гранула ҳолатига айлантириш

Гранулалаш полимерни сочилувчан донадор маҳсулотга айлантиришdir. Грануллаш сочилган ҳолдаги зичликнинг қийматини ошириб беради: материал гранулалари деярли бир хил ўлчамга эга (3–5 мм). Сочилган ҳолдаги ҳажмий оғирликнинг ортиши грануладан буюм оловчи агрегатнинг ишлаб чиқариш унумдорлигини оширади.

Гранулалаш жараёни қуйидагилардан иборат: порошок ҳолатидаги полимер ёки ПКМ цилиндрга солинадиган (цилиндр ичida айланиб турадиган шнек мавжуд ва ташқи томондан керакли бўлган ҳароратгача иситилади) ва ҳарорат таъсири остида материал оқувчан ҳолатга ўтиб шнек ёрдамида уни шаклловчи каллак орқали лента ёки (пруток ҳолатда) узлуксиз сиқиб чиқаради ва совутиб кесиб гранулага айлантирилади. Бундай агрегатлар гранулятор номи билан юритилади.

## Таблетка олиш

Термореактив композицион материаллар кўпинча сочилувчан ҳолатда бўлади. Улардан бу ҳолатда фойдаланиш анча ноқулайликка олиб келади. Шунинг учун улар олдиндан зичлаб таблетка ҳолига келтирилади. Бу жараён фторопластлар учун ҳам қўлланилади.

Таблеткалаш маҳсус гидравлик (автоматлаштирилган) прессларда бажарилади. Хона ҳароратида пресс–кукунлари маълум ўлчам ва шаклдаги, ҳаводан озод бўлган жипслашган массага айланади. Толасимон пресс материаллардан шнекли агрегат орқали маълум шаклга (арқон ҳолатидаги) эга бўлган таблетка олиш мумкин.

Таблеткалаш пресспорошкларнинг сочилиб йўқолишини камайтиради. Таблеткалар тезроқ исийди, иссиқликнинг атроф муҳитга тарқалиши камаяди ва ўлчаб бериш осонлашади. Натижада пресслаш усули билан олинган буюмни умумий вақти (цикл прессования) камаяди.

## Полимер материалларни олдиндан қиздириб олиш

Термореактив материаллардан пресслаш усули билан буюм олиш ҳамда вакуум ва пневмошакллаш; лист ва плёнкалар ориентацияси, пайвандлаш юқори ҳароратда амалга оширилади.

Шунинг учун дастлабки қиздириб олиш пластмасса қайта ишлаш технологиясида мухим аҳамиятга эга. Буюмларнинг сифати, агрегатнинг иш унумдорлиги таблеткаларни баравар қиздириб олишга боғлиқ. Дастлабки қиздириб олиш буюмлар олишда юқори ҳарорат таъсиридаги деструкцияни камайтиради (пресслаш вақти ҳам камаяди).

Масалан, лист материаллардан буюм олишда агар материал бир ҳил қиздирилмаса, у ҳолда макромолекулаларнинг ориентация даражаси ҳар ҳил бўлади, қолдиқ кучланиш бўлади, натижада буюмларда микродарзлар ва бузилиш юзага келади. Полимер материаллар иссиқлик ўтказувчанлиги паст бўлгани учун қотириш жараёни қийинлашади, бунда пресслашда фақат материал юзаси қизийди. Дастлабки қиздириб олиш подпрессовка ва пресслаш вақтини камайтиради, бунда буюм юзасида пуфак (вздутие) бўлмайди.

Дастлабки қиздириб олишни қурилиш шкафлари ёки юқори частотали қурилмаларда ва инфрақизил иссиқловчиларда амалга ошириш мумкин.

Юқори диэлектрик ҳоссали полимер материаллар қурилиш шкафларида қиздирилади. Бундан ташқари қурилиш шкафларида тиник листларни қиздириб олиш ҳам мақсадга мувофиқ чунки инфрақизил қиздириш самарасизроқ.

Юқори частотали токлар билан материал қиздирилганда, у конденсатор пластиналари орасига жойлаштирилади. Таблетка күринишидаги материал ерга уланган (заземление) конденсаторга жойланади. Пластиналарни юқори частотали ток генераторига уланганда пластинкалар орасида кучланишли электор майдони ҳосил бўлади:

$$|E| = I / H$$

бу ерда:  $I$ —бериладиган кучланиш, В;

$H$ —пластиналар орасидаги масофа, м.

Материалларни юқори частотали токда қизиши уларнинг тузилишига боғлиқ. Кутбланмаган полимерлар (ПЭ, ПС, фторопластлар) юқори частотали электр майдонида қиздирилмайди. Шунинг учун улар юқори частотали ток изоляторлари сифатида ишлатилади. Кутбланган полимерлар (ПВХ, ФФС) электр майдонида жуда тезликда қиздирилади. Полимерларни юқори частотали токда қиздирилишга мойиллиги уларнинг  $\tg\alpha$  ҳосиласига тенг бўлган диэлектрик йўқотиш қиймати орқали аниқлаш мумкин ( $\tg\alpha$ —диэлектрик сингдирувчанлик). Бу ҳосила қанча катта бўлса, шунча кўп электр энергияси иссиқлик энергиясига ўтади.

Юқори частотали қурилмалар тўла қувватидан фойдаланганимизда термореактив материалларни қиздириш вақти одатда 20–30 сек ни ташкил қилади. Бунда қиздирилган материал ҳарорати  $120\text{--}130^{\circ}\text{C}$  бўлади. Бу реактопластларни қотириш вақтини 20–30% камайтиради ва подпрессовка сонини қисқариб, бунинг натижасида гидравлик пресс ва прессформанинг едирилиши камаяди.

### **Назорат саволлари:**

1. Полимерларни паст молекулали моддалардан ажратиб турадиган асосий фарқлари.
2. Аморф полимерларнинг уч физик холатини тушунтириб беринг.

3. Полимерларни эритувчиларда эришининг ўзига хосслигини тушунтиринг.
4. Полимерларнинг юқори эластик холати ва бу холатни намоён этиш сабаблари.
5. Полимер молекула массасининг полидисперслиги нима билан тушунтирилади.
6. Полимерларни ўртача массавий ва ўртача рақамий молекула массаларини топиш ва уларни фарқи нимани билдиради?
7. Полимерлар қандай реакциялар ёрдамида синтез қилинади?  
Мисоллар келтиринг.
8. Газ фазасида ва суюқ фазада полимерланиш реакцияларига мухит харорати ва босимнинг таъсирини тушунтиринг.
9. Полимерлар ишлаб чиқаришнинг технологик усуллари. Хар бир усулнинг ютуқ ва камчиликлари.
10. Юқори босимда полиэтилен олиш технологияси. ЮБПЭ нинг хоссаларига мухитдаги кислород миқдори, харорат даражаси ва реакцион массани узатилиш жойлари миқдорини таъсирини мисоллар билан тушунтиринг.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Donald G. Baird, Dimitris I. Collias. Polymer Processing: Principles and Design, 2nd Edition. Wiley. США 2014. P. 169
2. John A. Tyrell. Fundamentals of Industrial Chemistry: Pharmaceuticals, Polymers, and Business 1st Edition. Publisher: Wiley. США, 2014. P. 655
3. Andrew J. Peacock. Handbook of Polyethelene structures, properties, and applications, New York, 2000. 3,15,16,43,45,49,55,56,58,59 p.

## **2-қисм. Полимер композициясини яратиш принциплари Режа**

1. ПКМ нинг синфланиши ва умумий хусусиятлари.
2. Полимер композицион материаллар (ПКМ) нинг турлари.
3. ПКМ хусусиятларини яхшиловчи омиллар.

### **ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР**

Композиция таркиби, тўлдирувчи, пластификатор, қотиравчи стабилизаторлар, аралаштириш, қуритиш, эритиш, майдалаш, грануллаш, таблеткалаш, олдиндан қиздириш, юқори частотали қурилма.

Янги полимер композицион материалларни яратишдан асосий мақсад физик–механик хусусиятлар комплексини яхшилаштир. Хусусиятлар комплексининг асосий кўрсаткичи — материалнинг синишга (структуравий бузилишга) қаршилик кўрсатиши, яъни мустаҳкамликдир. Мустаҳкамликнинг энг юқори қиймати идеал ёки идеалга яқин структурали системалар учун характерлидир. Чунончи, C—C-боғларнинг узилишга кўрсатадиган қаршиликларининг йифиндиси сифатида олинган, полимернинг чўзилишдаги мустаҳкамлигининг ҳисобланган қиймати 19000 МПа га teng. Бу аслида —C—C-боғлардан тузилган идеал кристалнинг мустаҳкамлигидир.

Мустаҳкамликнинг ҳақиқий қиймати бироз камроқ. Чунончи, ПЭ монокристаллининг мустаҳкамлиги 13000 МПа ни ташкил қиласи, ўта ориентирланган ПП толасининг мустаҳкамлиги – 9000, эритмадан ориентациялаб тортилган ПЭ толасининг мустаҳкамлиги эса 4000 МПа га teng. Бирок, мустаҳкамликнинг бундай қийматларини ҳам пластмассаларни қайта ишлишнинг саноат усулида олиб бўлмайди, ва ПЭНП нинг босим остида экструзиялаб олинган оддий плёнкаси эса атиги 10–12 МПа мустаҳкамликка эга.

Идеал структуралар мустаҳкамлигини амалда юзага чиқариш имконига эга бўлмаганликлари сабабли, олимлар қадимдан реал, мавжуд материалларнинг хусусиятларини яхшилаш йўлидан борганлар. Илдизи чуқур тарихга сингиб кетган композитлар яратиш тажрибаси шу тарзда тўпланган. Полимерлар асосидаги маълум композитларнинг дастлабкиси – бу вавилонликлар томонидан битум смоласини қамиш билан армирлаб ясалган қурилиш материалидир (эрамиздан олдинги 4000–2000 йиллар).

**Полимер композицион материаллар (ПКМ)** деганда икки ёки ундан кўп компонент (таркибий қисм)ли гетерофазали системалар тушунилади; бунда битта компонент матрица ҳисобланади, унинг ичидагачараловчи сиртлар билан қуршалган бошқа компонент (ёки компонентлар) муайян ҳолатда тақсимланган бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир компонент ҳақиқий эритма компонентларидан фарқли ўлароқ композитда ўз индивидуаллигини сақлаб қолади. Соддалаштирилган тарзда, композитдаги ҳар бир компонент ўз ҳажмига эга, яъни алоҳида фаза шаклида бўлади, ва бунда ҳар бир алоҳида фазанинг хусусияти алоҳида олинган компонентнинг хусусияти кабидир деб ҳисоблаш мумкин.

Кўпчилик ҳолларда чўзилишдаги мустаҳкамликни ошириш имконияти бўлмайди, ва бунда композитни яратишдан мақсад сиқилишдаги мустаҳкамлик, зарбга чидамлилик, кимёвий чидамлилик ва мой–бензин таъсирига чидамлилик каби хусусиятларини ошириш, ишланувчанлик, ташқи кўриниш ёки буюм ўлчамлари барқарорлиги ва ҳ.к. ларни яхшилашдан иборат бўлиб қолади. Қатор ҳолларда ПКМ мавжуд материаллар ассортиментини кенгайтириш ёки хом ашё базасини кенгайтириш мақсадида яратилади. Саноат ва майший пластмасса чиқиндиларини қайта ишлашда ПКМ нинг роли тобора муҳим бўлиб бормоқда. Ҳалигача саноати ривожланган мамлакатлар майший чиқиндилардан ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан атиги 3–5% полимер утилизация қилмоқдалар. Кейинги юз йиллик бошида бу миқдорни 50%–

гача етказиш масаласи қўйилмоқда. Иккиламчи полимер хом ашёсини қайта ишлаб янги буюмлар олиш асосан ПКМ яратиш йўли билан амалга оширилади.

ПКМ яратиш сўнги йилларда пластмассаларни қайта ишлаш технологияси ривожининг бош йўналиши бўлиб қолди ва ҳоссалари яхшиланган янги материаллар олишнинг асосий резерви сифатида қаралмоқда.

### ПКМ нинг синфланиши ва умумий хусусиятлари

Конструкцион материалларнинг уч хили мавжуд: металлар, керамикалар, полимерлар. Конструкцион материаллар асосан юклама катталиги, унинг таъсир қилиш вақти, қайишқоқлик ва оқишининг оний модули, яъни деформациянинг бошланғич ва охирги қиймати (хизмат муддатининг боши ва охира), буюмнинг моддий сифими (массаси), унинг иссиқбардошлиги, ёрилишга чидамлилиги ва ҳ.к. бўйича муайян талабларга жавоб берган ҳолда механик (статик ёки динамик) кучни ушлаш мақсадида қўлланилади.

Металл конструкцион материалларнинг асоси ҳамиша қотишмалардир, бунда қўшилган материалнинг (металл ёки керамика) ўлчамлари қўпчилик ҳолларда 10–100 нм эканлиги бу материалларни композитлар деб ҳисоблашга асос бўлади.

Керамик конструкцион материаллар – техник шиша, оддий керамика ва бетонлардир. Охирги икки тур композицион материал саналади. Техник шишалар эса баъзан композит олиш учун матрица сифатида ҳам ишлатилади.

Полимер конструкцион материаллар ҳозирги вақтда кўпроқ композитлардан ясалмоқда. Металл қотишмаларидан фарқли ўлароқ полимер аралашмалари ва қотишмалари доим гетерофазалидир. Шу

сабабли полимерлар аралашмалари, тўлдирилган полимерлар, кўпикпластлар композитларнинг типик вакиллариdir.

### Полимер композицион материаллар (ПКМ) нинг турлари

Полимер композицион материалларнинг ҳаммасида матрица полимер бўлганлиги сабабли, уларнинг хусусиятларининг фарқи иккинчи фазанинг кимёвий табиати, унинг заррачаларининг шакли, калта ва узлуксиз армирловчи толаларнинг ўлчами ва мумкин бўлган ориентациялари билан белгиланади. Шубҳасиз, бу ПКМ ларнинг хусусиятлари даставвал полимер–матрицага боғлиқ.

#### ПКМ ларнинг принципиал камчиликлари қўйидагилардир:

1. Матрица модулидан бошқа ҳар қандай модулнинг матрица модулига киритилиши заррача–матрица чегарасида янги кучланишлар ҳосил бўлишига олиб келади. Бу жараён қаттиқ заррачалар ёки газ заррачалари қўшилган ҳолда ҳам юз бераверади. Заррача ва матрица ўртасидаги чегарада кучланишнинг мавжудлиги микробузилишлар ҳосил бўлишига ва кейинчалик ёриқлар ҳосил бўлиб намунанинг синишига олиб келиши мумкин.
2. Матрица материали ва заррачаларнинг материали турли иссиқликдан кенгайиш чизиқли коэффициентига эга ( $\alpha_m$  ва  $\alpha_\phi$ ). Ҳар қандай усул билан қайта ишлашда исиш жараёни совуш жараёни билан биргаликда содир бўлади. Иссиқликдан кенгайишнинг турлича бўлиши сезиларли қолдиқ кучланишларининг ҳосил бўлишига олиб келади. Бу ўз навбатида материал мустаҳкамлигининг пасайишига олиб келади.
3. ПКМ га юклама остида сезиларли деформацияланмайдиган қаттиқ тўлдиргич заррачаларининг қўшилиши оқибатида тўлдиргич миқдорининг ортиши билан ПКМ нинг деформацияланиши камаяди. Агар полимерни ва унинг асосидаги композитни бир хил узунликка чўзсан, композит

таркибидаги матрица тўлдиргич иштирокисиз берилган деформацияни таъминлайди ва шу сабабли у индивидул полимерга нисбатан кўпроқ деформацияга учрайди. Тўлдиргич миқдори ортиши билан матрицанинг кўпроқ деформацияланиши полимер қатламининг заррачадан узилишига ва ғоваклиликнинг, яъни композитда микродефектларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

4. Қаттиқ пластмассага мустаҳкамлиги кам бўлган тўлдиргични (масалан, эластомер) қўшилиши натижасида юклама таъсир қилаётган юза кучсизланади, ва материалнинг мустаҳкамлиги камаяди.

Кўрсатилган сабаблар композитнинг мустаҳкамлигининг матрица полимери мустаҳкамлигига нисбатан камайишига олиб келади.

Аслида тўлдиргичнинг қўшилиши ПКМ нинг баъзи хусусиятларининг яхшиланишига олиб келади. Демак, бундай ҳолда хусусиятларни яхшиловчи омилларнинг самараси юқорида келтирилган салбий таъсир қилувчи омилларнидан юқори бўлиши керак.

#### ПКМ хусусиятларини яхшиловчи омиллар қўйида келтирилган.

1. ПКМ да пайдо бўлаётган микротирқишик икки ҳил тарзда ўсиши мумкин. Биринчи ҳолда, тирқишик заррачани бузиб (ёриб, парчалаб, бўлиб) ўтиши мумкин. Бунда албатта, заррачани ёриш учун энергия сарфланади. Сарфланаётган энергия ПКМ нинг мустаҳкамлигига пропорционалдир. Иккинчи ҳолда, тирқишик заррача сиртидан айланиб ўтиб кетиши мумкин. Бу ҳолда ҳам тирқишининг ўсиш траекторияси ортиши сабабли кўпроқ энергия сарфланади. Демак ПКМ таркибидаги тўлдиргич зарраси тирқишининг ўсишига қаршилик кўрсатади. Мустаҳкамлиги кам бўлган тўлдиргич зарраси (масалан, эластомер ёки ҳаво пуфакчаси) қўшилган ҳолда эса (фазалараро қатлам кучсиз бўлади) ўсаётган тирқишининг уни йўқолади ва полимер деформацияланиб тирқишининг яна давом этишига қаршилик кўрсатади. Бу ҳол айниқса мўрт бўлмаган полимерлар асосидаги

кўпикпластларда яққол кўринади – тирқиши ҳаво пуфакчасига тўқнаш келганда ўсишдан тўхтайди.

2. Кучсиз фазалараро қатламнинг мавжудлиги кучланишларнинг тирқиши учидаги релаксацияланишинигига таъминламайди, балки ички (қолдиқ) кучланишларнинг, шу жумладан иссиқликдан кенгайиш турлича бўлганда ҳосил бўлган қолдиқ кучланишларнинг релаксациясини ҳам таъминлайди. Демак, мустаҳкамликнинг ошишига ёки қолдиқ кучланишларнинг камайишига материални (айниқса, мўрт ва юқори даражада тўлдирилган материал бўлса) сезиларсиз даражада кўпиклантириш усули билан ҳам эришиш мумкин.

3. Фазалараро қатламнинг (МФС) мустаҳкам бўлиши материалнинг мустаҳкамлигини оширади. МФС нинг катталиги эса полимернинг қаттиқ заррача юзаси билан ўзаро таъсир даражасига кўпроқ боғлиқ. Полимерларда МФС нинг ўзига ҳос томони у полимерларда жудаузун (катта) бўлади. Масалан, юқори дисперсли тўлдиргични ПКМ га 0,1–0,5% миқдорда қўшиш полимернинг бутун ҳажмининг кристалланиши учун етарлидир. Тўлдиргич миқдорини янада ошириш полимер матрицасининг заррачалар сиртига тақсимланишига ва МФС нинг катталлашишига, оқибатда материал мустаҳкамлигининг ортишига олиб келади.

4. Таъсирлашувчи фазалар бир–биридаги дефектларни ўзаро йўқотиши мумкин. Масалан, қаттиқ жисм сиртини полимер билан хўллаш (қоплаш) натижасида тўлдиргич сиртидаги микротирқишлиарда кучланишлар камаяди, бунинг натижасида тўлдиргичнинг ҳақиқий мустаҳкамлиги ва демакки, ПКМ нинг ҳам мустаҳкамлиги ортади. Бу ходисани армирланган пластиналарда кузатиш мумкин. Чунончи, армирловчи шиша толаларининг ва ипларининг мустаҳкамлиги, полимер билан қопланмаган тола ва ипларнидан 1,15–2,2 марта каттадир.

### **3-қисм. Тўлдиргичлар.**

#### **Режа**

1. Ноорганик тўлдиргичлар
2. Шиша толалари
3. Асбест
4. Оксидларнинг монокристалл толалари
5. Кукун кўринишидаги анорганик тўлдиргичлар
6. Қотиргичлар ва қотишни тезлатгичлар
7. Суртилувчи моддалар
8. Бўёқлар ва пигментлар

#### **Ноорганик тўлдиргичлар**

Тола ёки кукун кўринишида бўлади. Тола кўринишида ишлатиладиган ноорганик тўлдиргичларга шиша толаси, асбест, волластонит киради. Кукун кўринишида ишлатиладиган тўлдиргичлар - каолин, талк, металларнинг оксидлари ( $TiO_2$ ,  $ZnO$ ,  $Fe_2O_3$  ва х.к.) тузлари ( $CaCO_3$  ва х.к.) киради.

#### **Шиша толалари**

Шиша толалари кимёвий ва иссиқлик таъсирларга чидамли, кам нисбий чўзилишга ҳамда юқори мустаҳкамликка эга бўлганидан улар асосан полимер композицияларида армирловчи тўлдиргич сифатида ишлатилади. Саноатнинг турли соҳаларида шиша волокнит (шиша толалари асосида) дан олинган маҳсулотлар, шиша текстолит (шиша матосидан олинади) ишлатилади.

#### **Асбест**

Асбест - магний ва калций силикатлари аралашмасидан иборат толали тўлдиргичdir. Асбестни тўлдиргич сифатида ютуғи шундаки, у ўзида анорганик моддаларга ҳос юқори ҳарорат таъсирига ва сувга чидамлиликни, органик толаларга ҳос мустаҳкамли билан бирга мужассамлантирган. Пластмасса соҳасида асбест кўпроқ фрикцион (ишқаланиш) материаллар олишда ишлатилади. Кейинги пайтларда

асбестни одам соғлигига зарари борлиги учун иложи борича бошқа түлдиргичлар билан алмаштиришга интилиномоқда.

### **Оксидларнинг монокристалл толалари**

Космонавтикани ривожланиши турли оксидлардан монокристалл толалар олишга ва улардан иссиқлик ва механик таъсирларга чидамли полимер материаллари яратишга олиб келди.

Хозирги пайтда амалда алюминий оксидидан олинган монокристалл толалари (сапфир толалари) шундай полимер композициялари олишда ишлатилади.

Композицион полимер материаллар олишда кўплаб кукунсимон тўлдиргичлар ишлатилади.

### **Кукун кўринишидаги анорганик тўлдиргичлар**

1. Калций карбонат ( $\text{CaCO}_3$ ). Энг кўп ишлатиладиган тўлдиргичлардан бири. Табиатда жуда кўп тарқалган, майдалаб тозалаш анча осон. Поливинилхлорид, полипропилен полимерлари асосида композициялар тайёрлашда ишлатилади.

2. Каолин. Оқ лой деб ҳам аталади. Алюминий силикатини гидратланган кўриниши. Каолин гидратланган ҳолда ҳам ундан юқори ҳароратда гидрат-сувини чиқариб юборилган ҳолда ҳам ишлатилади.

3. Дала шпати. Таркиби сувсиз ишқорий алюмосиликатлардир. Юқори кимёвий таъсирларга чидамлилиги бу тўлдиргичларни, кимёвий муҳитда ишлатиладиган полимер композициялари олишда ишлатилади.

4. Талк. Тўлдиргич сифатида пластина кўринишидаги талк ишлатилади. Шунинг учун талк полимерларга қўшилганда уларни мустаҳкамлиги ортади. Талк гидратланган магний силикатидир ( $3\text{MgO} \cdot 4\text{SiO}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ).

Полипропилен ва поливинилхлориддан композициялар олишда ишлатилади. Резина саноатида кенг ишлатилади.

5. Кремний карбиди. Полимер композицияларига уларни ишқаланишга чидамлилигини ошириш мақсадида қўшилади.

6. Металл оксидлари.

а) Алюминий оксида - эпоксид ва полиэфир смолалари асосида электр таъсирига чидамли, ўзидан иссиқлик ўтказувчи, ишқаланишга чидамли композициялар олишда ишлатилади.

б) Бериллий оксида - иссиқлик ўтказувчи композициялар олишда ишлатилади.

в) Темир оксидлари - FeO - сариқ, охра деб аталади; Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> - қизил, сурек дейилади. Бу оксидлар лок-бўёқлар олишда, полни, тунукаларни бўяш учун ишлатилади.

г) Рух оксида - резина саноатида ва пластмасса олишда ишлатилади. Масалан, 10% рух оксида билан тўлдирилган полипропилен атмосфера таъсирига чидамлилигини бир неча маротаба оширади. Лок-бўёқ олишда ҳам ишлатилади.

д) Титан диоксида - лок-бўёқ олишда кенг ишлатилади.

ж) Барий сульфат (барит). Полимерларга юқори зичлик, ишқаланишга чидамлилиқ, кимёвий таъсирларга чидамлиликни ошириш мақсадида қўшилади.

з) Полимерлар электр ва иссиқликни ўтказмаганликларидан, уларга шу хусусиятларни бериш мақсадида турли хил металл қуқунлари қўшилади. Темир, мис, алюминий, рух ва бошқа металл қуқунлари шунга мисолдир.

Тўлдиригичларни боғловчи-полимер билан ўзаро таъсири анча муракқаб бўлиб, одатда анорганик тўлдиригичларни усти юпқа полимер пардаси билан ўралади деган тушунча ҳозирги кундаги асосий тушунча бўлиб хизмат қиласи. Органик тўлдиригичларни кўпчилиги уларни таркибидаги целлюлоза ҳамда реакцион фаол гурӯхлар ҳисобига полимер билан ўзаро кимёвий боғ ҳосил қиласидилар.

## **Қотиргичлар ва қотишиң тезлатгичлар**

Олигомерларни тикилган ҳолга ўтиб қотишига ёрдам берувчи моддалар, қотиргичлар дейилади.

Новолак пресс-кукунлари ишлаб чиқаришда одатда гексаметилентетрамин (уротропин) ишлатилади. Аминопластлар олишда аммоний хлорид, эпоксид, түйинмаган полиэфирларда ҳам ўз қотиргичлари ишлатилади. Тезлатгичлар сифатида металл оксидлари ишлатилади ( $MgO$ ,  $CaO$ ).

## **Суртиловчы моддалар**

Пресс-кукун ва бошқа композицион полимер материалларни таблеткалашни осонлаштиради, материалларни қайта ишлаш жараёнида пресс-шаклларга ёпишиб қолишни олидини олиб, тайёр маҳсулотни пресс-шакллардан чиқариб олишни енгиллаштиради. Ундан ташқари пластмассадаги түрли ҳил моддаларни бир-бирига суркалиш кучини ҳам камайтириши ҳисобига қайта ишлаш жараёнида пресс-материални пластиклиги ва демак қовушқоқ-оқұвчанлигини ҳам оширади. Суртиловчы моддалар сифатида ўсимликлардан олинадиган кислоталар - олеин ва стеарин кислоталари ёки уларнинг тузлари - стеарат калций ишлатилади.

## **Бүёқлар ва пигментлар**

Түрли рангдаги пресс-материаллар ёки бошқа турдаги композициялар олиш мақсадида уларга иссиқликка ва нур таъсирига чидамли органик ва минерал бүёқлар ва пигментлар қўшилади. Фенопластлар олишда кўпроқ қора рангда чиқарилади ва бу рангни бериш учун уларга спиртда эрувчи нигрозин қўшилади. Бўёқ ва пигментлар кўплаб рангли полимер маҳсулотлари олишда, айниқса лок-бўёқ ишлаб чиқаришда ишлатилади.

#### **4-қисм. Пластик ПКМ олиш усуллари (фенол-формалдегид олигомерлари мисолида)**

**Режа:**

1. Фенопластларни олиш технологияси
2. ПК-кукунларни ишлатилиши
3. Толали түлдиргичлар асосидаги материаллар

#### **Фенопластларни олиш технологияси**

ПК кукунлари. Резол ва новолак олигомерлари асосида олинади.

Новолак олигомери асосида олинадиган ПК кукунларни кенг тарқалган таркиби қуйидагича бўлади (масс.қисмда):

Боғловчи (олигомер).....	42,8
Ёғоч уни .....	43,2
Уротропин.....	6,5
Каолин, мумия.....	4,4
Нигрозин .....	1,5
Калций ёки магний оксида .....	0,9
Калций стеарат .....	0,7

Босим остида қуйиб қайта ишланувчи ПК кукунни қуйидаги таркибда олинади (масс.қисм):

Боғловчи.....	50,3
Ёғоч уни .....	29,0
Уротропин.....	7,5
Каолин, мумия.....	5,0
Мумия.....	4,4
Калций оксида.....	2,2
Калций стеарати ёки стеарин.....	1,7

Юқоридаги таркибда боғловчи миқдорини кўп бўлиши, массани харакатчанлигини ортиради. Ундан ташқари композицияни

окувчанлигини ошириш мақсадида валцлаш жараёнида ПК кукун таркибиға (100 масс.қисмга 3 масс.қисм) фурфурол қўшилади.

### ПК кукунларни олиш усуллари

Пресс-кукунларни қаттиқ фенол-формалдегид олигомерлари асосида валцлаш ёки экструзиялаш усулида, олигомерларни эмулсияси ёки эритмаси асосида эса эмулсия ва лок усулларида (хўл усуллар) олинади.

Саноатда кўпроқ валц усули кенг ишлатилади, аммо экструзия усули ҳам жуда истиқболли усуллардан ҳисобланади.


Валц усули. Бу усул узлуксиз бўлиб қуйида технологик схема келтирилган.(расм.13)

ПК кукунларни бу усулда олишнинг технологик жараёни қуйидаги босқичлардан иборат: хом ашёни тайёрлаш (1-3, 5-9 позициялар), компонентларни аралаштириш (4-поз.), массани пластик ҳолга олиб келиш (11-поз., валцлаш), олинган варақ кўринишидаги пластикни майдалаш (12-13 поз.), маҳсулотни стандартлаш (17-поз.).

Аралашмани пластик ҳолга келтириш валцларда амалга оширилади. Валцларда кўп компонентли масса гомогенлашади ва олигомерда поликонденсатланиш давом этиши ҳисобига у бир оз қотган ҳолга ўтади. Валцлаш жараёнини ҳарорати шундай танланиши керакки, бунда олигомер яхшилаб суюқланма ҳолига ўтиб, тўлдиргичга ва аралашмани бошқа компонентларига шимилиши керак (валцлаш охирида 130 °C атрофида). Резол олигомерлари асосидаги пресс-кукунни пластикацияланиш вақти новолак асосидагиларнига қараганда 2-3 маротаба қисқа, чунки улар резитол ҳолига тезроқ ўтиш қобилиятига эгалар.

Узоқ валцланувчи ПКМ массаларни олишда (слюда, асбест, кокс каби олигомерни секин шимувчи тўлдиргичлар асосида олинганда, ёки поливинилхлорид билан аралаштирилган крезол-формалдегид олигомерлари ишлатилганда) компонентлар узлукли валц усулида пластикация қилинадилар.

Бу усулни узлуксиз усулдан фарқи компонентлар аралаштирилиб олинганидан сўнг, ёки навбатма-навбат валцларга қўлда солинадилар.



Расм. 13. ПК кукун узлуксиз усулда ишлаб чиқариш жараёни.

1- циклон; 2-ёғоч уни бункери; 3,6,10,16-мейрловчи бункерлар; 4 – барабанли аралаштиргич (куракли); 5- олигомер бункери; 7-пуфлаб ажратувчи болғали майдалагич (нозик майдалаш тегирмони); 8,14-циклонлар; 9,15 – енгли филтрлар; 11-валцлар; 12-тишли майдалагич; 13-болғали майдалагич; 17-барабанли аралаштиргич (стандартловчи); 18-тайёр маҳсулотни

### Экструзия усули.

Бу усул валц усулига нисбатан тўлдиргични олигомер билан яхши шимилиши ва ПК-кукунни ёки ПК-массани ҳажми бўйича бир хилликка эришилиши хисобига, олинаётган ПК-материалларни хусусиятини анча юқори қилиб олишга имкон беради. Жиҳозни яхши берклиги эса ишлаш шароитини анча яхшилашга олиб келади (турли газ ва ҳидларни ишлаш хонасида кам тарқалиши хисобига).

## **ПК-кукунларни ишлатилиши**

ПК-кукунлардан буюмлар 160-200°С ҳароратда 20-120 МПа босим остида пресслаб олинади. ПК-кукунларни махсус хиллари босим остида күйиш усулида қайта ишланади. ПК-кукунлардан олинган буюмларни ишлатилиш жойига қараб улар ушбу гурухларга бўлинади.

Умумтехник мақсадли ПК-кукунлар - новолак олигомерлари ва ёғоч уни асосидаги ПК-кукунлар бўлиб, улар асосан куч қўйилмайдиган армиранган ва армиранмаган техник мақсадлардаги буюмлар ҳамда кенг истеъмол моллари (штепсел, розетка, вилка, патрон ҳамда магнитофонларни корпуслари ва х.к.) ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Ҳароратбардош ПК-кукунлар - слюда, асбест каби минерал тўлдиргичлар ва новолак олигомери асосида олинади. Юқори ҳарорат таъсирида ишловчи радио деталлари ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Электроизоляцион ПК-кукунлар - резол олигомер ҳамда ёғоч унидан олинадиган ПК-кукунлар бўлиб, улар бензин ва ёғ муҳитида ишлаши мумкин электротехник мақсадлардаги буюмларни ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Юқори частотали ПК-кукунлар - слюда, кварц уни, плавик шпат каби тўлдиргичлар ва резол олигомерлари асосида олинади. Ҳавода, юқори намлик таъсирида ишловчи радиотехник деталлар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Худди шундай деталлар полиамид билан модифициранган новолак ПК-кукунлари асосида ҳам олинади.

Сув ва кимёвий таъсирларга чидамли ПК-кукунлар - новолак олигомерини поливинилхlorид билан аралашмаси ҳамда органик, ноорганик тўлдиргичлар (каолин, кокс, графит, ёғоч уни) асосида олинади. Кислота ва сув таъсирига чидамли буюмлар, масалан аккумуляторларни қопқоғи, кир ювиш машиналарини деталлари, антифрикцион махсулотлар ишлаб чиқарилади.

Зарбга чидамли ПК-кукунлар - новолак олигомерини каучук билан аралашмаси ҳамда ёғоч уни асосида олинади. Умумтехник талабларга

жавоб берадиган ҳамда мураккаб шаклли радиотехник буюмлар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Антегмит - ўз-ўзини мойловчи антифирикцион буюмлар ишлаб чиқарилади. Кимёвий ва ҳарорат таъсирига чидамлилигини ошириш мақсадида буюмга иссиқлик ишлови берилади. Бунда унинг бироз механик мустаҳкамлиги камаяди.

### **Толали тўлдиргичлар асосидаги материаллар**

Волокнит - пахта целлюлозаси асосида олинадиган ПК-материаллар волокнит дейилади. Волокнит олишда резол типидаги фенолформалдегид олигомерини спиртдаги ёки сувдаги эритмалари ишлатилади.

Куйида волокнит олишнинг андозаси келтирилган:

Олигомер (қуруқ қолдиққа ўтказилганда) ..... 46,0

Пахта целлюлозаси (қуруқ)..... 43,8

Талк..... 7,45

Олеин кислотаси ..... 2,0

Магний оксида ..... 0,5

Калций оксида..... 0,25


Волокнит олишнинг технологик схемаси қуйида келтирилган.(расм.14)

Бу жараён хом ашёни тайёрлаш (1-5, 7-9 позициялар), компонентларни аралаштириш (6 поз.), аралашмани қуритиш (11 поз.), стандартлаш ва қадоқлаш бўлимларидан (12, 13 поз.) иборат. 1, 3, 4 позициялардан олигомер, спирт, олеин кислотаси 2 чи аралаштиргичга туширилади ва яхшилаб аралаштириб олинади. Тебранувчи элакка (7) минерал қўшимчалар солиниб, йиригидан ажратилганидан кейин барабан қўринишидаги аралаштиргичда (8) аралаштирилиб олинади. Тайёрлаб олинган олигомер аралашмаси ва целлюлоза 6 чи аралаштиргичда аралаштирилади. 6 чи аралаштиргичда 2 та чўян ғилдираксимон цилиндр (бегунлар), аралаштиргични асосида айланиб туради. Бу ғилдираклар ҳаракатдаги волокнитни четдан ўртага ва ўртадан четга сурниб турувчи

белкураклар билан жиҳозланган. Арапаштиргичда целлюлозани олигомер арапашмаси билан шимдириш 15-20 минут давом этади. Ундан кейин 9 чи хажмдан олинган массани минерал қўшимчалар билан чанглатилади. Талк волокнитни оқувчанлиги ва сувга чидамлилигини орттиради. Оксидлар олигомерни қотишини тезлатадилар.

Нам волокнит қабул қилувчи бункерга, у ердан пневмотранспорт ёрдамида лентали куритгичга йўлланади (11). Куритгичда лентадан-лентага ўтиш жараёнда ҳарорат 55оС дан 90оС гача ортиб боради. Лентани ҳаракатланиш тезлиги 0,9 м/мин бўлганида, волокнитни қуритгичда бўлиш вақти 36-40 минутни ташкил этади. Қуритиш сифатини массанинг оқувчанлиги бўйича текшириб турилади (Рашиг бўйича 40-140 мм). Ундан ташқари вақти-вақти билан стандарт диск пресслаб унинг ташқи кўринишидан ҳам текшириш мумкин. Қуритиш жараёнда волокнитдан енгил учувчан моддалар ажралиб чиқади ҳамда резол олигомери қисман резитол ҳолатига ўтади.

Қуритилган волокнит ҳаволи йўлдан бункерга, ундан стандартлаш арапаштиргичига (13 поз.) тушади ва у ерда 20-25 мин арапаштирилганидан кейин турли партияларни намлигини бир хилга келиш мақсадида бироз ушлаб турилади.



Пахта целлюлозаси билан тўлдирилган толали ПК-материаллар, ёғоч унидан олинган ПК-кукунларга нисбатан анча юқори физик-механик хусусиятларга эга бўлади. Тўлдиргични толалиги биринчи навбатда буюмларни зарбга, эгилишга ва едирилишга чидамлилигини оширади. Пахта целлюлозаси толаларининг узунлиги ортиб бориши билан, буюмларнинг зарбий қовушқоқлиги ҳам ортиб боради. Масалан, узунлиги 20 мм гача бўлган толалардан олинган ПК-материални зарбий қовушқоқлиги 9-15 кДж/м<sup>2</sup> бўлса, узунлиги 30 мм бўлган толалардан олинган ПК-материални зарбий қовушқоқлиги 20 кДж/м<sup>2</sup> гача ортади. Оддий пахта целлюлозасини корд иплари толалари билан алмаштирилса, ўта юқори мустаҳкамликка эга бўлган волокнит олинади.

Кўйида волокнитдан олинган буюмларни асосий хусусиятлари келтирилган:

Хусусиятлар	Қийматлар
Зичлик, кг/м <sup>3</sup> , кўп эмас	1450
Бўлиниш кучланиши, МПа, кам эмас сиқилишда	120
статик эгилишда	80
Мартенс бўйича иссиқбардошлиқ, °С, кам эмас	140
Зарбий қовушқоқлик, кДж/м <sup>2</sup> , кам эмас	9,0
Солиштирма электр қаршилиги, кам эмас сиртқи, Ом	$1 \cdot 10^{10}$
хажмий, Ом·м	$1 \cdot 10^{13}$
Диэлектрик йўқотишнинг тангенс бурчаги, 50 Гц	0,4-0,9
Электр мустаҳкамлик, кВ/мм, кам эмас	4,0
Сув ютиши (24 соатда), мг, кўп эмас	90
Ёғга чидамлилиги (24 соатда), %, кўп эмас	0,11
Совуганда киришиши (ҳисобланган), %	0,3-0,6

Волокнитдан олинган буюмлар кучсиз кислоталар ва ишқорлар таъсирига чидамли, лекин кучли кислота ва ишқорларда парчаланиб кетади.

Волокнитдан эгишга, буришга, ишқаланишга чидамлилик талаб қилинган жойларда ишлатиш учун буюмлар олинади.

Асбомассалар. Резол олигомерлари ва сбест толаларидан олинадилар. Боғловчи сифатида фенолформалдегид олигомерларини сувдаги ёки сув-спиртдаги эритмалари, шу олигомерларни канифол билан модифицирланган хиллари ишлатилади.

Куйида асбомассанинг шартли рецептти келтирилган (масс.қисмда):

Олигомер (қуруқ қолдиқ ҳисобида) .....33

Асбест толалари .....60

Талк .....5

Олеин кислотаси .....2

Асбомассалар юқори механик мустаҳкамлик, иссиқлик таъсирига ва ишқаланишга чидамлилик талаб қилинадиган буюмлар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Асбомассалардан эксковаторлар, вагонлар, трамвайлар, автомобиль ва бошқа транспорт воситаларини тормозлаш колодкалари ишлаб чиқарилади.

Фаолитлар - кислота таъсирига чидамли пластмасса бўлиб, резол олигомерини сувдаги эритмаси ва кислота таъсирига чидамли тўлдиргичлар асосида олинади. Ишлатилган тўлдиргичлар хилига қараб фаолит уч хил маркага бўлинади:

А маркали фаолит - антофиллит ва хризотил асбести асосида; Т маркали фаолит - графит ҳамда хризотил асбести асосида (кўпинча графолит деб аталади); П маркали фаолит - дарё қуми ва хризотил асбести асосида.

Фаолит ишлаб чиқариш технологияси, резол олигомерини сувдаги эритмасини тўлдиргич билан аралаштириш, аралашман қуритиш, валцлаш,

тайёр маҳсулотни қайта ишлаш ва олинган буюмни иссиқлик таъсирида ушлаш жараёнларидан иборат.

А маркали фаолитдан буюмлар концентранган хлорид кислотаси мухитида 3-4 йил ишлатилиши мумкин.

П маркали фаолит супфат, хлорид, фосфор, уксус (50% ли), чумоли, шавел, сут кислоталари, хлорланган углеводородлар, минерал ёғлар таъсирига чидамли.

Т маркали фаолит улардан ташқари фтор кислотаси таъсирига ҳам чидамли.

Фаолитлар азот ва хром кислоталари, йод, бром, асослар, пиридинлар, ацетон, спирт таъсирига чидамсиз.

Антофиллит асбестли буюмларга юқори кимёвий чидамлилик берса, хризотил асбести кимёвий чидамлиликни камайтиради, лекин механик мустаҳкамликни оширади.

Энг юқори иссиқликка чидамлилик П маркали фаолитга тегишли бўлиб, бу маркали фаолит юқори электр мустаҳкамлигига ҳам эга. Т маркали фаолит энг катта иссиқлик ўтказувчанликка эга, ундан ташқари графитни тўлдиргич сифатида ишлатилиши бу маркали фаолитга фтор кислотаси таъсирига ҳам чидамлиликни беради.

Фаолитдан кўпгина кимёвий аппарат ва буюмлар ишлаб чиқарилади: кимёвий моддаларни сақлаш идишлари, реакторлар, ректификацион ва адсорбцион колонналар, нутч-фильтрлар, электролиз ванналари, аралаштиргичлар, насосларни қисмлари, қувурлар ва уларни бириктирувчи қисмлари., вентиллар, қранлар ва бошқалар.

Шиша волокнитлар. Тўлдиргич сифатида шиша толалари ишлатилиб олинган маҳсулотлар шишаволокнитлар деб аталади.

Шиша толаси асосан тайёр буюмга юқори физик-механик хусусиятлар беради. Диэлектрик хусусиятлари ҳамда кимёвий таъсирларга чидамлилик боғловчи хилига боғлиқ бўлади. Боғловчи сифатида резол

олигомерлари, эпоксид ҳамда тўйинмаган полиэфир олигомерлари, полиамид олигомерлари ва уларни аралашмалари ишлатилади. Бу ерда биз фақат резол (фенолформалдегид) олигомерлари асосида олинадиган шишаволокнитлар тўғрисида сўз юритамиз.

Шиша толали волокнитларни олиш технологияси асосан, шиша толаларини олигомер эритмаси билан шимдириш ва қуритишдан иборат. Тайёр шишатолали волокнитларда боғловчининг миқдори 28-32%, енгил учувчилар миқдори 2-5% бўлади.

Шишаволокнитлар жуда юқори солиширма мустаҳкамликка, қаттиқликка эга, улар ўзгарувчан куч таъсирига, вибрацияга чидамли. Яхши диэлектрик ва ҳарорат тасирига чидамли, ва бу хусусиятлари уларникимёвий таъсирга, микроорганизмлар, коррозияга чидамлилиги билан олганда шишаволокнитларни кўп жойларда бошқа нарсалар билан алмаштириб бўлмас ҳолда ишлатишга олиб келади.

Шишаволокнитларни хусусиятлари ишлатилаётган шиша толаларига боғлиқ. Ишқорий шишаларни (натрийли оҳаклар асосида) шиша толаси олишда ишлатилиши кислоталар таъсирига чидамли, суст ишқорий шишаларни (борсиликатли) ишлатиш юқори диэлектрик ва сув таъсирига чидамли материаллар олинишига олиб келади.

Шиша толасининг қалинлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Шиша толаси қанчалик ингичка бўлса, ундан олинган маҳсулотнинг эгилишга мустаҳкамлиги шунчалик катта ва зарбий қовушқоқлиги кичик бўлади.

Фенол-фурфурол-формалдегид олигомерлари асосида юқори механик мустаҳкамликка (чўзилишдаги мустаҳкамлик 700 МПа гача ва зарбий қовушқоқлик  $300 \text{ кДж}/\text{м}^2$  гача) эга бўлган шишаволокнитлар олиш мумкин. Поливинилбутирал билан аралаштирилган резол фенолформалдегид олигомерлари асосида юқори физик-механик хусусиятларига эга шишаволокнитлар олинади. Фенол-анилин-

формалдегид боғловчилари асосида эса яхши диэлектрик хусусиятларга эга шишаволокнитлар олинади.

## **ТАЯНЧ СҮЗЛАР**

Ноорганик тўлдиргичлар, қотиргичлар, суртилевчи моддалар, фенопластлар, ПК-кукунлар, уларни ишлаб чиқариш технологияси, прес кукунларни хоссалари, ишлатилиши,

Волокнитлар, пахта целлюлозаси, асбоволокнит, фаолитлар, шишаволокнит, волокнитларни ишлаб чиқариш технологияси, зарбий қовушқоқлик, механик мустаҳкамлик, иссиқбардошлик ва ҳарорат таъсирига чидамлилик.

## **ҚАЙТАРИШ УЧУН САВОЛЛАР**

1. Ноорганик тўлдиргичларнинг структурасини улардан олинадиган пластик масса хоссаларига таъсири.
2. Қотиргичлар, суртилевчи моддалар, пластификаторлар ва бошқа кўшимчаларнинг пластик масса олишдаги вазифалари.
3. Фенопластларни қандай турларини биласиз?
4. ПК-кукунлар қандай тўлдиргичлар асосида олинади?
5. ПК қукунларни ишлаб чиқаришни хўл ва қуруқ технологик жараёнлари.
6. Турли маркали ПК қукунларнинг хоссалари ва ишлатилиши.
7. Волокнит қандай тўлдиргичлар асосида олинади ва қандай хусусиятларга эга бўлади?
8. Волокнитларни ишлаб чиқариш технологик жараёни.
9. Асвестни қайси хиллари қандай толали ПК-материал олишда ишлатилади?
10. Фаолит олишда қайси хилдаги тўлдиргичлар ишлатилади?
11. Шиша толали волокнитлар қандай олинади?
12. Шиша толали волокнитлар олишда, шишаволокнитни хоссаларини яхшилаш мақсадида шиша толалари нима билан ишланади?

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Асқаров М.А., Исмоилов И.И. Полимерлар кимёси ва физикаси. Т., Ўзбекистон 2004 й.
2. Технология пластических масс. Под.ред. В.В.Коршака. Москва, «Химия», 1985, с.13-18.
3. С.В.Виноградов, В.А.Васнев “Поликонденсационные процессы и полимеры” Москва “Наука” 2000 г.
4. Robert O.Ebewele Polymer science and technology. New York 2000 y.

## **5-қисм. Варақ күринишидаги тұлдиргичлар асосидаги полимер-композицион материаллар**

**Режа:**

1. Текстолитлар
2. Гетинакслар
3. Асботекстолитлар
4. Шишатекстолитлар
5. Шишатолали анизотроп материал
6. Ёғоч қатlam пластиклар
7. Газ билан тұлдирилген фенопластлар

Варақ күринишидаги тұлдиргичлардан олинган күпгина ПК-материаллар қатlam-қатlam тузилишга эга бўлганларидан, уларни одатда қатlam пластиклар деб ҳам аталади.


Боғловчи сифатида резол фенолформалдегид олигомерлари эритма, сувдаги эмулсия ёки қаттиқ ҳолда ишлатилиши мумкин.

Агар тұлдиргич сифатида қоғоз ишлатилса ундан олинган маҳсулот - гетинакс, пахта матосидан - текстолит, асбест матосидан - асботекстолит, шиша матосидан - шишатекстолит, шиша шпонидан - шиша толали анизотроп материал (ШТАМ-СВАМ), ёғоч шпонидан - ёғоч қатlam пластик деб аталади.

Варақ материаллардан олинадиган қатlam пластикларни технологиясини умумий үхашаш жараёнлари қўп бўлиб, бу жараёнлар асосан - хом ашёни тайёрлаш, тұлдиргични боғловчи билан шимдириш ва куритиш, боғловчи билан шимдириб куритилган тұлдиргични пресслаш ёки аввал ўраб олиб кейин пресслашдан иборат.

Қатlam пластиклар юқори физик-механик хусусиятларга эга бўлиб, механик мустаҳкамлик бўйича ПК-кукун ва волокнитдан анча устун

турадилар. Шунинг учун ҳам улар радио-, электр техникасида, кимё саноатида, машинасозлиқда, қурилишда кўплаб ишлатиладилар. Қатlam пластиклари хусусиятлари тўлдиргич хилига, миқдорига, варакларни хили ва қалинлигига, боғловчини тўлдиргичга шимдирилиш усулига, қайта ишлаш шароитларига боғлик бўлади. Текстолитлар - резол олигомерлари ёки уларни бошқа полимерлар билан қўшилган аралашмалари билан шимдирилган пахта матоларини қаватма-қават тахлаб пресслаб олинган қатlam пластикдир. Текстолитни хусусиятлари олигомер ва тўлдиргични нисбатига боғлиқ. Боғловчи миқдори бир хил бўлганда текстолитни мустаҳкамлиги матони ингичкалашиши билан ортади. Кўпгина қатlam пластикларида юқори механик мустаҳкамлик боғловчининг миқдори 30% бўлганида кузатилади. Текстолитларда боғловчи миқдори бу сондан анча юқори, чунки 30% боғловчи олинса текстолитни сувга ва кимёвий таъсирларга чидамлилиги камайиб кетади. Ундан ташқари пахта матосини кўпайиши текстолит таннархини ошириб юборади. Текстолит олиш жараёни хом ашёни тайёрлаш, матони шимдириш ва қуритиш, пакетларни йифиши ва пресслашдан ташкил топган (Расм 15.).



Расм 15. Текстолит ишлаб чиқариш жараёни схемаси:

1-олигомерларни сақлаш идиши; 2-оралиқ идиши; 3,7 – филтрлар; 4-шимдириш-қуритиш агрегати; 5-спирт сақлаш идиши; 6-меёрловчи; 8-ўраш машинаси; 9-бичиш дастгохи; 10-пакет

Мато фенолформалдегид олигомерларининг спиртдаги эритмаси тўлдирилган идишдан ўтгач, сиқиши валларида ортиқча боғловчи сиқиб туширилади ва агрегатни қуритиш бўлимига ўтади. Қуритиш агрегатида харорат 60 дан  $140^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиб беради ва шимдирилган матони қалинлиги бўйича сифатли қуритишга эришилади. Қуритилган матода олигомер хамда енгил учувчилар миқдори 47-57 ва 0,8-2,5% бўлиши керак (мато хамда олигомер хилига қараб).

Шимдириш-қуритиш агрегатидан чиқаётган мато керакли катталиқда қирқилади. Қирқилган мато варақларидан пакет йиғилади (пресслангандан кейин 1мм қалинликдаги текстолит олиш учун керакли миқдордаги варақлар сони пакет йиғиши коэффиценти ёрдамида аниқланади).

Текис ва ялтироқ юзали текстолит олиш мақсадида, шимдирилган мато пакетлари юзалари шаффофланган, зангламайдиган пўлат варақлари орасига жойланади. Текстолитни юза тарафидаги пўлат вароқларига олеин кислотаси ёки стеарин суртиш мумкин.

Йиғилган пакетлар  $40^{\circ}\text{C}$  гачан қиздирилган кўп қаватли пресс плиталари оралиғига жойланиб, прессда 3-7 мПа босим хосил қилингач, секин-аста пресслаш хароратигачан қиздирилади. Сўнгра босим 7-10мПа гачан оширилиб пресслаш бошланади. Қарорат  $150-160^{\circ}\text{C}$ , босим 7-10мПа бўлганидан сўнг ушбу шароитларда текстолитни 1 мм алинлигига 3-5 минут оралиғида прессланади. Сўнгра босим камайтирилмасдан қарорат  $40^{\circ}\text{C}$  гачан пасайтирилади. Қарорат  $40^{\circ}\text{C}$  бўлганидан сўнг босим йўқотилиб, тайёр текстолит прессдан тушириб олинади.

Куйида турли хил текстолитларни физик-механик хусусиятлари келтирилган:

Хусусиятлар	Енгил матолар (миткал, шифон)	Ўртacha матолар (вяз, нанна, гринбен)	Бўлаклард ан тикилган мато*
-------------	----------------------------------	--	-----------------------------

Зичлик, кг/м <sup>3</sup>	1300-1400	1300-1400	1300-1400
Бўлининиш кучланиши, МПа, кам эмас чўзилишда	100	85	65
қаватларга перпендикуляр йўналишда сиқилишда	250	230	200
қаватларга параллел йўналишда сиқилишда	150	130	120
статик эгилишда	160	140	120
Зарбий қовушқоқлик, кДж/м <sup>2</sup> , кам эмас	35	35	25
Мартенс бўйича иссиқбардошлиқ, °С, кам эмас	140	140	120

Юқори физик-механик хусусиятлар бензин, ёғлар, сув таъсирига чидамлилик текстолитларни машинасозликда кенг қўлланилишига олиб келди. Текстолитдан таглик ҳалқалар, шестернялар, подшипникларни вкладишлари ишлаб чиқарилади. Бу буюмлар машинасозликда бронза ва бошқа металлардан ва метал қотишмаларидан тайёрланган маҳсулотларни ўрнини олиб, улардан анча кўп вақт давомида ишлатилади.

Электротехникада ҳам текстолитдан олинган шкивлар, панеллар кўплаб ишлатилади.

Гетинакслар. Фенол-, крезол-, ксиленол-формалдегид олигомерлари билан шимдирилган қофозлардан пресс slab олинадиган маҳсулотлар гетинакслар деб аталади.

Қофозни шимдириш учун текстолит олишда ишлатиладиган боғловчилар ишлатилади, аммо қофозни мустаҳкамлиги кам бўлганлигидан уларни горизонтал шимдириш-қуритиш машиналарида шимдирилади. Қофоз ҳарорат таъсирига ҳам кам чидамли бўлгани сабабли қуритиш пайтида ҳарорат шимдириш-қуритиш агрегатида бошланғич 70-80°С дан 120°С гача ортиб боради (текстолитда 140°С). Шимдириб қуритилган

қоғозда боғловчининг ҳамда енгил учувчиларнинг миқдори олинган гетинаксни ишлатилиш шароитига қараб 38-68 ҳамда 0,5-12% ни ташкил этади. Шимдирилган қоғоз анча эгилувчан бўлганлиги сабабли уни пресслаш босимиши 15 МПа гача ошириш мумкин. Пресслашнинг қолган шароитлари текстолитни пресслашдан фарқланмайди.

### Гетинаксларни физик-механик хусусиятлари қуйида келтирилган

Хусусиятлар	Қийматлар
Зичлик, кг/м <sup>3</sup>	1350-1400
Бўлиниш кучланиши, МПа, кам эмас чўзилишда	80
сиқилишда	130-250
қаватларга перпендикуляр эгилишда	100
Қайишқоқлик модули, МПа	$0,28 \cdot 10^4 - 2,1 \cdot 10^4$
Зарбий қовушқоқлик (қаватларга перпендикуляр), кДж/м <sup>2</sup> , кам эмас	8-15
Бринелл бўйича қаттиқлик, МПа	250-400
Мартенс бўйича иссиқбардошлиқ, °С, кам эмас	150
Солиштирма электр қаршилиги, кам эмас	
сиртқи, Ом	$1 \cdot 10^{10} - 1 \cdot 10^{11}$
ҳажмий, Ом·м	$1 \cdot 10^{12} - 1 \cdot 10^{14}$
8 мм қалинликдаги вараклар учун солиштирма ички электр қаршилик, кўп эмас	$1 \cdot 10^{11} - 1 \cdot 10^{13}$
Диэлектрик йўқотишнинг тангенс бурчаги, 50 Гц, кўп эмас	0,038-0,1
Диэлектрик ўтиш	7-8
Электр мустаҳкамлик, кВ/мм,	25-30
Сув ютиши, мг	0,025-0,2

Гетинакслар ёғлар, минерал мойлар таъсирига чидамли, аммо кучли кислоталар ва айникса кучли ишқорлар таъсирига чидамсиз. Сирка, фосфор, хлорид кислоталар таъсирига ҳам чидамли. Гетинаксга осон механик ишлов (пармалаш, арралаш, фрезалаш) бериш мумкин. Гетинакс диэлектрик хусусияти, ишлатилаётган мухитнинг намлигига ўта таъсирчан бўлганлиги сабабли, механик ишловдан сўнг гетинакс буюмларини сирти локланади. Гетинакс радио- ва электротехникада кўплаб ишлатилади. Гетинакс қабул радиолари ва телевизорларни печат схемаларини ишлаб чиқаришда, дастурий ва ҳисоблаш-ешиш дастгоҳларини турли буюмларини ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Асботекстолитлар. Резол олигомерларини сув-спиртли эритмаси билан шимдирилган асбест матосини (хризотил асбести асосида) пресслаб олинади. Асботекстолитни олиш, текстолит ва гетинакс олиш технологиясидан фарқ қилмайди. Шимдирилган асбест матоси ҳароратни босқичма-босқич 40 дан 140°С гача қўтариб қуритилади; қуритилган тўлдиргичда боғловчи миқдори 40-50% ни, енгил учувчилар миқдори - 3-7% ни ташкил этади. Пресслаш 150°С да, 9,5-10,5 МПа босимда ҳар 1 мм қалинликка 4-6 мин давомида амалга оширилади. Асботекстолитни иссиқлик таъсирига чидамлилиги анча юқори, лекин бошқа қатлам пластикларга диэлектрик хусусиятлари бўйича ютқазиб қўяди.

Асботекстолитларни физик-механик хусусиятлари қўйидагicha:

Хусусиятлар	Қийматлар
Зичлик, кг/м <sup>3</sup>	1700
Статик эгилишдаги бўлиниш қучланиши, МПа, кам эмас	110
Зарбий қовушқоқлик, кДж/м <sup>2</sup> , кам эмас	35
Бринелл бўйича қаттиқлик, МПа	300-450
Мартенс бўйича иссиқбардошлиқ, °С, кам эмас	250

Иссиқлик ўтказиш коэффициенти, Вт/(м·К), кам эмас	0,48
Сув ютиши, %, кўп эмас	2,0
Мой ютиши, %, кўп эмас	1,0
Бензин ютиши, %, кўп эмас	1,0

Асботекстолит асосан, тормозланиш тизимларида, турбогенераторларни деталлари сифатида, прокладкалар, юқори ҳарорат таъсирида ишловчи буюмлар олишда ишлатилади.

Шишатекстолитлар. тўлдиргич сифатида шиша матолари ишлатилади. Боғловчи сифатида кўпинча БФ елими (фенолформалдегид олигомерини поливинилбутиrol билан аралашмаси) ҳамда ВФТ (фенолформалдегид олигомерини поливинилформалэтилол ҳамда ортокремний кислотасининг эфири билан аралашмаси) елими ишлатилади. Бу еимлар шиша толаларига нисбатан яхши адгезияга эгалар.

Шишатекстолитларни олиш технологияси, текстолит олиш технологиясидан фарқ қилмайди. Фақат шиша матоси боғловчи билан шимдирилишдан аввал ёғловчи қолдиқларидан ювилиб, юзаси аппретланади. Шиша матосини шимдириш олигомерни спиртдаги эритмаси ёрдамида вертикал шимдириш-қуритиш агрегатида амалга оширилади. Шиша матолари олигомерни шиммай, фақат юзаси олигомер билан локланиши сабабли, сиқиши валларига хожат қолмайди. Шишатекстолитларни оптималь физик-механик хусусиятларига ундаги боғловчи миқдори 26-33% (текстолитда 46-54%), енгил учувчилар миқдори 1,5% бўлганида эришилади.

Конструкцияларда ишлатилувчи шишатекстолитларлар учун шимдирилган мато қуйидаги шароитларда қуритилади: биринчи бўлим - 60-90°C, иккинчи бўлим - 60-125°C, учинчи бўлим - 60-110°C. Шимдирилган шиша толасини шимдириш-қуритиш агрегатларидаги ҳаракат тезлиги, текстолит олишдагига қараганда анча паст бўлади. Чунки

турли хил термопласт полимерлари билан аралаштирилган фенолформалдегид олигомерини (БФ, ВФТ) қотиши (резитол ҳолига ўтиши) тоза резол олигомерларини қотишидан анча секин. Ундан ташқари шишатекстолитлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган елимларни концентрацияси (28-35%), оддий текстолит олишда ишлатиладиган резол олигомерлари концентрациясидан анча паст.

Шимдириб қурилган шиша матосини пресслашга тайёрлаш ҳам, пахта матосини тайёрлашдан фарқ қиласи. Шиша матолари пакети пўлат ёки дюралюминий прокладқадан целлофан ёрдамида ажратилади. Шимдирилган шиша матоси пакетлари 100°C гача қиздирилган кўп қаватли прессга жойланади ва 4,5-5,5 МПа босим остида 140-150°C гача қиздирилди. Пресслаш вақти шиша текстолитни ҳар 1 мм ига 10 минутни ташкил этади.

Енгил учувчан моддаларни чиқариб юбориш мақсадида пресслаш вақти бир ёки икки маротаба босимни атмосфера босимиғача туширилиб яна бошқатдан босим ҳосил қилинади. Прессланган шишатекстолит босим остида совутилади.

Шиша матоларда толаларни ўзаро жойлашишига қараб (гарнитур, сатин ва сарж хиллари) улардан олинадиган шишатекстолитларини хусусияти ўзгариб туради.

Сатин кўринишидаги матолар эгилувчан ва толалар ораси нисбатан бўш бўлганидан, бундай матога боғловчини шимилиши осонроқ бўлади ҳамда бундай мато турли хил шаклни осон эгаллайди. Сатин кўринишидаги шиша матолардан олинган шишатекстолитлар гарнитур кўринишидаги матолардан олинганига нисбатан чўзишиш, сиқилиш, эгилишга чидамлироқ бўладилар. Шиша матосини қалинлиги ортиши зарбий қовушқоқликни оширишга аммо бошқа механик хусусиятларни камайишига олиб келади.

Куйида поливинилбутирал билан аралаштирилган фенолформалдегид олигомери ҳамда сатин кўринишидаги шиша матосидан олинган конструкцион шишатекстолитнинг хусусиятлари келтирилган.

Хусусиятлар	Кийматла р
Зичлик, кг/м <sup>3</sup>	1850-1900
Бўлиниш кучланиши (чўзилишда), МПа	
эни бўйича	210-300
узунлиги бўйича	110-170
Зарбий қовушқоқлик, кДж/м <sup>2</sup>	
эни бўйича	60-115
бўйи бўйича	50-85
Сув ютиши (24 соатда), кг/м <sup>2</sup>	100-850
Ишлатилиш ҳарорати, °C, кўп эмас	200

Фенолформалдегид олигомерларини поливинилформалэтилол ва ортокремний кислотасининг эфири билан аралашмаси билан ишқорсиз шишадан олинган сатин кўринишидаги матони шимдириб олинган шишатекстолит юқори мустаҳкамликка эга ва ҳарорат таъсирига чидамли бўлади. Бундай шишатекстолит узоқ вақт 200°C ва қисқа вақт 300°C ҳарорат таъсирида ишлаши мумкин.

Ишқорсиз ва кремнезем матоларидан модифицирланган фенолформалдегид олигомерлари билан шимдириб олинган шишатекстолитлар қўйидагича хусусиятларга эгалар:

Хусусиятлар	Ишқорсиз мато <sup>*</sup>	Ишқорсиз мато <sup>**</sup>	Кремнезем матоси
Зичлик, кг/м <sup>3</sup>	1600	1600	1600-1700
Бўлиниш кучланиши, МПа, кам эмас	-	300	130
эни бўйича чўзилишда			

\* Резол ортокремний кислотасининг эфири билан модифицирланган.

\*\* Резол эпоксид олигомери билан аралаштирилган.

бўйи бўйича чўзилишда	-	150	-
эни бўйича статик эгилишда	130	250	150
Қаватлар бўйича дорз кетиб ажралишдаги мустаҳкамлик чегараси, Н, кам эмас	-	2500	2500
Зарбий қовушқоқлик (қаватларга перпендикуляр), кДж/м <sup>2</sup> , кам эмас	-	180	180
Солиштирма электр қаршилиги, кам эмас			
сиртқи, Ом	$1 \cdot 10^{12}$	$1 \cdot 10^{13}$	$1 \cdot 10^9$
хажмий, Ом·м	$1 \cdot 10^{14}$	$1 \cdot 10^{15}$	$1 \cdot 10^{12}$
Мартенс бўйича иссиқбардошлиқ, °C, кам эмас	-	180	180
Диэлектрик йўқотишинг тангенс бурчаги, 50 Гц, кўп эмас	0.06	-	0.06
Электр мустаҳкамлик (қаватларга перпендикуляр ҳолда), кВ/мм, кам эмас	0,12	0,20	0,12
Сув ютиши (24 соатда), %	-	0,8-1,0	0,55

Юқори диэлектрик хусусиятларга эга бўлган шишатекстолитлар боғловчини яхши шимувчи ингичка шиша матолари асосида олинади. Бундай шишатекстолитлар юқори намлиқда ишлатилганида ҳам диэлектрик хоссаларини сақлаб қоладилар.

Шишатекстолитларни сувда туриши айниқса биринчи 8-10 сутка ичида уларни механик мустаҳкамлигини сезиларли пасайишига олиб келади. Шишатекстолитларни бу хусусиятларини, шиша матоларини юзини турли аппретлар билан, масалан волан А, аллилтрихлорислан билан ишлаш орқасида тубдан яхшилаш мумкин.

Юқори мустаҳкамлик, паст зичлик ва сув шимиши, юқори ҳарорат таъсирига чидамлилик шишатекстолитларни кўп соҳаларда ишлатилишига олиб келди. Шишапластиклар турли хил metalllar билан ишлатилишида бемалол рақобатлашадилар. Уларни елимлаш, турли шаклларга ўтказишининг осонлиги, шишапластикларни конструкцион материал сифатида самолёт- ва кемасозликда, радиотехникада, иссиқликдан сақловчи прокладкалар сифатида ишлатилади. Электротехник мақсадидаги шишатекстолитлар кўплаб турли ўлчаш асбоблари ва электр машиналарида платалар йиғиш ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Шишатолали анизотроп материал (ШТАМ). Шишатолали анизотроп материал шиша шпонини ҳарорат таъсирида прес slab олинади.

ШТАМ олиш технологияси шиша шпонини олиш, улардан пакет йиғиб пресслашдан иборатdir. Шиша шпонини олиш учун хом ашё бўлиб йўналтирилган шиша толалари (тўлдиргич) ва модифицирланган фенолформалдегид олигомерлари (боғловчи) хизмат қиласидилар. Боғловчи сифатида поливинилбутиrol (БФ) ёки эпоксид олигомерлари билан модифицирланган фенолформалдегид олигомерлари ишлатилади.

Материални мустаҳкамлигини шиша шпони варакларини олишда толаларни шпонда турлича жойлаштириш (перпендикуляр ҳолда, 45° бурчак остида ва x.к.) ҳисобига кенг чегарада ўзгартириш мумкин.

Бошқа хил шишапластиклардан йўналтирилган шиша толали материаллар бир қанча устунликка эгалар: керакли йўналишда мустаҳкамликни ростлаш анча юқори мустаҳкамлик, материалда шиша толалари ва боғловчини бир хил тақсимланиши ҳисобига материал хусусиятларини бир хиллиги ва x.к.

Турли йўналишларда бир хил мустаҳкамликка эга ШТАМ (кўндаланг қаватлар сони бўйлама қаватлар сонига teng) хусусиятлари куйидагичадир (БФ елими асосида)

Хусусиятлар	Қийматлар
Бўлиниш кучланиши, МПа, кам эмас чўзилишда	465
сиқилишда (қаватларга параллел)	200
эгилишда	450
Зарбий қовушқоқлик, кДж/м <sup>2</sup> , кам эмас	400
Мартенс бўйича иссиқбардошлиқ, °С, кам эмас	200

Узунасига олинган қаватларнинг сони ортиб бориши билан шу йўналиш да ШТАМ мустаҳкамлиги ортиб бориб, бўйлама қаватлар 91% ни ташкил этганда 850-950 МПа ни ташкил этади.

Ёғоч қатlam пластиклар. Ёғоч қатlam пластиклар (ЁҚП) плита ёки варақ кўринишида бўлиб, улар ёғочни шилинган шпонини боғловчилар билан шимдириб олиниб пресслаш натижасида олинадилар.

Кўпинча оқ қайнин (береза) ёки қайнин (бук) дарахти шпони ҳамда фенол-, крезол-формалдегид олигомерларини спиртдаги ёки сув-спирт аралашмасидаги эритмалари ишлатилади.

ЁҚП ни олиш технологияси шпонни тайёрлаш, боғловчи ҳамда шимилевчи эритмасини тайёрлаш, шпонни шимдириш, уни қуритиш, пакет йифиш ва йифилган пакетни пресслаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Ёғоч шпонини тайёрлаш - унга 3-5% ли ишқор эритмасида ишлов беришдан иборат. Бунда гемицеллюлоза, смола, ёғлар, лигнин ҳамда этерификацияланган углеводлар эритмага чиқадилар. Қуритилгандан кейин бундай шпонни хусусияти тубдан яхшиланади. Унинг зичлиги ҳамда чўзилишдаги мустаҳкамлиги 1,5-2 баробар ортади. Шпонни

боғловчи билан шимдириш ванналарда ботириш йўли билан ёки автоклавларда амалга оширилади. Автоклавда шимдириш сифати анча яхши бўлади, натижада ЁҚП сувга чидамлилиги ҳам анча юқори. Шимдиришга тайёрланган шпон, контейнерларга (шпон қаватлари бир-биридан 0,5 мм қалинликдаги металл тўрлар билан ажратилади) жойланаб (шпон варагидаги тола йўналиши вертикал ҳолда бўлиши керак), автоклавга жойланади. Кейин автоклавда 71,5-84,4 кПа қолдик босим (вакуум) ҳосил қилиниб, ҳавони тортиб олинганидан 15-20 мин ўтгач, автоклав боғловчи эритмаси билан тўлдирилади. Унда кейин ҳаво ҳайдаб 0,4-0,5 МПа ортиқча босим ҳосил қилинади ва 30-90 мин ушлаб турилади. Шимдириш тугаганидан сўнг боғловчи эритмаси ўлчов идишига сиқиб чиқарилади, шимдирилган шпон эса қуритиш мосламасига узатилади.

Қуритиш бўлимли қуритгичда амалга оширилади. Биринчи бўлимда шпон 20-30 мин ичida  $65-75^{\circ}\text{C}$  да 1,5-2,0 м/с тезликда кўндаланг берилаётган ҳаво ёрдамида қуритилади. Иккинчи бўлимда 0,7-1 м/с тезликдаги ҳавода  $85-90^{\circ}\text{C}$  да 40-75 мин қуритилади. Қайтарма қуритувчи ҳавонинг нисбий намлиги 10-20% бўлиши керак. Қуритилган шпонда боғловчи миқдори 16-25% ни намлик ва енгил учувчилар миқдори 3-7% ни ташкил этади. Шимдирилган шпон кўп қаватли прессларда прессланади. 30-40°ли пресс қаватларига жойланган пакетларда 2,5-3,0 МПа босим ҳосил қилиниб, ҳарорат  $140-150^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилилади ва ҳарорат керагича кўтарилигандан кейин босим ҳам 15-20 МПа гача оширилади. Юқори босим ва ҳароратда ушлаш вақти ҳар 1 мм қалинликка 3-5 мин ҳисобидан олинади. Ушлаб туриш вақти тугагач, материал босим остида  $40-50^{\circ}$  гача совутилади ва шундан кейин босим йўқотилади.

ЁҚП лар турли хил маркада (А, Б, В, Г) ишлаб чиқарилиб, улар бир-биридан асосан ёғоч толаларини қаватларида бир-бирига нисбатан жойлашиши билан фарқланадилар. Масалан, ЁҚП-А (ДСП-А) да шпон қаватларидаги толалар йўналиши ҳамма қаватларда бир-бирига параллел

ёки ҳар тўрт параллел қаватга битта тола йўналиши  $20\text{-}25^\circ$  га бурилган қават ҳолида жойлашган бўлади. ЁҚП-Б да қаватлардаги 5-20 параллел қаватга битта перпендикуляр қават тўғри келади. ЁҚП-В да қаватлар ўзаро перпендикуляр жойлашган бўладилар. ЁҚП-Г да ҳар бир қават тола йўналиши бир-бирига нисбатан  $30^\circ$  га сурилган бўлади.

Хусусиятлар	ЁҚП-А	ЁҚП-Б	ЁҚП-В	ЁҚП-Г
Зичлик, $\text{кг}/\text{м}^3$ кам эмас	1330	1300	1300	1300
Бўлиниш кучланиши, МПа, кам эмас				
чўзилишда толалар йўналиши бўйича	280	260	140	-
сиқилишда	180	160	125	125
статик эгилишда	280	280	180	150
силжишда (елим қавати бўйича)	8	8	7	7
Зарбий қовушқоқлик, $\text{кДж}/\text{м}^2$ , кам эмас	80	80	30	30
Бринелл бўйича қаттиқлик, МПа, кам эмас	200	200	200	200
Мартенс бўйича иссиқбардошлиқ, ${}^\circ\text{C}$ , кам эмас	140	140	-	-

Ёғоч қатлам пластиклари юқори антифрикцион хусусиятларга эга. Шунинг учун ЁҚП дан ясалган буюмлар машинасозликда бронза, баббит, текстолитларни ўрнини эгалляяпти. ЁҚП нинг кмчилиги, у кимёвий ҳамда намлик таъсирига чидамсиз. Сувда бир сутка сақланганда 3% гача 50 сутка сақланганда 22% гача сув ютади.

Ёғоч қатлам пластиклар конструкцион ва антифрикцион материал сифатида кемасозликда, темирйўл транспортида, машинасозлик ва электротехникада кўплаб ишлатилади.

Газ билан түлдирилган фенопластлар. Газ билан түлдирилган фенопластларга - күпик пластмассалар (күпикпластлар) ва уяли пластмассалар киради.

Күпик пластиклар деб - хом ашёни күпириши натижасида бир-бири билан туташмаган бўшлиқларни наз билан түлдирилиши натижасида ҳосил бўлган пластмассаларга айтилади.

Кўпикфенопластлар новолак ва резол фенолформалдегид олигомерлари асосида олиниши мумкин.

Новолаклардан кўпикпластлар олигомерни суюқланмасини газ ҳосил қилувчи моддаларни (порофор) парчаланиб кўпик ҳосил қилиши ва ҳосил бўлган кўпик структурасини, олигомерни уротропин ёрдамида юкори ҳарорат таъсирида қотиб, сақлаб қолиши ҳисобига олинади.

Новолак олигомерларидан кўпик пластик олиш технологияси қуйидагилардан иборат - компонентларни аралашмасини шарли тегирмонда тайёрлаб олиш (олигомер, порофор, қотиш катализатори), композицияни суюқланма ҳолига ўтказиш, кўпиртириш ва бирор қолипда қотириш. Олинган кўпикпластни мўртлигини камайтириш мақсадида унинг таркибига бутадиен-стирол каучуги қўшилиши мумки. Бу ҳолда кукун кўринишидаги компонентлар аралашмаси валцларда пластик ҳолга олиб келинган каучукка қўшилиб, валцланади. Олинган пленка кўринишидаги яrim маҳсулот майда бўлакчаларга майдаланиб кейин кўпиртириш қолипига солинади. Иссиқликка чидамлилигини ошириш мақсадида композицияга алюминий кукуни, асбест, перлит каби тўлдиргичлар қўшилиши мумкин.

Новолак олигомеридан кўпик пластик олиш қуйидаги жараёнлардан иборат. Аввалига  $80\text{-}90^{\circ}\text{C}$  да боғловчи юмшайди ва суюқланма ҳолига ўтади (қовушқоқ-оқувчан ҳолга ўтиш). Бу жараён умумий ҳажмни қисқаришига олиб келади.

Шу жараённинг сўнги, газ ҳосил қилувчи моддаларни парчаланишини бошланишига тўғри келиши керак ( $90\text{-}110^{\circ}\text{C}$ ). Ана шу ҳароратда юмшаган масса кўпиради ва берилган ҳажмни тўлатади.

Кейинги босқичда ҳароратни  $150\text{-}200^{\circ}\text{C}$  гача оширилади (кўпикпластика ўзгармас физик-механик ва кимёвий хусусиятлар бериш мақсадида) ва шу ҳароратда бир қанча вақт ушлаб турилади. Ушлаш вақтида олигомер қотади, каучук эса вулканланади. Ушлаш вақти кўпик материал қалинлигига, қотирувчи қўшимчаларни микдорига боғлиқ.

Каучук билан аралаштирилган новолак олигомери асосидаги кўпикпластлар рецептураси қуйидагича (масс.қисм):

Новолак олигомери	100	100	100
Уротропин	10	10	10
Бутадиен-нитрил каучуги	-	20	40
Олтингугурт	-	0,6	1,2
Азобисизоёғ кислотасининг динитрили	1-2	2-5	3-7

Резол олигомерларидан кўпикпластиклар олишда қотиш жараёнини газ ҳосил бўлиши ва кўпикни кўтарилиши билан биргаликда олиб борилади.

Резоллар асосидаги кўпикпластик олишда газ ҳосил қилувчи сифатида кислоталар билан таъсирлашганда газ чиқарувчи моддалар (натрий бикарбонат) ёки паст ҳароратда қайновчи углеводородлар (н-пентан, фреонлар ва б.) ишлатилади. Енгил учувчи моддалар ишлатилганида кўпик ҳосил бўлиш жараёни олигомер қотаётганда ажралиб чиқсан иссиқлик ҳисобига амалга оширилади.

Резоллар асосидаги кўпикпластикларни қотириш катализаторлари сифатида асосан кислоталар ишлатилади.

Резол олигомерларидан олинган  $30\text{-}200 \text{ кг}/\text{м}^3$  зичликдаги пластиклар анчагина мүрт бўлиб, бу мўртликни камайтириш мақсадида композиция таркибига термопластик полимерлар (поливинилацетат эмулсияси, поливинил спирти, поливинилбутиral) қўшилади. Мустаҳкам кўпикпластиклар олиш мақсадида композицияга металл нитритлари ҳамда турли аминлар қўшилади: анилин, метиламин, диметиламин, гексаметилендиамин, карбамид. Ушбу аминлар нитритлар билан таъсирланиши натижасида азот ва кислота ажралиб чиқади, азот кўпиртириш учун, кислота эса қотиргич сифатида таъсир этадилар.

Кўпик фенопластлар оддий монолит фенопластлардан енгиллиги, юқори исиқлик- ва товуш ўтказмаслик хусусиятлари билан ажралиб турадилар. Кўпик фенопластларни асосий камчилиги - уларни динамик кучлар таъсирига (зарбий қовушқоқлик) чидамсизлигидир.

Новолак олигомерлари асосида олинган кўпикпластикларни физик-механик хусусиятлари қўйида келтирилган:

Хусусиятлар	Новолак олигомери	Новолак/каучук (100/20 масс.қисм)	Новолак/каучук (100/40 масс.қисм)
Туюлма зичлик, $\text{кг}/\text{м}^3$ , кўп эмас	180-230	180-300	180-300
Бўлиниш қучланиши, МПа, кам эмас	-	1,75	0,78
Чўзилишда	0,8-1,1	1,1	0,7
Сиқилишда	1,2	-	-
Статик эгилишда			
Зарбий қовушқоқлик, $\text{кДж}/\text{м}^2$ , кам эмас	0,12	1,1	2,2
Иссиқлик ўтказиш коэффициенти, $\text{Вт}/(\text{м}^*\text{K})$ , кам эмас			
-90°C да	0,031	0,031	0,031
25°C да	0,045	0,045	0,045
Сув ютиши, $\text{кг}/\text{м}^3$ , кўп эмас	0,2	0,3	0,3

Резол олигомерлари асосидаги күпикпластиклар қуидагича хусусиятларга эгалар:

Хусусиятлар	Резол олигомери	Резол/каучук (100/20 масс.қисм)	Резол/каучук (100/40 масс.қисм)
Түулма зичлик, кг/м <sup>3</sup> , күп эмас	40	60	80
Бўлиниш кучланиши, МПа, кам эмас			
чўзилишда	0,12	0,33	0,44
сиқилишда	0,18	0,49	0,62
статик эгилишда	0,3	0,42	0,55
Зарбий қовушқоқлик, кДж/м <sup>2</sup>			
кирқиш билан	0,06	0,15	0,16
кирқишиз	0,06	0,09	0,08

Күпикпластиклар плита, варақ ва турли шаклдаги буюмлар кўринишида ишлаб чиқарилади. Күпикпластиклар кемасозликда, радиотехникада, қурилишда кўплаб ишлатилади. Улар иссиқлик ва товуш ўтказмайдиган маҳсулот сифатида, икки ва уч қаватли енгил конструкцияли оралиқларни тўлдиришда ишлатилади. Каучук қўшиб олинган күпикпластиклар эаса юқори зарбий қовушқоқликка эга бўлганликлари сабабли вибрацияга учровчи цилиндр кўринишидаги буюмларни орасини тўлдиришда ишлатилади.

## **ТАЯНЧ СҮЗЛАР**

Қоғоз, текстил матоси, шиша матоси, ёғоч шпони, гетнакс, текстолит, шишатекстолит, шиша толали анизотроп материал, декоратив қоғоз-қатлам пластиги, фанера, ёғоч-қатлам пластик.

## **ҚАЙТАРИШ УЧУН САВОЛЛАР**

1. Гетинакс қандай түлдиргич асосида ва қандай технология бўйича олинади?
2. Гетинакснинг хоссалари нимага боғлиқ ва у қаерларда ишлатилади?
3. Текстолим олишда қайси турдаги матолар ишлатилади?
4. Текстолит олишнинг технологик жараёнини тушунтириңг.
5. Шиша текстолит ҳамда ШТАМ (шиша толали анизотроп материал) қандай олинади ва қандай хоссаларга эга?
6. Ёғоч шпони асосида қайси турдаги қатлам пластиклар ишлаб чиқарилади?
7. Газ билан тўлдирилган фенопластлар қандай олинади?

## **Адабиётлар**

1. Асқаров М.А., Исмоилов И.И. Полимерлар кимёси ва физикаси. Т., Ўзбекистон 2004 й.
2. Технология пластических масс. Под.ред. В.В.Коршака. Москва, «Химия», 1985, с.13-18.
3. С.В.Виноградов, В.А.Васнев “Поликонденсационные процессы и полимеры” Москва “Наука” 2000 г.
4. Robert O.Ebewele Polymer science and technology. New York 2000 y.

### **3-маъруза. Резина коришмаларини ишлаб чиқариш технологияси**

#### **Режа:**


1. Каучукларнинг умумий хоссалари.
2. Умумий мақсадларда ишлатилувчи каучуклар.
3. Махсус йўналишларда ишлатилувчи каучуклар.
4. Резина қоришмалари ингредиентлари.

#### **Каучукларнинг умумий хоссалари**

Хозирги вақтда аниқ бўлган каучуклар бир неча бир хил тузилишга эга бўлган занжирларнинг такрорланишидан ташкил топган юқори молекулалаи бирикма ҳисобланади. Каучукларнинг хоссалари ва ишлатилиши асосан структуравий тузилишига, кимёвий таркибига, молекуляр оғирлигига, молекуляр тақсимланишига ва молекулалараро жойлашишига боғлиқ бўлади. Юқори молекулали бирикмаларнинг олиниши ва молекуляр тузилиши ўртасидаги, молекулаларнинг кўрсаткичлари ва физик-кимёвий хоссалари ўртасидаги, технологик ва физик-механик хоссалари ўртасидаги боғлиқликлар ўрганилиб ҳар хил хоссаларга эга бўлган каучукларни синтез қилиб олиш йўлга қўйилган.


#### **Умумий мақсадларда ишлатилувчи каучуклар**

**Табиий каучук** – изопренни полимерлаш маҳсулоти эканлиги ва унинг тузилиши 1924 йилда немис кимёгари Г.Штаудингер томонидан аниқланди. Изопреннинг полимерланиши 1-4 механизмда боради



Табиий каучукнинг тузилиши **сис** – изомерга тўғри келади ва унинг эритмаси латекс дейилади.

Латекс – оқ рангли, ёпишқоқ, узок туреб қиёмсимон массага айланадиган модда. Латекс — таркибида каучук бўлган ўсимлик шираси — каучукнинг сувдаги дисперсияси одатда каучукни микдори 40% беради.




## Табий каучук цис 1,4 полизопрен

Каучукнинг юқори эластиклиги унинг макромолекуларининг узига хос тузилишидан келиб чиқади. Оддий углерод углерод боғлари атрофида тўйинган углерод атомларининг эркин аиланиши натижасида занжир турлича формаларни (конформацияларни) эгаллашӣ мумкин. Каучук молекуласидаги 1,5ҳолатда жойлашган қўшбоғлар бунга сезиларли таъсир қилмаиди. Шунинг учун  $x_a$ м каучукнинг узун ипсимон макромолекулалари турли хил формаларда, айпиқса, кўпроқ тартибсиз Оукилган, ҳатто юмалс бўлиб олиб, ўзларининг учлари билан бирлагдиши мумкин бўлган формада бўлади. Каучукни тортганда бундай макромолекулалар қисман тўғриланади ва чўзилади. Ташқи куч таъсири йўқотилгандан сўнг яна ўзининг дастлабки энергетик жихатдан қулай ҳолатига қайтади.

Табийи полизопреннинг **транс** - тузилишли ҳолати ҳам мавжуд бўлиб **гуттаперча** дейилади. Ўзининг тезда қотиши (кристаллиниши) билан сис- полизопрендан фарқ қиласи.

Гуттаперча табиий каучукнинг фазовий изомери бўлиб, транс-1,4-полиизопрен тузилишига эга:



транс-полиизопрен (гутаперча)

*Табиий каучукнинг физик хоссалари:* Табиий каучук Селсия бўйича  
10 даражада ва ундан паст хароратда узоқ муддат саклаганда

кристалланади. Селсия бўйича -25 ҳароратда максимал кристалланиш жараёни кузатилади. Кристалланиш жараёни ташки куриниши каучук катламлари шаффоғлигини юқотади ва каттиқ холатга утади. Табиий каучук эриш ҳарорати селсия бўйича 40 даражада бўлади.

Зичлиги	кг/м <sup>3</sup>	913
Шишаланиш ҳарорати	°C	-71±1
Иссиқлик ўтказувчанлиги	Вт/ (м·К)	0,14
Ёниш иссиқлиги	МДж/кг	45,2
Нисбий иссиқлик сигими	кДж/ (кг·к)	1,88

Каучук ароматик углеводородларда, хлороформда, тетрахлорметанда эрийди.

*Технологик хоссалари:* Табиий каучук пластиклиги етарли эмас шунинг учун олдиндан вальсларда механик пластикация жараёни Селсия бўйича 40-70 даражада тайёрлаб олинади. Каучукнинг қуёш нури ва юқори ҳароратларга чидамлилигини баҳолаш учун *пластиклигини сақлаш индекси* таклиф қилинди. Бу курсаткич фоиз нисбатида аниқланади: яъни 140 даражада 30 минут киздирган холатда пластиклиги бошланғич пластикликга нисбатига teng бўлади. Табиий каучук асосидаги резина аралашмалари юқори ёпишқоқлик ва юқори когезион мустахкамликка эга бўлади.

*Вулканлаш:* Табиий каучук учун асосий вулканлаш агенти олtingугуртдир (3 масс. қисмигача). Тиурам, сулфенамид ва тиазоллар вулканланиш жараёнини тезлаштиргичи сифатида ишлатилади.

Табиий каучук асосида резина аралашмасининг стандарт ретсепти:

Табиий каучук	100 масс.қисмида
Олtingугурт	3,0 масс.қисмида
Меркаптобензтиазол	0,7 масс.қисмида
Рух оксиди	5,0 масс.қисмида

Стеарин	0,5 масс.қисмидан
---------	-------------------

18 минут давомида аралаштирилади ингредиентларни қўшиш тартиби қўйидагичи:


каучук	0
Стеарин	8 мин
Меркаптобензтиазол ва рух оксиди	12 мин
Олтингугурт	15 мин

Вулканланиш жараёни Селсия бўйича 143 хароратда 20 дақиқа давомида олиб борилади.


*Қўлланилиши:* Табиий каучук асосида олинган резина юқори эластиклиги, совуқбордошлиги, юқори динамик хоссаларига, ишқаланишга чидамлилиги билан ажralиб туради. Агрессив мухитга чидамлилиги ҳам, углеводородларда кучли букиб боради ва эскириш жараёни тез ўтади. Табиий каучук асосида елимлар, эбонитлар, автомобиль шиналари, резинотехник (прокладка, уплотнител), хўжалик (рез. перчатки), спорт ва губкасимон маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

### **Махсус йўналишларда ишлатилувчи каучуклар.**

**Хлоропрен каучук.** Хлоропрен саноатда қўйидагича олинади:




Хлорпреннинг полимерланишидан молекуляр массаси 100000 даи катта бўлган полихлорпреп (хлорпренли каучук) хосил бўлади:



Паст температурали полимерланиш усули билан олинадиган хлорпрен каучук НАИРИТ (Найри — Арманистоннинг қадимги номи), хлорпрен


билин стиролнинг (3% га яқин) сополимерланиши натижасида олингани эса НАИРИТ С деб аталади. Бу каучуклар асосида олинадиган резиналар арzonлиги, ёруғлик таъсирига чидамлилиги, ишқаланиш ва ейилишга қаршилнгн катталиги билан ажралиб туради. Улар бензин, эритувчи ва мой таъсирига чидамли бўлиб, кАбелъ, транспортер ленталар, таомалар, елимлар ва ҳоказолар ишлаб чиқаришда кенг кўламда ишлатилади.

Бутадиэн-стирол      каучук      (СКС) 1,3-бутадиэн билан стиролни сополимерлаш орқали олинади:




СКСнинг бир неча турлари бўлиб, улар бирбиридан таркнбидаги стирол миқдори билан фарқ қиласди. Масалан, СКС-10, СКС-30, СКС-50 (10, 30, 50 рақамлар стиролнинг сополимердаги процент миқдорини кўрсатади). 1,3-бутадиэнни метилстирол билан бирга полимерлаб, бутадиэнметилстирол каучук олинади. Бутадиэнстирол ва бутадиэнметилстирол каучуклар энг кўп ишлаб чиқариладиган синтетик каучуклар бўлиб, пишиқлиги, эластиклиги ва ишқаланишга чидамлилиги билап ажралиб туради. Улардан автомобиль шиналари ва камераларн, узатиш ленталари ва бошқа буюмлар тайёрланади.

Бутил каучуклар (БК). Бутил каучуклар изобутиленнинг оз миқдордаги диэн углеводородлар (дивинил, изопрен) билан ҳосил қнлган сополимерларидир:



Бутил каучуклар газ ўтказмаслиги, озон ва бошқа химиявий моддалар таъсирига ва иссиқликка чидамлилиги билан табиий каучук ва бошқа каучуклардан устун туради. У, шунингдек, яхши электроизолясия ва амортизация хоссаларига эга, деформацияга яхши чидайди.

*Бутадиэн-нитрил каучук (СКН).* Бутадиэн-нитрил каучук 1,3 –бутадиэн билан акрилонитрилнинг сополимердир:



Сополимердаги акрилонитрилнинг миқдорнга қараб СКН бир неча турга бўлинади. Таркибида тегишли равишда 18, 26 ва 40 оғирлик қисм акрилонитрил бўлган СКН-18, СКН-26 ва СКН-40 кўп ишлаб чиқарилади. Бутадиенинитрил каучукдан мой ва бензин таъсирига чидамли буюмлар — шланглар, нефть қазиб чиқаришда, нефтни қайта ишлаш заводларида, бензин тарқатиши станцияларида фойдаланиладиган трубалар ва қўлқоплар, нефть маҳсулотлари сақланадиган идишлар тайёрланади. Олинган синтетик каучуклар ўзига хос хусусиятлари (химиявий барқарорлиги, газларни ўтказмаслиги, иссиқлик ва ёруғлик таъсиркга чидамлилиги, диэлектрик хоссалари ва ҳоказо) жиҳатидан табиий каучукдан устун туради, лекин эластиклик жиҳатидан ундан кейинги ўринда туради. Юқори эластиклик эса узок муддат ишлайдиган ва кўп деформацияга учрайдиган шиналар тайёрлаш учун энг асосий ва зарур хоссадир.

**Резина қоришмалари ингредиентлари ва уларни ишлатилиш мақсади**  
 Вулканловчи моддалар (вулканловчи агент) вулканизатнинг тармоқлашган сеткали структураси ҳосил бўлишда иштирок этадиган кимёвий фаол моддалардир. Ҳозирги табиий ва купгина синтетик каучукларни вулканлаш учун олтингугурт қўлланилмоқда. Айрим ҳолларда селин билан бирга ишлатилади.

Бундан ташқари металлар оксиди (рух, магний, калий, қўрғшин) органик бирикмалар (ди-ва тринетробензол, дилзобирикмалар, хинонлар ва уларнинг турдошлари), айрим полисулфидли бирикмалар, перекислар ва малсинимидлар кириши мумкин.

*Олтингугурт S*- турли аллатроп шаклда намоён бўлади. Сарик кристалли ромбик тизимга эга бўлган а - шаклли ёки ромбик олтингугурт энг турғун шакли хисобланади. Ромбик Олтингугурт С каучукда яхши эрувчан бўлиб, суюқланиш ҳарорати  $112,8^{\circ}\text{C}$ , зичлиги  $2,07 \text{ г}/\text{см}^3$ . Олтингугурт С м *Вулканлаш тезлатгичлари* - вулканлаш жараёнини тезлатиш ва резинани физик-механик хоссаларини яхшилаш мақсадида, резина аралашмаларга кўшилади. Табиий каучукни олтингугурт билан тезлатгичсиз вулканлашга 3-4 соат керак; тезлатгич иштироқида эса жараён бир неча минут давом этиши мумкин.

оликуласи ҳалқа шаклдаги саккизта атомдан иборат.

Активаторлар қатнашганида вулканизатда боғланишлар сулфидлик даражаси пасаяди. Пасаиш каучукнинг полисулфид бирикмалари активатор билан ўзаро таъсирга киришга хисобига бўлади, масалан рух оксиди билан ( $\text{ZnC}$  хосил бўлиши билан) ва қисман полисулфид боғланишлар дисуофид ва моносулфид боғланишларга айланиши хисобига охиригиси вулканизат структурасида кўндаланг сулфид боғлар билан хисоби кўпайиши билан кузатилади.

Рух оксиди дисулфид боғлар шакилланишида қатнашиши мумкин. Рух оксиди, вулканизация бошлангич даврида хосил бўлган юқоримолекуляр меркаптанларни (гидросулфидлар каучуки) оксидлантиради. Улар олтингугурт билан осонгина оксидланали ва кундаланг дисулфид боғлар ташкил бўлади.

Юмшатгичлар ва пластификаторлар. Қайта ишлаш жараёнини осонлаштирувчи, оқувчанлик температурасини пасайтирувчи, резина қоришимасини қовушқоқлигини камайтирувчи, лекин совуққа бардошлигига таъсир кўрсатадиган моддаларни юмшатувчи деб аталади.

Юмшатгичлар резина қориshmада ингредиентларни бир текисроқ тақсимланишини таъминлайди, аралаштиришда қизишни камайтиради шу билан вақтидан олдин вулқонланишини олдини олади, электр қувватини харажатини камайтиради резина қориshmалари тайёрлашда ва унга ишлов беришда, чўкишни камайтиради, каландрлашда, ва шприцлашда формалашни яхшилайди, хамда (формаларда) қолипларда вулқонланишда, вулконланиш бошланишида резина қориshmалари юмшоқланиш хароратини пасайтиради. Юмшатгичлар резина қориshма компонентлари билан реакцияга киришиш оқибатида вулқонланишга тасир кўrsатадилар, вулканизатларнинг эскириши ва физик-механик хоссаларига хам. Юмшатгичларни қўллаш (ишлатиш) резина ва резина қориshmаларни хоссаларини ўзгартиришнинг энг қулай усули.

**Тўлдиргичлар.** Полимер материалларнинг хоссаларини модификация қилишнинг энг самарали усулларидан бири бу уларни тўлдириш усули хисобланади. Тўлдиргичлар қаттиқ, суюқ ва газсимон бўлиши мумкин. Хосил бўлган композицияни хажми бир текис тақсимланиб, айнан полимер муҳиддан якка (алоҳида) ифодаланган чегарани ташкил қиласи. Резина маҳсулотини яна хам сифатли ва эгилувчанли бўлиши учун фақатгина каучук ёрдамида эмас, балки бошқа хар хил ингредиентлар ёрдамида хосил қиласа бўлади. Ингредиентлар ёрдамида резинанинг физик ва механик хоссаси унинг мустахкамлиги, эгилувчанлиги яна хам ортади. Физик ва механик хусусиятини янада яхшилаш учун резинага катта миқдорда *техник углерод* хам қўлланилади.

### **Ингредиентларни тайёрлаш**

Кўп резина буюмларни унинг конструкциясини мураккаблигидан қатъий назар, одатда умумий технология бўйича тайёрланади: ярим фабрикатни тайёрлаш; вулканизация қилиш.

Яримфабрикат параллел потокларда амалга оширилади, булар каучук ва ингредиентларни тайёрлаш, тортиш, қоришма тайёрлашдан иборат.

Айрим технологик операциялар механизациялаштирилган потокларда ёки автоматлаштирилган схема бўйича амалга оширилади. Шундай қилиб, умумий технологик ишлаб чиқаришга қўйидаги жараёнлар киради:

- хом-ашёни қабул қилиш ва уни сақлаш;
- каучук ва ингредиентларни тайёрлаш ва уларга ишлов бериш;
- хом-ашёни тортиб олиш ва уларни дозировка қилиш;
- резина аралашмасини қориш;
- резина аралашмасини шакллаш;
- каландрлаш, матоларга каландр ёрдами билан резина коплаш;
- шприцлаш;
- резина заготовкаларини ва матоларини бичиш;
- резина елимини тайёрлаш ва матоларни резиналаш;
- мураккаб буюмларни йифиши;
- резина аралашмасини вулканизациялаш.

Резина ишлаб чиқариш заводлари оғир ускуналар билан жихозланган кўп миқдорда электроэнергия, иссиқлик, гидравлик энергиялар талаб қиласи. Шунинг учун ишлаб чиқаришни шундай ташкил қилиш керакки, унда эксплуатация харажатларини минимумга олиб келсин.

### **Каучукларни пластикация қилиш ва тайёрлаш**

Резина буюмни тайёрлашда табиий ва синтетик каучуклар ҳамма вақт пластоэластиклик хоссаси бўйича талабга жавоб беролмайди.

Каучукларни эластик хоссаси резина буюмлари учун жуда муҳим, лекин бу кўрсаткич резина аралашмасини тайёрлашда, яъни қайта ишлаш жараёнида ишлов беришда салбий роль уйнайди, чунки сарфланаётган механик кучнинг унумдорлиги қайтар деформация ҳисобига камаяди. Механик ва иссиқлик таъсирида каучукнинг пластиклиги кўпайиши мумкин. Технологик жараён ва бу ҳодиса натижасида каучукнинг

пластиклиги ошиши, қовушқоқлиги камайиши ва эластик тикланиши (эластическое восстановление) **пластикация** деб аталади. Шунинг учун, резина аралашмасини тайёрлаш каучукларнинг аниқ бир пластик хоссага эга бўлган кўрсаткичидан фойдаланишни тақозо қиласди.

**Пластикация** – бу шундай технологик жараёнки каучукни пластиклиги ошади, қовушқоқлиги ва эластик тикланиш камаяда. Пластикация жараёнида физиковий хоссалари ҳам узгаради.

### **Каучукларни тайёрлаш машина ва ускуналари**

Резина техник маҳсулотларни ишлаб чикаришда яна бир кенг тарқалган усулларидан бири босим остида қуйувчи усулидир. Бу маҳсулотларнинг ўта ёпишқоқлиги ва қутиш сифатига бўлган талабнинг юқорилиги бу жараённи юқори босим остида олиб боришни тақозо этади.

Термопластларни босим остида қутиш усулларига "марказга интилма қутиш" киради. Бу усулда поршен ёки червякли винт каби пресловчи қисм билан таъминланган маҳсус қутиш машиналари ёрдамида юқори босим ос тида қўйилади.

Валли машиналар бир бирига уйғун равишда айланувчи валлардан (2 дан - 5 гача) иборат қурилмадир. Валллар очик усулда резина аралашма тайёрлаш ва унга ишлов бериш учун мўлжалланган валли асосий дастгоҳлардан бири бўлиб, қўйидаги турларга бўлинади.

Аралаштирувчи, иситувчи, таъминловчи, рафинирловчи, майдаловчи каби турларга бўлинади.

Валллар валларнинг диаметрини ўлчамига қараб  $\Theta 16$  смдан  $\Theta 60$  см гача бўлади. Совутиш ва автоматик тизимга эга.

Валларнинг горизонтал ўқлари ўзаро паралелдир. Уларнинг дастаклари станинага жойлашган подшипникларга тирагиб туради ва бунда валлар умумий ёки алоҳида алоҳида электр двигателлари ёрдамида ўтказгичлар орқали айлантирилади. Барча валларнинг айланма тезлиги бир хил, ски ҳар қил бир жуфтдаги валлар тезликларининг фрикция  $F$  деб

аталувчи нисбати машинанинг қўлланилиш мақсадига қараб  $F = 1:1$  дан  $F = 3:1$  гача бўлиши мумкин,

Машинага солинган хом ашё валларнинг орасидаги тирқишига тушади.

Валлар орасидан ўтишда эзилади ва уларга ўралади. Ишлов охирида махсус пичоқ ёрдамида қириб олинади.

Эластик жисмлар саноатида валли машиналар кенг қўлланилади:


1)хом аралашмалар (каучук полимерлари, техник углерод, тўлдирувчилар, пластификаторлар ва бошқалар)ни интенсив аралаштиришда, гомогенизация қилишда ва пластикация қилишда, яъни пластификаторларларни полимерлар акромалекулаларига аралаштиришда;

2) валлар ёрдамида ишлов берилган жинслардан лист ёки плёнка олишда.

Резина техник маҳсулотларни ишлаб чиқаришда бочкасиниш узунлиги 1000-1600 мм, валнинг диаметри 400-650 мм бўлган қўшвал машиналар кенг қўлланилади. Баъзи ҳолларда эса, каттарок ўлчамдаги машиналардан фойдаланилади ( $D = 900\text{мм}$ ,  $L = 2000 \text{мм}$ ). Валларнинг айланма тезлиги 20 —35 м/мин; фракция, яъни валлар айланма тезликларининг нисбати 1 дан 1,3 гача бўлади. Фракция мавжуд бўлганда, тирқищдан чиқаётган материал қатлами секин айланувчи вал томонга эгилишга интилади (1-расм) на ана шу валга ёпишади. Шунинг учун ҳам, маҳсулотни қириб олиш жараёнида қўл меҳнати талаб этиладиган даврий қўшвал машиналарда ишчи ўрнига яқин жойлашган валга кичик тезлик берилади.

Узлуксиз ишловчи қўшвал машиналарида, аксинча, валланган маҳсулотни машинанинг орка томонидан узлуксиз ажратиб олиш максадга мувофикдир. шунинг учун ҳам уларда орқа вал кичикроқ тезликка эга бўлади. Бирок. шуни ҳам таъкидлаш лозимки,

материалнинг валлардан бирига ёпишиши фақат уларнинг тезликлари фаркигагина боғлиқ бўлмай, балки уларнинг температураси ва сирт



тузилишига ҳам боғлиқдир

1-расм.

Фракциянинг валлардан чиқаётгап маҳсулот йўналишига таъсири

Ҳозирги вақтда юқори ишлаб чиқариш қувватига эга ҳамда жараённинг механизацияси ва автоматизацияси хисобига юқори сифатли резина қоришмаларни олишга имкон берувчи даврий равишда ишлайдиган, роторли ёпиқ тизимли резина қоришмасини аралаштириш ускуналаридан кенг фойланилади. Роторли аралаштириш ускуналари хавфсиз, бундан ташқари, улардан фойдаланилганда яхши санитар-гигиеник меҳнат шароитларини яратиш мумкин бўлади. Резина саноатида овал шаклдаги роторларга эга резина қоришмасини аралаштириш ускуналари ("Бенбери" туридаги) энг кенг тарқалган, чунки улар резина қоришмаларини нисбатан қисқа муддат давомида қайта ишлаб уларнинг юқори сифатини таъминлайди.

### **Резина қоришмаларини тайёрлаш технологиялари**

Резина аралашмасини олиш учун каучук ва ингредиентлар ягона массага келгунча аралаштирилади. Қоришка аралаштирилганидан сўнг қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- 1) Қоришка таркибига кирувчи барча компонентларни бир текисда

тақсимланиши;

- 2) Қоришка яхши технологик хоссага эга бўлиши (каландрланиши, шприцланиши ва таркибига камроқ киришиб кичрайиши).
- 3) Вулканлангандан сўнг вулканизатларнинг берилган физик-механик хоссаларини таъминланиши.


Аралаштириш жараёни бир неча боскичдан иборат бўлиши мумкин:

- қаттиқ компонетларни майдалаш;
- компонентларни каучукка киритиш;
- агломератларни дисперслаш;
- қоришиши.

Компонентларни аралаштириш механизмига кўп компонентли системанинг деформацияланиши деб қараш мумкин. Бу деформация натижасида аралашаётган материалларнинг қалинлиги тобора камайиб бориши компонентлараро юза таъсирининг ошиб боришига олиб келади. Натижада, шундай холатга эришиш мумкинки, қатlam қалинлиги дисперсланаётган фаза заррача ўлчамига яқинлашади.

Резина аралашмасининг сифати компонентларни ягона ҳажмда бир текисда тақсимланиши билан белгиланади.

Резина аралашмасини тайёрлаш қуйидаги расмда келтирилган.



**2- расм.** 1, 12, 16, 20, 24, 26-28, 33, 34, 38, 39, 44 – ҳар хил материаллар учун тақсимловчи бункерлар; скребка типидаги түлдирувчи; 3, 7, 22, 25, 32, 37, 41, 46 – инградиентлар учун автоматик тарозилар; 5 – резина аралаштирувчи; 6 – циркуляцион система; 10 – шестерняли насос; 13, 17 – виброшnekли таъминловчи; 35, 36, 40, 45 – винтли таъминловчи; 42 – гранула ҳолатдаги каучук учун идиш; 49 – вальц ва х.к.

*Резина аралашмаси 2 хил усулли тизимда (очиқ ва ёпиқ тизим)* тайёрланади. 1- очиқ тизимли усулда резина қориши "Вали" ускунасида тайёрланади. 2-чи ёпиқ тизимли усулда қоришима "*Автоматлаштирилган ёпиқ резина қориши масини аралаштириши*" ускунасида тайёрланади.

Каучук ва ингредиентларни бириктириш йўли билан осон технологик ишлов берилувчи резина қориши менинг турли ҳолатдаги техник хоссага эга вулканизатларни олиш мумкин.

### **Назорат саволлари**

1. Каучук пластикацияси
2. Резина қориши менинг тайёрлаш усуллари
3. Резина қориши масига қўйиладиган талаблар
4. Резина қориши масини аралаштириш босқичлари.
  1. Валларнинг айланма тезлиги ?
  2. Нима сабабли даврий ишловчи ишчи ўрнига яқин жойлашган валга кичик тезлик берилади, узулиқсиз ишловчи қушвал машиналарга аксинча ?
  3. Материалпи валлардан бирига ёпишиш сабаблари ?
  4. Чуюн валларнинг камчилиги
  5. Бир бурғили экструдерлар пимадан иборат ?
  6. Бир бурғили экструзион машиналарда, термопластни қайта ишлаш жараёни қандай йусунда амалга оширилади ?
  7. Бир бурғили экструзион машина цилиндирини қисимлри ?
  8. Экструдерларни асосий қисми ?
  9. Синтетик ва табиий юқори молекулали бирикмаларни қайта

ишлишда қулланиладиган каландрларни синфланиши ? Валларнинг хом-ашъёга берадиган босим тебранишини тушунтиринг ?

10. Туртвалли упиверсал калапдирнинг тузилиш элементларини тушунтиринг.

11. Резина аралашмалар тайёрлашда қайси параметрлар назорат қилинади.

12. Резина аралашмалар тайёрлашнинг ишлаб чиқариш назорати.

13. Резина аралашмалар тайёрлашнинг лаборатория назорати.

14. Аралашмалар назорати учун ускуналар.

15. Резина аралашмаларда учрайдиган нуқсонлар.

#### Адабиётлар

1..Ibodullayev A.S., Teshabayeva E.U. “Rezina qorishmalarini ishlab chiqarish texnologiyasi“ Toshkent. “Tafakkur bo’stoni” 2014 y.160 b.

2. Sadhan K. De and Jim R. White “Rubber Technologist’s Handbook” 2001. P. 559.

3. Корнев А.Е., Буканов А.М., Шевердяев О.Н. Технология эластомерных материалов. Учебноепособие. М.: НППА «Истек». 2009. 524 с.

4. Кошелев Ф.Ф., Корнев А.Е., Буканов А.М. «Общая технология резини». М.: Химия, 1987, 528 с.

5. Махсудов Й.М. Полимер материалларни синашга оид практикум. 1982 й.

6. Бекин Н.Г. и др. Оборудование и основы проектирования заводов резиновой промышленности, Изд-во "Химия" 1991.

7. Медведев А.Б. Расчет и конструирование резиновых изделий и форм. Учебное пособие. Волгоград 2004.

8. Осошник И.А., Шутилин Ю.Ф., Карманова О.В.Производство резиновых технических изделий. Учебное пособие. Воронеж: ВГТА, 2007. 972 с.

9. Догадкин Б.А., Донцов А.А., Шершnev В.А. Химия эластомеров. Учебник. М.: Химия, 1981. 374 с.

### **Интернет сайtlари:**


1. <http://www.britannica.com/>
2. [http://www.chemport.ru/chemical\\_encyclopedia\\_article\\_3259.html](http://www.chemport.ru/chemical_encyclopedia_article_3259.html)
3. <http://www.e-plastic.ru>
4. <http://www.latex.casarusa.com>

## **4. Амалий машғулотлар учун материаллар, топшириқлар ва уларни бажариш бүйича тавсиялар**

**1-амалий машғулот. Полимерланиш реакцияси усулида олинган полиуретанни ишлаб чыкашни технологик схемасини танлаш, унга керакли технологик жараёнларни хамда жараёнда ишлатиладиган жихозларни хисоблаш ва танлашни амалга ошириш.**

### **Полиуретанлар ҳақида умумий маълумот**




Макромолекула асосий занжирида уретан гурухларини сақловчи юқори молекулали бирикмалар полиуретанлар деб аталади.



Полиуретанларни ди- ёки полизоцианатларни икки ёки бир нечта гидрооксил группали моддалар билан босқичли (миграциялы) полимерлаб олинади. Шундай гидроксилсақловчи моддалар сифатида күпинча оддий ва мураккаб полиэфирлар ишлатилади. Бундай усулда олинган полиуретанлар полиэфируретанлар деб аталади.

Хозирги вактда полиуретанларни ишлаб чыкаиш кенг ривожланиб бормоқда.

Полиуретанларни массада ва эритмада (хлорбензол, толуол, диметилформамид) олиш мүмкін. Диизоцианат ва дигликолларни таъсири натижасида чизиқли тузилишга эга полиуретанлар ҳосил бўлади.



Функционаллыги иккидан ортиқ мономерларни полимерланиши натижасида тармоқланган ёки тикилған структурали полимерлар ҳосил бўлади.

### **Топширик**


1. Гексаметилендиизоцианат ва бутиленгликол асосида ишлаб чиқариш унумдорлиги 10 000 т/й термопластик полиуретанлар олиш технологик жараёни ва технологик жараёнидаги асосий, ёрдамчи дастгохларни хисобланг ва танланг хамда технологик чизмасини келтиринг.
- 2.Ишлаб чиқариш унумдорлиги 100 т/й (туюлма зичлиги 30 кг/м<sup>3</sup>) эластик кўпик полиуретанларни олиш технологик жараёни ва технологик жараёнидаги асосий, ёрдамчи дастгохларни хисобланг ва танланг хамда технологик чизмасини келтиринг.
- 3.Ишлаб чиқариш унумдорлиги 100 т/й (туюлма зичлиги 50 кг/м<sup>3</sup>) қаттиқ кўпик полиуретанларни олиш технологик жараёни ва технологик жараёнидаги асосий, ёрдамчи дастгохларни хисобланг ва танланг хамда технологик чизмасини келтиринг.

**2-амалий машғулот. Поликонденсацияланиш реакцияси усулида олинган фенол-формальдегид олигомери хамда улар асосида пластик массалар ишлаб чиқаришни технологик схемасини танлаш, унга керакли технологик жараёнларни хамда жараёнда ишлатиладиган жихозларни хисоблаш ва танлашни амалга ошириш**

**Фенол-формальдегид олигомерлари хақида умумий маълумот**


Фенол-формальдегид олигомерлари фенол ва формалдегиднинг сувдаги эритмаси формалин асосида ишқорий ва кислотали мухитларда олиниши мумкин.

Ишқорий мухитда фенол билан формалдегиддан аввалига моно-, ди-, триметилолфеноллар (фенолоспиртлар) ҳосил бўлади.




Моно-, ди-, триметилолфенолларнинг ўзаро нисбати фенол билан формалдегиднинг реакция учун олинган моляр микдорлариiga боғлиқ. Агарда формалдегидни микдори 1 мол фенолга teng ёки кам бўлса кўпроқ монометилолфенол ҳосил бўлади. Формалдегидни микдори ортиши билан реакцион муҳитда ди- ва триметилолфенолларнинг микдори ҳам ортиб боради.


Ишқорий мұхит ушлаб турилиб, формалдегид микдори фенолницидан күп бўлса резол деб аталадиган фенол-формалдегид смолалари ҳосил бўлади.



Фенол билан формалдегидни нисбати 7:6 бўлиб муҳит кислоталига айлантирилса новалақ деб аталадиган смола ҳосил бўлади. Унинг умумий кўриниши қўйидагича бўлади.



Резол смолалари новолак смолаларидан фарқли бўлиб улар ўз таркибларида реакцияга киришиш қобилятига эга бўлган метилол гурухларини сақлайдилар. Шунинг учун ҳам резол смолалари иссиқлик таъсирида ҳеч қандай катализатор ёки қотиргичларсиз ҳам тўрсимон (тикилган) ҳолатга ўтадилар.



### Топшириқ

- Ишлаб чиқариш унумдорлиги 20 000 т/й бўлган новолак олигомерини олиш технологик жараёни ва технологик жараёнидаги асосий, ёрдамчи дастгохларни хисобланг ва танланг ҳамда технологик чизмасини келтиринг.
- Ишлаб чиқариш унумдорлиги 15 000 т/й бўлган резол олигомерини олиш технологик жараёни ва технологик жараёнидаги асосий, ёрдамчи

дастгохларни хисобланг ва танланг хамда технологик чизмасини келтиринг.

3. Ишлаб чиқариш унумдорлиги  $30\ 000\ m^2/й$  (қалинлиги 0.8-1 см) бўлган гетинакс олиш технологик жараёни ва технологик жараёнидаги асосий, ёрдамчи дастгохларни хисобланг ва танланг хамда технологик чизмасини келтиринг.

**Карбамид-формальдегид олигомерлари ва улар асосида аминопластлар ишлаб чиқаришни технологик схемасини танлаш, унга керакли технологик жараёнларни ва жараёнда ишлатиладиган жихозларни хисоблаш ва танлашни амалга ошириш**


## **Карбамид-формальдегид олигомерлари ва аминопластлар ҳақида умумий маълумот**

### **Карбамидформалдегид олигомерлари**

Карбамидни формалдегид билан ўзаро реакцияси натижасида, реакция шароитларига қараб кристалл индивидуал моддалар, эрувчи олигомер моддалар ва эримайдиган ва суюқланмайдиган полимерлар ҳосил бўлади.

Бизни асосан эрувчи олигомерлар қизиқтиради, чунки асосан шу олигомерлар саноатда ишлатилади ва қолган икки хили ҳозирча саноатда ўз ўрнини топмаган.

Нейтрал ёки кучсиз ишқорий муҳитда ( $\text{pH} \geq 7$ ) карбамидинг гидроксиметил ҳосилалари ҳосил бўлади. Назарий жиҳатдан карбамид 4 та формалдегид молекуласини бириктириб олиши мумкин:




фақатгина моно- ва дигидроксиметилкарбамидгина катта тезлик билан ҳосил бўлади ва бу реакцияларни қайтмас реакциялар деса бўлади. Тригидроксиметилкарбамид анчагина кам ҳосил бўлади, тетрагидроксиметилкарбамид эса реакцион муҳитда аниқланмайди.

**Меламин-формалдегид олигомерлари** ҳам формалдегид билан реакцияга киришганида аввалига кристалл кўринишидаги гидроксиметилмеламинлар ҳосил бўлади. Ундан кейин олигомерлар ва тикилган полимерларга айланади.

Реакция бошланишида ҳосил бўладиган моддалар асосан меламин ва формалдегиднинг нисбатига ҳамда ҳароратга боғлиқ.

Биринчи учта формалдегидни бириктириб олиш катта тезликда кетади:



Формалдегидни кейинги молекулаларини бирикиши ва пентагидроксиметилмеламин ҳамда гексагидроксиметилмеламинлар ҳосил бўлиши юқори ҳароратда ва формалдегидни жуда ортиқча олганда кузатилади.

Масалан, пентагидроксиметилмеламин меламин билан формалдегидни 1:8 моллар нисбатида, гексагидроксиметилмеламин 1:12 нисбатда олинганида ҳосил бўлади. Бунинг сабаби биринчи 3 та формалдегид молекулаларини бирикишини қайтмас реакциялари деб хисоблаш мумкин ва бу реакциялар катта тезликда кетадилар. Формалдегидни кейинги молекулаларини бириктириш эса қайтар реакциялар бўлиб, бу реакциялар иссиқлик ютилиши билан кетадилар.

Меламин совук сувда яхши эримайди, шунинг учун ҳам 60°С дан пастда реакция асосан гетероген характерга эга бўлиб, 60°С дан юқорида гомоген муҳитда катта тезлик билан кетади.

### **Топшириқ**

- 1.Ишлаб чиқариш унумдорлиги 5000 т/й карбамид формальдегид олигомерини олиш технологик жараёни ва технологик жараёнидаги асосий, ёрдамчи дастгохларни хисобланг ва танланг ҳамда технологик чизмасини келтиринг.
2. Карбамид формальдегид ва целлюлоза асосида ишлаб чиқариш унумдорлиги 10 000 т/й аминопласт олиш технологик жараёни ва технологик жараёнидаги асосий, ёрдамчи дастгохларни хисобланг ва танланг ҳамда технологик чизмасини келтиринг.

**З–амалий машғулот: Иссиқлик алмашув юзасини ҳисоблаш ва иссиқлик алмашув аппаратлардаги алмашув жараённларни давоматини аниқлаш. Аппаратдаги гидродинамик шароитига асосланган ҳолда ҳаракатлантирувчи ўртача кучларни ҳисоблаш.**

Кўшвал ва кўпвал машиналарда ишлов берилаётган яrim маҳсулотлар валлар орасидаги тирқишдан ўтиш пайтида пластик ҳам эластик ҳуеусиятларга эга ҳолатда бўлади, бунда ба`зи босқичларда (валлаш, каландрлашнинг бошида) пластиклик ҳуесиятлари, бошка босқичларда эса (каландрлаб лист олишда пластик моддаларни газлама ёки қоғ`оз билан қоплашда, сиқишда ва гул босишда) эластик ҳуесиятлари устун бўлади.

Валларда ишлов берилаётган жинс (масса) ички ишқаланиш ҳисобига ҳамда, кўп ҳолларда ташқаридал қўшимча иссиқлик, узатгичлар ёрдамида, интенсив равишда қиздириб турилади.


Маҳсулот валларга алоҳида бўлаклар (масалан полиетилен, целлулоид массаси) (порошоксимон) упсимон эки толасимон (фепопласт, аминопласт, этрол, полихлорвиниллар композициялари) кўринишида келиб тушади.

Валларга солинган маҳсулот ишқаланиш ва адгезия натижасида валлар орасидаги тирқишига тортилади ва улардан чиқишида (валлардаги температуралар фарқига ва фрикцияга bog`лик равишида) валлардан бирига ёпишади. Гомогенизация ва пластикация протесслари маҳсулотни валлар орасидан кўп маротаба ўтказишни талаб этади ва даврий ёки узлуксиз амалга оширилади.

Даврий ишловчи кўшвал машиналарга маҳсулот бир марта солипади. Солингап маҳсулот т вакт давомида валлардан бирига ёпишиб улар орасидан қайта ўтади. Бунда валлар тезликларнинг турлилиги ва валпинг ба`зи кисмларида қўшимча қириш сабабли маҳсулот янада кўпроқ аралашади.

Валлар тирқиши орқали кўп маротаба ўтказилган маҳсулот алоҳида бўлаклар шаклида валпинг бутун узуплши бўйича ёки қириб олинади. Маҳсулотнинг валлар орасидан ўтишлари сони т вакт ва валинг бир минутдаги айланишлар сопи қўпайтмаси орқали аниқланади. Даврий ҳаракатли кўшвал машиналарда маҳсулотларга ишлов бериш босқичлари расмда кўрсатилган.

## Қўшвал машиналарда маҳсулотга ишлов бериш чизмаси



1-махсус пичок; а-маҳсулот со.тиниши; б-нальилаш (маҳсулотга ишлок бериш); в-маҳсулотга ишлов бериш якуни; г-маҳсулотни қириб олиш


Узлуксиз ишловчи қўшвал машиналарга маҳсулот узлуксиз гавишда бериб турилади. т вақт давомида валлар орасидан ўтган маҳсулот, сиртида винт шаклдаги ариқчалари бўлган валниниг охириги 7ъЛюнидан ксракли ўлчовдаги лента шаклида қириб олпнади. 2.2-глсмда узлуксиз ишловчи қўшвал машиналарнинг бир манбали :лл:;шл усулида шплаш жараёни кўрсатилган.

Қўшвал машиналарнда узлуксиз ишлов бериш прогрессив технология саналади, чунки бу усулда машинанинг хом ашё билан та`минлаш ва тайср маҳсулотни қабул қилиб олиш учун алоҳида вақт сарф бўлмайди. Ҳозирги вактда қўшвал машиналарда узлуксиз ишлов бериш кенг номенклатурадаги пластмасса маркаларини ишлашқўлланилмоқда (масалап фено ва аминопластлар).

Листлайдиган (ёки плёнка ясадиган) кўпвал машиналарга (каландрларга) маҳсулот листлар ёки бург`ли (червякли) пластикаторларнинг алоҳида ўрамлари шаклида берилади. (2.3-расм). Хом ашё валларнинг биринчн жуфтдиги оралшига чортилади ва сўнг уларлан бирнинг сиртини эгиб. навбатдаги валлар жуфтлиги орасидаги тирқишдан ўтади. Валларниш охириги жуфтлигидан ўтган каландрланган лента маҳсус мослама ёрдамида ўрамларга ўралади. Элимлаш (ва бошқа пасталарни суртиш) каландрларида паста ва газлама бир вақтда бериб турилади. Паста суртиш жараени валлар орасида тиркишда кетма-кет

амалга ошади ва валларнинг охириги жуфтлигидан чиқаётган совиган лента ўрамларига ўралади.

### **Узлуксиз ишловчи қўшвал машиналарда хом ашёга ишлов бериш схемаси.**



1-пичоқ; 2-узлуксиз  
каландрлаиган лента;


Кўш қатлами махсулотлар тайёрлайдиган каландрлар кўринча бург`симон экструзион машиналар билан тўлдирилади. Каландрнипг кабул қилувчи валларига қог`оз ёки газлама ўрами плёнка билан биргаликда узатилади ва қўш қатлами махсулотга айлантирилади.

Валли машиналарга бериладиган хом ашёга унча қўп талаб қўйилмайди. Бунинг устига бу машиналарда, унинг қисмларини алмаштиrmай, махсулот қалинлигини ўзгартириш имконияти мавжуд (экструзион машиналарда эса бундай ҳолларда унипг мунштукини алмаштириш зарур) ҳамда бошка рангли махсулот тайёрлашга ўтишда уни тозалаш осон.

## Каландрлар.

а — хом-ашё узатиш қисми циклик валлардан, б — хом ашё ууатиш қисми бург`симон машинадан иборат бўлган калапдр:

1—кўшвал; 2—пичок; 3—трапсигюрц; 4—кўшвайда ишлов берилган маҳсулот ўрами; 5—каландр; 6—совитиш мосламаси; 7—листлапган 1айёр пластик; 8—бурксимон машина; 9—ариқчали каллак; 10— пластик лента.



Кўшвал ва каландрларнинг маҳсулдорлиги, даврий ишловчи кўшвал машиналарнинг маҳсулдорлигини (кг/мин.ларда) хисоблаш учун (2.4) тенгламадан фойдаланиш мумкин.  
(бунда т ишлов бериш вакти аввалдан берилади):

$$G = \frac{G_H}{\tau}$$

бунда,  $G_H$  — валларга бир марта бериладиган маҳсулот микдори, бу микдор тажриба ё`ли билан ёки ушбу эмпирик формула эрдамида аникланиши мумкин:

$$G_H = 0,06 \div 0,085 \text{ Дбп кг}$$

(бунда  $D$  — маҳсулот узлукли қириб олинадиган вал диаметри, м, бу ҳолда ( $b$ ) вал ишчи қисмипинг узунлигига тенг;  $p$  — қўшвалдан чиқаётган маҳсулот зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$ ).

Узлуксиз ишловчи кўшвал машиналар ва каландрларнинг маҳсулдорлиги куйидаги тенглама билан ифолаланади:

$$G = \pi D n b i_1 p$$

бунла,  $D$  — маҳсулот кириб олинадиган вал диаметри, м;

$n$  — бир минутда айланпашлар сони ;

$b$ ,  $i_1$ ,  $p$  — кирпб олинадиган маҳсулотнинг мос равища эни, калинлиги ва зичлиги.

Одатда қириб олинадиган пластик қатламнинг қалинлиги  $i_1$  валлар орасидаги тирқишининг и ўлчамидан кам фарқ қиласди ва  $i_1 = (1 \pm 0.1)n$ . деб олинади.

Аралаштириш ва пластикация килишда ҳом ашёнишъ валларда дшланиш вақти пластификаторларпинг татбиқ этилиш кинетикаси билан аниқланади.

т вакт тажриба ё`ли билан топилиб, у қириб олинаётган тайёр маҳсулот лентаси энининг вал айланма тезлигининг берилган қийматига мос бўлган қийматини (  $\vartheta$  ) ҳисоблаш имконини беради:

$$b = \frac{L}{n \tau}$$

бунда,  $L$ — валнинг шпчи қисмининг узунлиги.

В. 2 тенгламада б нинг ўрнига унинг юқоридаги ифодасини кўйсак  $\Gamma$  нинг т вактга bog`ликлиги яққол кўринади:

$$G = \pi D n \frac{L}{n \tau} i_1 \rho = \frac{\pi D i_1 \rho L}{\tau}$$

## ҚАЙТАРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Қандай кучларни та`сирида, валларга солинган махсулот, тиркишга торшлади ва валлардан бирига ёпишади ?
2. Даврий ишлөбчп күшвал машиналарпи ишлаш принципи ва афзаллигп ?
3. Узулуксиз ишловчи купал машиналарни ишлаш принципи ва афзаллиги ?
4. Лиссимон махсулотларни ишлаб чиқариш учун қандай турдаги жиҳозлар қулланилади ?
5. Лиссимон махсулотларни ишлаб чиқариш тизимидағи жиҳозларни турларини келтириңг ?
6. Даврий ишловчи күшвал машиналарнинг махсулдорлигини аниклашда қўлланиладиган формула ?
7. Узлуксиз ишловчи күшвал машиналар ва каландрларнинг махсулдорлигини аниклашда қўлланиладиган формула?

## **4-амалий машғулот. Целлюлоза саноатидаги композицион материалларни ўрганиш**

### **Назарий қисм**

#### **Режа:**

1. Целлюлоза ишлаб чиқариш усуллари;
2. Гулқоғоз турлари;
3. Суюқ гулқоғоз олиш учун толали хом ашёлар.
4. Композицион материаллар турлари.
5. Суюқ гулқоғоз масса тайёрлаш ва деворларга суваш усуллари.

**Таянч иборалар:** Технология, ярим тайёр целлюлоза, композитлар, ишчи эритмалар, бўёқ, елим, қиккиламчи қоғоз материаллар.

Целлюлоза табиатда кенг тарқалган табиий полимердир. У барча ўсимликлар таркибида мавжуд. Целлюлоза олиш учун хом ашёнинг асосини дараҳт, бир йиллик ўсимликлар ва пахта тозалаш корхоналари чиқиндилари ҳисобланади – пахта момифи (линт). Ўрмонга бой мамлакатлар дараҳтдан, ўрмони кам бўлган мамлакатлар эса бир йиллик ўсимликлар поясидан ва пахта тозалаш корхоналари чиқиндиларидан фойдаланишади.

Целлюлоза (хужайра) мустахкам толали материал бўлиб, хўжайра тўқимаси ҳисобланади. Тўқималар ораси ва атрофи целлюлозанининг йўлдошлари ҳисобланган лигнин, пентозан, гексозан каби молекуласи целлюлоза молекуласига қараганда кичикроқ бўлган табиий полимерлар билан тўлдирилган. Улар ўсимликларнинг ривожланишида ва атроф-муҳитнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишда қўмаклишади.

Республикамизда фақат пахта целлюлозаси ишлаб чиқарилади. Хом ашё ўрнида пахта момифи (линт) қўлланилади. Ўзбекистоннинг пахта тозалаш корхоналарида бир йилда, ўртacha 100 минг тонна пахта момифи хосил бўлади. Унинг тола узунлиги калта бўлганлиги сабабли тўқимачилик соҳасига ярамайди, лекин кимё саноати учун қимматли хом ашё ҳисобланади. Ватанимиз мустақилликга эришкгач, пахта момифи асосида целлюлоза ишлаб чиқарадиган корхона Фаргона ва Янгийўл шаҳарларида ташкил этилди. 2014 йилги Ўзбекистон статистика қумитаси маълумотларига қараганда 8600 тонна пахта целлюлоза ишлаб чиқарилган. Мутахассисларнинг ҳисоб китобларига қараганда, пахта целлюлозасига бўлган эҳтиёж йилиги 36 минг тоннани ташкил этади.

## ЦЕЛЛЮЛОЗА ТАРИХИГА САЁХАТ

Юқори молекулали бирикмалар (полимерлар) ўзининг молекуляр массасини жуда катталиги билан характерланади. Уларнинг молекуласи бир нечта кичик молекуласини бир-бирлари билан кимёвий боғ билан боғланган катта молекулалардан иборат бўлади.

Полимерлар 2-турга бўлинади: табиий полимерга (масалан, оқсиллар, полисахаридлар) ва синтетик полимерлар (полимерда занжир ёки поликонденсация реакциялар орқали олинадиган полимерлар).

Юқори молекуляр бирикмаларнинг фан сифатидаги тарихи 1831 йилдан бошланади. Й.Я.Берцелиус юқоримолекуляр бирикмаларни изомериянинг алоҳида кўриниши деб қараган. У кимёга биринчи бўлиб “полимер” атамасини 1833 йилда киритди. Полимер атамаси грекчанинг “полюс” – қўп ва “мерос” – қисм деган сўздан олинган. Целлюлоза бу табиий полимерлар турига киради.

“Целлюлоза” атамаси 200 йилдан бери ишлатилиб келинмоқда. Фанга “Целлюлоза” атамасини **Анセル Пейн (Франция)** олиб кирган. У **1818** йили эълон қилинган “Ёғоч тўқималари ва лигнин таркиби

тадқиқоти” номли илмий мақоласида целлюлоза атамасини қўллаган. Шу мақоладан кейин А.Пейн янги кимёвий бирикманинг ихтиросига айланган. Целлюлоза ер юзасида энг кўп тарқалган табиий полимер. А.Пейн ўсимликларнинг ўсиш жараёни босқичларидағи кимёвий таркибини аниқлаган. “Мен ўсаётган ўсимликда пайдо бўлаётган хўжайра моддалар таркибини ўрганиш мақсадида, уларнинг ўсиш жараёнинг ҳар хил босқичида ва ёғоч танасининг ҳар хил ҳалқаларида толаларини таркибини ўргандим” деб ёзган. Пейннинг аниқлашича целлюлоза таркибида углерод – 43,85%; водород – 5,86% ва кислород – 50,28% ни ташкил этади.

А. Пейн ихтиросидан кейин целлюлозани қайта ишлаш бўйича илмий тадқиқотлар фаоллашиб кетди. 1855 йили тўқимачилик саноати учун нитроцеллюлоза толасини ишлаб чиқаришга дастлабки патент олинди. 1891 йилдан бошлаб кўп миқдорда гидратцеллюлоза толаси, 1921 йилдан бошлаб эса ацетилцеллюлоза эфиридан ацетатцеллюлоза толаси ишлаб чиқарила бошланди.

1857 йили Шульц ўсимлик ва дарахт таркибидаги лигнин миқдорини ўрганди. У шу тариқа фанда целлюлоза кимёсини ўрганишининг янги йўналишни бошлаб берди. Пейн ўсимлик ва ёғоч таркибидаги асосий 2-та компонетни крахмалнинг изомери, кейинчалик эса “целлюлоза” ва “лигнин” деб номлаган.

Целлюлоза эфирларидан бири нитроцеллюлозани швейцария кимёгар Кристиан Фридрих Шонбейн 1846 йили тасодифан ихтиро қиласди. У тўкилган нитрат кислотани пахтали мато билан артиб, қуритгач уни алангага тутганда жуда тез ёниб кетади. Шу тариқа нитроцеллюлоза кашф этилади. 1884 йили француз олимни Павел Вьевье нитроцеллюлозани эритиб, қуюқ масса олади. Уни қуритиб, нитроцеллюлозанинг янги кўринишини ҳосил қиласди ва уни целлюлоид деб атайди. Целлюлоза соҳасида 1920 йилдан то 1980 йилгача илмий тадқиқотлар олиб борган

машхур кимёгарлардан бири А.П. Закошников ҳисобланади. А.П. Закошников Россиядан Тошкентга келиб, 1929 йилдан бошлаб пахта толасининг структураси, унинг кимёвий таркиби, пишганлиги ва бошқа хоссаларини ўрганади. Яхши пишиб етилган пахтада 94-95% соф целлюлоза бўлишини аниқлайди. Олим нитроцеллюлоза технологияси устида ҳам кўплаб илмий тадқиқотлар олиб боради. А.П. Закошников нитроцеллюлоза устидаги тадқиқотлари натижасида нитроцеллюлозанинг таркибидаги азот миқдорига қараб уч кўринишини аниқлайди: спиртда эрийдиган, коллоксилин ва пироксилин.

1920 йилдан кейин полимерлар хақидаги янги тасаввурни немис кимёгари Герман Штаудингер бошлаган. Олимнинг бу назарияси 1940 йилларга келиб, олинган яна тадқиқотлар асосида, полимерлар кимёси хақидаги эскича қарашларни ўзгартиришга олиб келди. Г.Штаудингер “полимер юқори макромолекуладан таркиб топган, заррачалари ўта катта бўлган молекулали модда” деб қарайди. Полимер кимёси ва физикаси устида тадқиқотлар сифат жиҳатидан янги объект деб қаралди. У ўзининг асосий тадқиқотларидан бирини целлюлоза эритмасини ўрганишга бағишилайди. Целлюлозанинг молекулар массасини аниқлаш учун унинг энг кичик концетрациясини вискозиметрия усулда аниқлашга асос солади.

Кейинчалик целлюлоза фани ва технологиясини ривожлантиришда Россиялик академик В.А. Каргин, проф. Н.И. Никитин, Э.Л.Аким, П.В. Козлов, З.А.Роговин, Л.С. Гальбраих ва бошқалар муносиб хисса қўшган.


Ўзбек кимёгари, ўзбекстонда полимерлар кимёсининг асосчиси академик Х.У.Усмонов пахта целлюлозасининг табиатдаги биосинтезини ўргангандан шу соҳада, шогирдлари билан кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борган. Дастраси Ўсимлик моддалар кимёси илмий текшириш институти қошида табиий полимерлар кимёси лабораториясини ташкил этиб унга раҳбарлик қилган (1950). 1959 йили Ўз ФА га қарашли Полимерлар кимёси лабораторияси асосида Полимерлар кимёси институтини ташкил

этади. Бу институт 1963 йилдан бошлаб Пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси илмий-текшириш институти номи билан юритилади, унга 20 йил давомида раҳбарлик қиласи. Ҳозирда академик Ҳ.У.Усмонов шогирдлари (академиклар Т.Миркомилов, С.Раширова, Ю.Ташпулатов, F. Раҳмонбердиев, профессорлар М. Примкулов, А. Тўраев, А. Саримсоқов, Р. Сайфутдинов, Д. Набиев, Ш. Миркомилов ва бош.) пахта целлюлозаси кимёси ва технологиясини ривожлантиришда муносиб хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки ҳозирда целлюлозадан олинган маҳсулотлар дунё миқёсида алоҳида ўринга эга бўлиб бормоқда. Целлюлоза асосида дунё бўйича 2,5 млн т гидратцеллюлоза толаси, 1,0 млн.т ацетат толаси, 20 минг т лиоцелл толаси, кўплаб цеплофан плёнкалар, полимер материаллар, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун микрокристалл кўринишдаги целлюлоза, 340 млн т қофоз ва картон ҳамда халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг миқдорда кўлланиладиган маҳсулотлар олинаётганлигининг ўзи фикримизни тўлиқ исботлайди. Шу сабабли ҳам ҳозирда целлюлоза йилига 200 млн тоннагача (193090 000 т) ишлаб чиқарилаётганини айтиб ўтиш кифоядир.


### **Целлюлоза турлари**

Табиий полимер вакили целлюлоза ўсимлик, ҳайвон ва баъзи бактерияларда мавжуд. Буларнинг ичидаги тарқалгани ўсимликлар таркиби дагисидир. Целлюлозанинг турларини қуидаги схема бўйича ифодалаш мумкин:




Целлюлоза барча ўсимлик дунёсининг қурилиш материали хисобланади. Целлюлоза дараҳт ва бошқа ўсимликларда катакли девор хосил қиласи. Энг соғ табиий целлюлоза шакли — чигит туклари хисобланади. Целлюлоза ёғоч таркибида 32 дан 56 % гача мавжуд. Игна баргли дараҳт таркибида – 46-54% целлюлозы, барглилида — 41-45%. Энг кўп миқдори пахта таркибида - 97-99%.

Целлюлозани эмпирик формуласи:  $(C_6H_{10}O_5)_n$ . Занжирдаги элементар ҳалқалар сони ( $n$ ) ўсимлик материалига қараб ҳар хил (2000 дан 10 000 гача) бўлиши мумкин. Унинг макромолекуласи  $\beta$ -D-глюкопиранозаларнинг элементар звеносидан ташкил топган бўлиб, 1-4 глюкозид боғлари билан боғланган:



Целлюлозани элементар звеноси эгар кўринишида ҳам адабиётларда учрайди. Унда OH ва CH<sub>2</sub>OH групхлари экваториал жойлашган бўлади:



Целлюлоза структура формуласини эгар кўриниши.

Целлюлоза D-глюкозагача гидролизланади.  $(C_6H_{10}O_5)_n + H_2O \rightarrow nC_6H_{12}O_6$ .

Целлюлоза оқ кўринишдаги толали материал бўлиб, толасини узунлиги 1 – 50 мм ни ташкил этади. Зичлиги 1,52-1,54 г/см<sup>3</sup>. Сув ва органик эритувчиларда эrimайди. У бир хил поливалентли металларнинг (масалан, Cu (II), Cd(II), NH<sub>3</sub> ёки аминлар билан ҳосил қилган комплекс тузларнинг сувли эритмаларида эрийди.

Целлюлоза молекуляр массаси бўйича полидисперс ҳисобланади. Молекуляр массаси жуда катта бўлганлиги сабабли, молекуляр массаси ўрнига адабиётларда полимерланиш даражаси (ПД) кўп қўлланилади.

1-жадвалда баъзи тур целлюлозаларнинг полимерланиш даражаси (глюкозид қолдиқлари) келтирилган.

*1-жадвал*

### **Баъзи тур целлюлозанинг полимерланиш даражаси (глюкозид қолдиқлари)**

№	Целлюлоза	Полимерланиш даражаси (глюкозид қолдиқлари)
1	Ишлов берилмаган пахта	2500 - 3000
2	Тозаланган пахта момифи (линт)	900 - 1000
3	Ишлов берилган ёғоч масса	800 - 1000

4	Регенирланган целлюлоза	200 - 400
5	Саноат ацетат целлюлоза	150 - 270

Целлюлоза олинган хом ашё тури ва олиниш шароитига қарб полимерланиш даражаси ҳар хил бўлади.


ПД 200 дан юқори бўлгани  $\alpha$  – целлюлоза, 200 дан 50 гача қисми  $\beta$  – целлюлоза ва 50 дан паст бўлган қисмини  $\gamma$  – целлюлоза деб аташ қабул қилинган. Целлюлоза ПД 200 дан кам қисми ва бошқа йўлдош қўшимчаларни умумий ҳолда гемицеллюлоза деб аташ қабул қилинган.

Целлюлоза ишлаб чиқариш технологиясида, целлюлоза таркибли ёғоч ва ўсимлик поялари таркибидаги йўлдош қўшимчалар: лигнин, пентозанлар ва елимсимон моддалардан ажратиб олиш.

**Гемицеллюлозалар** ҳам плисахаридлар бўлиб, ўсимлик тўқималарининг катакли деворларининг таркибига киради. Ёғоч целлюлозасида 17-43% бўлади. Макромолекулалари тармоқланган бўлиб, пентозандан (ксилоза, арабиноза) ёки гексозанлардан (манноза, галактоза, фруктоза) ташкил топган бўлади. Полимерланиш даражаси 50-300. Кўпчилик гемицеллюлозалар ишқор эритмаларда эрийди. Целлюлозага қараганда суюлтирилган кислоталарда енгил гидролизга учрайди. Уларни гидролизланиш тенгламаси:



пентоза



гексоза

Гемицеллюлозалар, шартли равища, пентозанларга (уларни гидролизланганда пентозанлар — D-ксилоза ва D-арабиноза) ва

гексозанларга (гидролизланганда гексозалар ҳосил бўлади: D-манноза ва D-галактоза).

**Лигнин** – ўсимлик тўқимасининг бир қисми бўлиб, гемицеллюзалар билан биргаликда целлюлоза фибрillари орасидаги бўшликларни тўлдирадиган сариқ-қўнғиррагли аморф модда. Унинг молекуляр массаси юздан миллиога қадар бўлиши мумкин. Ёғочнинг турларига қараб, 20% дан 35% - гача бўлиши мумкин. Лигнин макромолекуласи тармоқланган кўринишда бўлиб, асосан, фенол спиртларни қолдиқларидан иборат бўлади. Масалан, 3-метокси – 4 окси коричний (синан) ва улар бир-бирлари билан углерод-углерод ва оддий эфир боғлари билан боғланган бўлади. Шу вақтгача лигнинни кимёвий формуласи тўлиқ аниқланмаган.

## **ЦЕЛЛЮЛОЗА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

Хом ашёни пишириш натижасида олинган целлюлозанинг миқдори 65 – 85 % ни ташкил қиласи. Бу –яrim тайёр целлюлоза деб аталади. Яrim тайёр целлюлоза ишлаб чиқаришда 7 та усул кенг қўлланилади:

**I. Сульфитли усул.** Сульфитли пишириш бир, икки ва кўп босқичли бўлади.

### **Бир босқичли пишириш.**

1. Ишқорсиз сульфат кислота эритмасида ( $\text{pH} \sim 1,0$ ) пишириш.
2. Сульфитли ( $\text{pH } 1,5-2,0$ ) пишириш (магний, натрий, аммонийли асосларда ёки уларнинг аралашмасида).
3. Бисульфитли пишириш ( $\text{pH } 3,0-5,0$ ). Сульфит кислота ва унинг тузи ( $\text{H}_2\text{SO}_3$  ва  $\text{NaHSO}_3$ ) эритмасида.
4. Нейтрал-сульфитли пишириш ( $\text{pH}=7$  атрофида). Озод  $\text{SO}_2$  сиз, фаол анион:  $\text{HSO}_3^-$  ва  $\text{SO}_3^{2-}$ .

## **Икки босқичли усул.**

1. Сульфит-сульфит усули. Сульфитли пиширишнинг ҳар иккала босқичида кислота ишлатилади, ҳар хил концентрацияли.
2. Бисульфит-сульфит усули. 2,5 -4% ли  $\text{SO}_2$  нинг сувли эритмасида пиширилади.
3. Моносульфит-сульфит усули. Пайрахалар натрий моносульфит эритмаси билан ишлов берилади. Пришириш  $\text{SO}_2$  ни 7-8% ли эритмасида пиширилади.
4. Бисульфит-моносульфит усули.

## **Кўп босқичли аралаш усулда пишириш.**

1. Сульфит-сульфат усули.
2. Сульфит-содали усули.
3. Бисульфит-содали усули.
4. Нatron-сульфит усули.
5. Уч босқичли бисульфит-сульфит-сода усули.

Бу усулда олинган целлюлоза юқори механик пишиқликка эга бўлиб, ундан қоғоз, картон ва турли хил маҳсулотларни кимёвий қайта ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

**II. Бисульфит усули.** Пишириш  $\text{Mg}(\text{HSO}_3)$  ва  $\text{NaHSO}_3$  ларнинг сувли эритмаси ёрдамида олиб борилади. Бунда  $\text{SO}_2$  нинг pH 4-5 га мос келиш керак.

Эритмадаги  $\text{SO}_2$  нинг концентрацияси 2 дан 5 % гача боғланган миқдори эса 1 дан 2,5 % гача бўлади. Пишириш температураси 155-165 °C.

Бисульфит усулида целлюлоза пиширилганда лигнинни сульфонлаш учун қулай шароит вужудга келади. Бунда фенолни конденсацияловчи реакция секинлашади. Бисульфат усулида целлюлоза пишитилганда ( $\text{pH} =$

3,0-5,0) лигниннинг тиосульфат билан реакцияга киришиш тезлиги камайяди.

**III. Нейтрал-сульфат усули.** Нейтрал усулида яримцеллюлоза олиш куйидаги босқичлардан иборат:

1. Ёғоч хом ашёни тайёрлаш: транспортдан тушириш, сақлаш, қобигидан

ажратиш, арралаш, пайрахалаш ва саралаш.

2. Пишириш эритмасини тайёрлаш:  $\text{SO}_2$  олиш учун таркибида олтингугурт бўлган материални ёкиш, тозалаш, совитиш ва  $\text{SO}_2$  ни сода эритмасига юттириб,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  ва  $\text{NaHCO}_3$ , ҳосил қилиш. Агар эритма тайёр  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  ва  $\text{NaHCO}_3$  дан тайёрланган бўлса, уларнинг тегишли нисбатлари олиниб эритилади.

3. Пайрахаларни қозонда пишириш.

4. Пиширилган яримцеллюлозани майдалаш ва ювиш.

5. Пиширилган пайрахани ажратиш (яримцеллюлозани), қисман майдалаш.

6. Майдаланган яримцеллюлозани ювиш.

7. Олинган массани тозалаш.

8. Ишлатилган эритмани регенерациялаш.

9. Оқлик дарражасини ва механик мустахкамлигини ошириш мақсадида яримцеллюлозани оқартириш.

10. Махсулотни қуритиш.

**IV. Сульфат усули.** Сульфат усули яримцеллюлоза олишда кам фойдаланилади, чунки бу усулда яримцеллюлоза оз миқдорда ажралиб

чиқади. Шунинг учун гофрикартон олишда нейтрал сульфит усулда олинган яримцеллюлозадан фойдаланилади.

**V. Совуқ-натрон усули.** Бу усулни 1930 йили тадқиқотчи ишчи С.А. Судаков таклиф этган. Усул оқ қайин (берёза) чиқиндиларини 2% ишқор эритмаси билан ишлов беришга асосланган. Натрон (ишқор) усулида целлюлоза ишлаб чиқаришда пишириш жараёнида ишқорий эритма ишлатилади. Целлюлозани пишириш асосан икки усулда олиб борилади: 1) натрон ёрдамида ва 2) сульфат кислота ёрдамида. Натрон усулига 1853 йилда асос солган бўлиб, сода усули деб ҳам юритилади. Усул натрий ишқорини қўллашга асосланган. Пишириш жараёнида сарфланган ишқорнинг миқдорини камайтириш учун баъзида кальцирланган сода ҳам ишлатилади.

**VI. Содали – натрон усули.** Бу усулда пишириш жараёнида ёқимсиз газ ажралиб чиқади. Газ таркибида олтингугуртни метил бирикмаси борлиги аниқланган. Бу технология экология талабларга жавоб бермайди. Шу сабабли бу усул ривожланмаган.

**VII. Босқичли усули.** Япроқли ёғочдан ярим тайёр целлюлоза олишда ишқор ишлатиш талаб этилади. Бу ёғочдаги ацетил гурухни ажратишда ва уларни нейтраллашни осонлаштиради, бўкишини яқинлаштиради ва карбоксил гурухини оширишини таъминлайди. Ўз навбатида лигнинуглерод комплексида боғларни узилишига олиб келади ва фибриллашишни осонлаштиради. Баъзан ишқор билан бирга сульфит натрий қўлланилади.

## **БИР ЙИЛЛИК ЎСИМЛИКЛАРДАН (ЎСИМЛИК ПОЛИМЕРИДАН)**

### **ЯРИМ ТАЙЁР ЦЕЛЛЮЛОЗА ОЛИШ**

Бир йиллик ўсимликлар пояси ҳозирга қадар етарли даражада саноатда ўз ўрнини топгани йўқ. Уларнинг қўп қисми далаларда исроф

бўлмоқда. Кўп қисми ёқилиб, экологияга салбий таъсир этмоқда. Айниқса бир йиллик ўсимликлар поясини қайта ишлаш Хитой, Хиндистон, мустақил давлатлар иттифоқида муаммо ҳисобланади. Бир йиллик ўсимликларнинг ютиғи шунда-ки, ҳар йили ҳосил қиласи ва нисбатан арzon ҳисобланади. Ўзбекистонда минглаб гектар ерга пахта, буғдой, арпа, сафлор каби бир йиллик ўсимликлар етиштирилади. Улар целлюлоза қофоз саноати учун муҳим хом ашё ҳисобланади. Ҳозирча Ўзбекистонда бу тур хом ашёдан етарли равишда саноатда фойдаланилмоқда деб бўлмайди. Қисман буғдой сомонидан қофоз олиш (Қуий чиричиқ худуди ва Сирдаръё вилояти, Ширин ш.), ғўзапоядан прессматериал олиш кабилар. Буларни етарли деб бўлмайди. Булардан ҳар хил мақсадлар учун целлюлоза олиш бир қанча мамлакатларда йўлга қўйилган. Бир йиллик ўсимликлардан целлюлоза олиш маълум усулда - ишқорий эритмалар ёрдамида целлюлоза қисмини лигниндан ажратиб олиш мумкин. Оқартириш ҳам органик оксидловчи моддалар ёрдамида бажарилади, лекин олинган целлюлозадан кенг миқёсда фойдаланиш учун ҳали бир қанча илмий тадқиқот ишларини олиб бориш лозим.

Ўзбекистонда целлюлоза олиш учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик ўсимликларининг асосий турлари: ғўзапоя, шоли поя, буғдой ва арпа сомони, сафлор (масхар) поялар. 2-жадвалда Ўзбекистонда кўплаб етиштириладиган бир йиллик ўсимликлар тури ва етиштирилаётган майдони келтирилган. Бу ўсимликлар поясидан целлюлоза ва қофоз ишлаб чиқариш учун толали хом ашё ўрнида фойдаланиш мумкин.

**2-жадвал**

### **Ўзбекистонда етиштирилган асосий бир йиллик ўсимликлар**

Бир йиллик ўсимликлар		Етиштирилаётган миқдори*	Етиштиришдан асосий мақсад
номи	кўриниши		

Ғўза		1301500 гектар майдонда	Пахта толаси, тўқимачилик саноати учун
Буғдой		6956000 тонна Ёки $6956000:4,79=$ 1452192 гектар	Озиқ-овқат саноати учун
Шоли		-	Озиқ-овқат саноати учун
Сафлор		-	Ёғ-мой саноати учун

\*2014йилги Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қумитасининг маълумоти. (Ўзбекистон худудининг йиллик статистик тўплами. Тошкент, 2015й.)

Хозирги вақтда бир йиллик ўсимликларни пишириш статционар ўрта катта сигимли пишириш қурилмаларида ҳамда тўғридан-тўғри бўлмаган усулда қиздириш, кўп ҳолларда, Пандия, Дефибратор, “Сайко” фирмасининг пишириш қозонларида ҳамда вертикал Цельдекар-Камюр пишириш қозонларида узлуксиз пиширилади.

**Хом ашёларни пишириш.** Бир йиллик ўсимликларни натрон усули билан пиширганда лигнин улардан осон ажралади. Шоли поясини натрон усулида пишириш узлуксиз усулда “Пандий” аппаратида олиб борилади. Бир йиллик ўсимликлардан ажратиб олинган целлюлозанинг сифат кўрсаткичларига қўйидаги омиллар таъсири этади: пояларнинг майдалик даражаси, қозонга солинган хом ашёнинг зичлиги, пишириш усули, қозоннинг сифими ва унинг турлари.

Поя бўлакчаларини зичлашнинг бир нечта усуллари мавжуд:

- майдаланган хом ашёни қозонга юклашда буғ билан ишлов бериш;
- қозонга ишқор эритмасини  $80 - 90^{\circ}\text{C}$  қиздириб қуиши;
- қозонда хом ашёни механик ёки қўл билан зичлаш;
- буғ билан зичлаш.

Зичлаш усулига қараб қозоннинг  $1 \text{ m}^3$  қисмига тўғри келадиган хом ашёнинг миқдори  $140 - 200 \text{ kg}$  ни ташкил этади.

Бир йиллик ўсимликларни пишириш жараёнларининг параметрлари худди ёғочни пишириш жараёни каби бўлади. Аммо жараёндаги асосий фарқлар ишқорни кам сарф бўлиши ва пишириш температурасига нисбатан паст бўлишида кўринади. Бир йиллик ўсимликларни даврий усулида пишириш бир босқичли ва икки босқичли бўлади.

Бир босқичли пишириш усулида қозонда қўйидаги операциялар кетма-кет бажарилади, мин:

Ёрмани қозонга солиш ва ишқор эритмаси қуиши 45 – 60

Температура  $160 - 170^{\circ}\text{C}$  гача кўтариш ( $0,6 - 0,7 \text{ MPa}$ ) 30

Пиширишга кетган вақт 80 – 210

Қозондаги босимни атмосфера босимигача келтириш 45

Қозонда бир марта пишириш учун кетган вақт: 315 – 360 минут.

Бир йиллик ўсимликларни икки босқичда пиширганда қозонда бир марта пиширишга кетган вақт кам бўлади. Аввал сечка 25 г/л ишқор билан (гидромодуль 7:1)да 100°C температурада 1,5 – 8 соат давомида шимдирилади. Ундан ортиқча ишқорий суюқлик ажратилади ва янгиси қуйилади. Пишириш 160 – 175°C температурада 15 – 45 мин давомида олиб борилади. Олинган целлюлозанинг сифат кўрсатгичлари 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### **Бир йиллик ўсимликлардан сульфат усулида олинган оқартирилмаган ва оқартирилган целлюлозаларнинг сифат кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Оқартирилмаган целлюлоза			Оқартирилган целлюлоза	
	каноп	шоли поя	буғдой сомони	каноп	шоли поя
Сараланган целлюлоза ва пишмаган целлюлоза миқдори, %	43,0/0,3	40,0	62,0	–	–
Пишиш даражаси, Каппа бирлигига	23,0	14,0	57,0	–	–
Майдаланиш даражаси, 60°ШР, 75 г/м <sup>2</sup> ли қоғознинг механик кўрсаткичлари:					
узилиш узунлиги, м					
синишга қаршилик, и.т.б.	10150	6900	5330	8500	6120
сони					

йиртилишга қаршилик, мН.	1050	415	45	950	330
Оқлик даражаси, %	800	430	400	—	—
	—	—	—	82	80

**Целлюлозани ювиш ва саралаш.** Бир йиллик ўсимликлардан ажратиб олинадиган целлюлозани ювиш замонавий корхоналарда худди ёғочдан целлюлоза олишда қўлланиладиган қурилма ва жиҳозларда амалга оширилади. Бир йиллик ўсимликлардан олинган целлюлозани ювишда, барабанли фильтрларнинг иш унуми ёғоч целлюлозасини ювишга қараганда 1,5 – 2,0 баравар кам бўлади. Чунки бир йиллик ўсимликлардан олинган целлюлоза массасини таркибида майда толалар кўп учрайди (33 % гача), майдаланиш даражаси эса 16 – 25°ШР ни ташкил этади. Бу ҳолат сувсизлантириш жараёнини анча қийинлаштиради. Барабанли фильтрнинг иш унуми бир йиллик ўсимликларда 2,0 – 2,5 т/м<sup>2</sup> ташкил этади.

Бир йиллик ўсимликлардан олинган целлюлоза массасининг концентрацияси вакуум фильтрга киришда 1,0. – 1,5 % бўлса, чиқишка – 14 – 18 % бўлади. Вакуум фильтр аппаратини пуркаб ювишга сарф бўладиган иссиқ сув микдори бир йиллик ўсимликлардан тайёрлаган масса учун 10 – 11 м<sup>3</sup>/т ни ташкил қиласа ёғоч целлюлозаси учун 7 – 10 м<sup>3</sup>/т атрофида бўлади. Бир йиллик ўсимликлардан олинган целлюлозани вакуум-барабанли мосламаларда фильтрлашдан ташқари пресс, шнек-пресс ва пресс-фильтрлар ҳам қўлланилади.

Шнек-прессларнинг вазифаси масса концентрациясини 4 % дан 30-40 % гача кўтариш ва концентрацияси юкори бўлган ишқор эритмасини ажратиб олишдан иборатdir.

Йирик қўшимчалардан тозалашда тебранувчи кўзтутгич аппаратлар кулай ҳисобланади. Масалан, элак идишининг ўлчами 1,95 x 1,0 м бўлган кўз туткич аппарати, сомон целлюлоза учун ишлаб чиқариш қувватини

суткасига 20 – 30 т гача таъминлаб беради. Хом ашё бўлакчаларининг ифлослигига қараб, улардаги чиқинди миқдори 1 – 4 % ни ташкил этади.

Шундай қилиб, Республикаизда мавжуд бўлган ғалла сомонлар ва шоли поялари каби бир йиллик ўсимликларидан целлюлоза ва ундан қоғоз ва картон ишлаб чиқариш мумкин. Бу эса хом ашё ресурсларининг базасини янада бойитади ва улардан самарали фойдаланиш имконини беради.

### **Пишириш усуллари ва қурулмалари**

Бир йиллик ўсимликларни пиширишда қўйидаги хар хил турдаги қозонлар ишлатилади:

айланувчи – тўғридан-тўғри қиздириш билан, шарли;

айланувчан – тўғридан-тўғри қиздириш билан, сфераoidли;

айланувчан – тўғридан-тўғри қиздириш билан, штуцерли;

стационар – циркуляцияловчи қурилмали ва тўғридан-тўғри бўлмаган усулда қиздириш;

стационар пишириш аппаратлари – АҚД – радиал-вертикал циркуляцияли ва тўғридан-тўғри бўлмаган усулда қиздириш.

Ўзбекистон шароитида бир йиллик ўсимликлардан сомон, ғўза ва шолипоядан қоғоз олиш мумкин. 1-расмда бир йиллик ўсимлик поясини шар шаклидаги қозонда пишириш схемаси ифодаланган. Бу қозон Сирдарё вилояти Ширин шахрида қурилаётган “Асл қоғоз” номли МЧЖ (Ўзбекистон Хитой қўшма корхонаси)да ўрнатилмоқда. Қозоннинг сифими  $25 \text{ m}^3$  бўлиб, буғ қозонга бевосита берилади. Хом ашё (сомон ёки ғўзапоя) дастлаб махсус гильетина туридаги машинада майдаланади, сўнгра аппаратга юкланади. Пишириш вақти хом ашё турига боғлиқ бўлади. Масалан, ғўзапояни пиширишда вақт қўпроқ, сомонда эса – камроқ вақт сарфланади.

## **Суюқ гулқоғоз**

### **Үмумий маълумотлар**

Суюқ гулқоғоз – рус тилида “жидкие обои” – Француз ишлаб чиқарувчилари “Senideco” сўзидан келиб чиқсан, улар уз ватанида девор қопламаси деса, Россияда фақат “жидкие обои” деб юритиди.

Хитойлик Цай Лун дастлаб эски ипакдан тўқилган балиқ туткич тўрини титиб, толаларидан қоғоз ва гулқоғоз олган. Кейинчалик ипак толалар ўрнига шолипоядан олинган толалардан фойдаланган. Гулқоғоз зичроқ ва каттиқ бўлган. Шолипоядан олинган қоғозни деворларга ёпишириб, унга ҳар хил ранг ва диний сўзлар ёзиб, хоналарни безатган.

Суюқ гулқоғоз ишлаб чиқариш бўйича французлар етакчилардан ҳисобланади. Асрий тажрибага эга бўлган оиласвий корхона ўз ишини 1864 йили бошлаган[5]. Ҳозирда бу корхона "Senideco" компанияси номи билан юритилади. Оиласвий корхона авлодлари суюқ гулқоғоз ишларининг сир асрорини яхши ўзлаштириб, ҳар бир авлод такомиллаштириш бобида ўз улушларини қўшиб, гулқоғоз хом ашё турлари, хона деворлари ва шипларига суртиш технологиясини такомиллаштириб келган.

Суюқ гулқоғоз – бу кўп компонентли деворни қоплашга мўлжалланган материал. Унинг таркибида пахта, ипак, синтетик толалар, титилган целлюлоза, бўёқ ва боғловчи (КМЦ, желатина) моддалар киради. Қуруқ гул қоғоз аралашмаси таркибида яна экзотик қўшимчалар – қуруқ сув ўсимлиги, дараҳт пўстлоғини майдаланган зарралари ва слюда киради.

Суюқ гулқоғознинг таркиби табиий материаллардан ташкил топганлиги сабабли ҳидсиз, экологик тоза маҳсулот ҳисобланади. Суюқ гулқоғознинг бу хоссалари ҳар хил хона деворларини ва шипларини пардозлашда қўл келади.

Кенг сперктга эга бўлган девор қоплама оқ қора қиши манзараси, нозик баҳор фаслини эслатувчи, ёз фаслини эслатувчи ранглар жилосини бериш мумкин. Офислар кулрангга бўялганда унга жиддий иш муҳити берилади.

Хозирда сотувда икки хил кўринишда гулқоғоз мавжуд: қукун (порошок) кўринишда ва қўллашга тайёр суюқ кўринишда. Тайёр суюқ гулқоғозлар пластик пакетларга солинган кўринишда бўлади.

XVII-XVIII асрларда Европада, ташқи кўринишидан суюқ гулқоғозга ўхшаш декоротив қоплама кенг тарқалган. Уни тайёrlаш куйидагича бўлган – қоғоз юзасини грунтовқалаб, юзасига ипак толалар сепиб тайёrlашган. Грунт қуригандан сўнг, юзаси ипакли матога ўхшаб қолади (1-расм).



**1-расм.** Грунталанган қоғоз юзасига ҳар хил рангдаги ипак толалари ёпиштириб, моҳирона безатилган хона девори.

Senideco – ҳозирда сон-соноқсиз деворни қопловчи ҳар хил текстур ва ранг-баранг мазмунли материал, 100% соф маҳсулот яратиб, дунёга машхур бўлган. Компаниянинг маҳсулоти бозор талабини қондириб келмоқда. Намуналари 2-расмда кўрсатилган.



**2-расм.** "Senideco" компанияси (Франция) маҳсулотлари билан безатилган хоналар.

Ҳозирда суюқ гулқоғоз ишлаб чиқариш кенг тарқалган. Бозорларда Европа мамлактларидан ташқари Россия[6], Туркия ва бошқа фирмалари маҳсулотларини учратиш мумкин.

### **Суюқ гулқоғоз ишлаб чиқариш**

Чет эл фирмалари суюқ гулқоғозни олишда, асосан ёғоч целлюлозасидан фойдаланади. Пардозлаш учун эса бўёқ, анорганик моддалардан фойдаланади ва ҳар хил расмлар билан безак беради. Деворга ҳар хил структурали кўриниш бериш целлюлоза толаларининг узунлигидан ҳам кенг фойдаланилади. Суюқ гулқоғоз компонентлари алаҳида-алоҳида тайёрланиши ёки қуруқ ҳолда композит тайёрланган бўлиши ҳам мумкин. Тайёр маҳсулот пакетларга ёки қопларга юкланган бўлади.

## **Деворга суюқ гулқоғоз суваш технологияси.      Деворга**

суволаган гулқоғознинг сифати яхши бўлиши учун дастлаб девор (шип) сувашга тайёрланади. Бунинг учун қуидаги шартлар бажарилади [7]:

1. Девор юзасини ифлослардан тозалаш, эски деворда сақланиб қолган оҳак сувоқ қолдиқлари, эски гул қоғоз қолдиқларидан, моғорли жойларга антисептик модда билан ишлов бериш, чангдан тозалаш ва куритиш.
2. Зарур бўлган ҳолларда девор юзасини грунтлаш (олиф мойи ёки мойли бўёқ).
3. Девор юзасига суюқ гулқоғоз массани сувашда температура + 10 °С дан паст бўлмаслиги керак.
4. Пакет ичидаги қуруқ материални алоҳида сифимга солиш.
5. Қуруқ қўшимчаларни (қўшиш зарур бўлганда) асосий аралашмага қуруқ ҳолда аралаштириш керак.
6. Идишга аралашма устига, пакетдаги йўриқномада кўрсатилган миқдорда сув қўшиш (масалан 1,7 кг ли пакетдаги қуруқ массага 8 л сув) ва бир хил қуюқликда масса ҳосил бўлганча аралаштириш.
7. Суюқ гулқоғозни деворга, шипка суваш андова ёрдамида ёки пуркагич (“писталет”) ёрдамида сепиш.
8. Суртилган қоплама, хона ҳарорати ва намлигига қараб, 12 дан 72 соатгача қуритилади.

**Деворни сувашга тайёрлаш.** Девордаги баъзи нотекслик, майда чуқурчаларни, суюқ гулқоғоз массани сувашдан олдин текисланади[8]. Текислашни суюқ гулқоғоз масса билан туғирлаш ҳам мумкин. Бунда массани сарфи ортиб кетади. Осон йўли эски гулқоғоз ёки оҳакли сувоқ қолдиқлари тозаланиб, ёриқ ва чуқурчалар оддий сувоқ масса ёрдамида текисланади, майда чуқурчалар – суюқ гулқоғоз ёрдамида текисланади.

Агар деворда металл конструкция бўлса, кейинчали занг ранг доғ чиқмаслик учун, у эмал бўёғ билан бўялади.

Суюқ гулқоғоз сувашдан олдин девор тўла қуриши керак. Қуритиш  $+20^{\circ}\text{C}$  да,  $+10^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаган температурада бажарилади.

**Суюқ гулқоғоз массани деворга суваш технологияси.** Девор юзасини сувашга тайёрлаш. Асосан девор юзасини грунтовкалаш (3-расм). Агар оқ рангли суюқ гулқоғоз сувомоқчи бўлганда, девор ёки шип (потолок) юзасини бир қават оқ бўёқ – сувэмульсия билан бўялади.



а



б

**3-расм.** Суюқ гулқоғозни сувашдан олдин грунтовкалаш сурати (а) ва қуруқ аралашма (б).

**Хонадон шароитида декоратив суюқ гулқоғоз массасни тайёрлаш[9].** Бу жараён бир мунча вақт талаб этади. Хонадон шароитида биратола масса тайёрлаш учун катта сифимли идиш талаб этилади. Шунинг учун компонентларни алоҳида тайёрлаб, сўнгра аралаштириб массани бир хил қуюқликка келтирилади. Дастреб пластмассали тоғорага, йўриқномада кўрсатилган миқдорда, илиқ сув солинади (таксидан 7 л), сўнгра пакетдаги (3-б-расм) қуруқ аралашма солинади, 30-40 минут бўктирилади, кўл билан эзиб бир хил қуюқлик массага келгунча аралаштирилади. Эритиш 1 суткагача давом этиши мумкин, бунда аралаштириш ҳар 1-1,5 соатда олиб борилади. Эримай қолган майда заррачалар олиб ташланади. Шу тариқа навбатдаги пакетлардаги қуруқ аралашмалар тайёрланади.

**Суюқ гулқоғоз массаси суваш технологияси.** Суваш ишларини хонадон вакили құллари билан бажариш осон. Суваш жараёни – тайёр массадан оз-оздан қўлга олиб, деворга бироз куч билан уриб ёпиширилади (катта куч ишлатилса – сачираб кетади), сўнгра андова билан девор (шип)га бир тексда суволади (4-расм). Суюқ гулқоғоз масса андовага ёпишмаслик учун, суваш жараёнида андовани тез-тез артиб, сувда ҳўллаб турилади. Жараён осон кўринс-да, бурчак ва эшик атрофларини сувашда сабр тоқатликни талаб этади. Баъзи жойларга қўл ишлатилади.



**4-расм.** Суюқ гулқоғозни суваш жараёни: а – андова билан суваш; б – ролик билан суваш.

Куригач, ортиқча ўткир қиррали жойлари қайчи ёрдамида қирқиб ташланади. Бу турдаги декоратив сувоққа сув юқмаслиги учун лак билан қопланади.

Суюқ гулқоғоз массаси шипга суртиш ишларини пульвизатор ёки хаппер-писталети ёрдамида тез ва қулай бажарилади.

Гипскартонли деворларни ҳам суюқ гулқоғоз масса билан қоплаш мумкин. Бунинг учун деворни барча юзасини шпаклёвкалаш лозим [10].

Кўп хизмат қилиши ва намга чидамли бўлиши учун акрилли лак суртилади. Бузилган (ёки доғ бўлган) участкасини таъмирлаш учун сув билан яхшилаб ҳўллаб, қириб ташланади ва ўша жойига янгиси суртилади.

**Куритиш технологияси:** хона эшик ва ойналари ёпиқ ҳолатда қуритилади, қуриш 1-3 кун давом этади.

Хона шароитида ўз қўлингиз билан суюқ гулқоғоз тайёрлашдан олдин тегишли идишларни тайёрлаш керак бўлади. Суюқ гулқоғоз масса билан ишлаш осон бўлсин учун танлаган идишингиз пластмассадан унчалик чуқур бўлмаган (30 см атрофига), айлана шаклида (диаметри 50-60 см) бўлгани мақбул. Масса осон ювилишини ҳисобга олган ҳолда, уйрузғоз идишларидан фойдаланиш ҳам мумкин. Массани тайёрлашда сувнинг температураси 20-25°C бўлса, қўлда аралаштириш қулай. Қуруқ аралашмадан 1-2 пакетдан аралаштириш осон (5-расм). Бир нечта пакетларни аралаштириш мумкин, агар ҳар хил партиядан бўлса.



**5-расм.** Уй хона шароитида суюқ гулқоғоз масса тайёрлаш.

Суюқ гулқоғоз массани тайёрлаш жараёни қуйидаги амалларни ичига олади:

1. пакетдаги қуруқ аралашма масса тайёрлайдиган идишга юкланди;

2. қуруқ аралашма устига 5 л сув қуюлади;
3. аралашма бир хил қуюқликка келгунча аралаштирилади;
4. аралашма бир хил қуюқликка келгунча сувдан оз-оздан қуюиб туриш керак.

Одатда 1 пакет суюқ гулқоғоз 5,5-6,0 л сув билан аралаштирилади. Сувоқ массани қуюқлиги сумалак қуюқлигини эслатади. Агар жуда қуюқ бўлса, деворга суваш қийинлашади, суюқ бўлса – юзадан оқади.

Баъзи бир суюқ гулқоғоз массасини 7-8 соат тиндирилади. Бунда масса таркиби яхши бўқади. Керак бўлса бироз сув солинади.


**Суюқ гулқоғозни эски қоғоз, картон ва газетадан тайёрлаш[11].**  
Бу турдаги эски қоғоздан уй шароитида суюқ гулқоғоз тайёрлаш (6-расм) мумкин. Суюқ гулқоғоз таркиби:

- Қоғоз, картон ёки газета (макулатура);
- сув;
- ранг берувчи суюқлик (колеровочная жидкость);
- ПВА елим.

Макулатура таркибида елим ва бошқа қўшимчалар бўлмаслиги керак. Улар бошқа қўшимчалар билан реакцияга киришиши мумкин. Макулатура таркибида металл элементлари ҳам (срекепка ва бошқалар) бўлмаслиги керак. Чунки улар зангли доғларни ҳосил қиласди. Бўялмаган қоғоздан фойдаланган қулай. Энг қулай вариант – оқ концелярия қоғози.



Бўқтириш жараёни



Масса тайёрлаш жараёни

**6-расм.** Қоғоз, картон ёки газета (макулатура)дан суюқ гулқоғоз масса тайёрлаш.

Уй хона шароитида суюқ гулқоғоз тайёрлаш технологияси қуйидаги босқичлардан иборат:

қоғозларни қирқиш;

пластик идишга солиш;

куруқ қоғоз бўлакчалари устига тоза сув солиш;

1 кг қоғоз учун 5 л сув талаб этилади;

2-3 соат мобайнинда қоғоз тўла бўқтириш;

Миксер билан аралаштириб, қуюқ масса ҳосил қилиш.

Деворларга ёпишиш осон бўлиши учун гипс ва ПВА елимидан қўшилади.

Суюқ гулқоғозга тегишли ранг бериш учун олдиндан тайёрланган бўёқ эритма қўшилади. Бунинг учун бўёқ эритмадан оз-оздан қўшиб миксер билан аралаштириб турилади. Массани деворга суртилганда, қуригач рангги очроқ бўлишини ҳисобга олиб бўёқдан қўшиш лозим. Қўшимча

безак бериш учун, массага ялтироқ, слюда, майдаланган минерал, оптик оқартирувчи ва бошқа компонентлардан фойдаланиш мумкин.

### **Суюқ гулқоғознинг қулайлиги ва камчиликлар. Қулайлиги.**

Хона деворлари юзасига берилган безаклар юқори сифатли. Суваш ишларини мутахассисларсиз мустақил бажариш мумкин. Юқори адгезияга эга, девор ва шипларни текислашга (тирқиши, плинтус, рама, розетка, чироқ ўчиргичлар атрофини) ҳожат йўқ.

Хозирги замон ёнфинга қарши стандарт талабларига жавоб беради. Ғовакли структура туфайли шовқин ва иссиқлиқ ҳимояси юқори. Совуққа чидамли, девор музлаган ҳолда ҳам қоплама ўзининг дастлабки кўринишини йўқотмайди.

Нуқсонларини тузатиш осон. Майда тирқиши ва ёриқларни шу суюқ гулқоғоз масса билан тузатиш мумкин. Хизмат қилиш мутдати 10 йилдан кўп. Экологик хавфсиз. Шовқин ўтказмайди. Чангни, хидларни ўзига олмайди. Балкон ва айвонларни пардозлаш жуда қулай. Чанг тутутгич ёки қуруқ латта билан тозалаш мумкин.

**Камчилиги.** Уни ювиш ва юқори намлиқ бўлган хоналарда ишлатиш тавсия этилмайди. Бу камчилик кундалик турмушда бироз ноқулайлик келтиради. Доғ бўлган жойни қирқиб олиб ташлаб, янгисини суваб қўйиш.

### **Ўзбекистонда суюқ гулқоғоз олиш ишлари**

#### **Пахта момифидан**

Хом ашё сифатида қуидаги маҳаллий целлюлоза таркибли материаллардан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Пахта момифи, циклон момифи (“циклон пухи”), чигитни экишга тайёрлаш жараёнида ҳосил бўлган толали чиқиндилардан фойдаланилган.

**Пахта момифидан.** Тадқиқотга 1990 йилларда киришган. Улар пахта момифи асосида суюқ гулқоғоз ишлаб чиқаришнинг янги усулини яратган

[12-17]. Массага 5-6% гача КМЦ елими қўшилгач, деворларнинг ички юзасига сувалади. Тайёрланган суюқ гулқоғоз таркиби: целлюлоза – 8-10 %; сув 90-92 %; елим (КМЦ) – 7-10 % (қуруқ целлюлозага нисбатан). Намуналар 7-14 расмлардаги намуналарнинг расм таги ёзувларида келтирилган.




**7-расм.** Кулранг суюқ гулқоғоз таркиби: майдаланиш даражаси 28°ШР бўлган пахта целлюлоза, ёриқликка чидамли тўғри кулранг *K* турли бўёқ, узунлиги 3-4 мм ли ялтироқ тасма бўлакчалар, оқ ва қора ранги полистирол ҳамда шағалнинг 2-3 мм ли заррачалари, 1 м<sup>2</sup> массаси 721 г.




**8-расм.** Бинафша ранги суюқ гулқоғоз таркиби: майдаланиш даражаси 28 °ШР бўлган пахта целлюлоза, ёриқликка чидамли тўғри бинафшаранг **КМУ** турли бўёқ, узунлиги 3-4 мм ли ялтироқ тасма бўлакчалар, қора ранга бўялган узунлиги 2-3 мм ли полистирол заррачалар, 1 м<sup>2</sup> массаси 440 г.

Хона деворларини суюқ гулқоғоз билан пардозлашни бир қанча кўринишлари (9-14-расмлар) ишлаб чиқилган.




**9 - расм.** Кичик ёшдаги қиз болалар хонаси деворига тавсия этилган суюқ гулқоғоз.



**10 - расм.** Кичик ёшдаги қиз болалар хонаси деворига тавсия этилган суюқ гулқоғоз.




**11 - расм.** Боғча болаларининг ўйнайдиган хонаси деворига мўлжалланган суюқ гулқоғоз.



**12 - расм.** Ётоқхона деворига тавсия этилаётган суюқ гулқоғоз.



**13 - расм.** Ётоқхонани деворига тавсия этилаётган суюқ гулқоғоз.




**14 - расм.** Ётоқхонани деворига тавсия этилаётган суюқ гулқоғоз.

### **Тўқимачилик материаллари қийқимидан тайёрланган суюқ гулқоғоз**

Кейинги йилларда суюқ гулқоғоз ишлаб чиқариш республикамизнинг бир қанча кичик фирмалар (жумладан, “Квадрат”, “Ойна” фирмалари) ишлаб чиқармоқда. Бу фирмалар хом ашё ўрнида тўқима материаллар қийқимидан фойдаланишган. Дастрраб мато бўлакчалари маҳсус асбоб-ускуналарда титилиб, сўнгра майдаланиб, толалар ўзунлиги тегишли узунликка келтирилади.


**Кимёвий воситалар** – аромазатор, антистатик, пластификатор ва деворга сувош ишларини осонлаштирувчи КД-01 сирт фаол модда.

**Суюқ гулқоғоз массасини тайёрлаш ва улардан ҳар хил кўринишида деворга қоплаш.** Юқорида келтирилган усулда 50 яқин қоплама материалнинг турлари ишлаб чиқилган. Намуналар қўриниши куйидаги 15,16-расмларда келтирилган. Олинган маҳсулот бир нечта бинолар (кафе, тўйхона) ичини пардозлашда қўлланилган.



A 001

15-расм.



A 008

16-расм.

Суюқ гулқоғоз (баъзи фирмалар “түқимачилик сувоқ” каби ҳар хил ном күйишган) композицион материал технологияси ишлаб чиқилди. Унинг асосий физик күрсаткичлари аниқланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган.

### Шолипоядан целлюлоза олиш

Коғоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришдашоли поясидан олинган целлюлозадан кенг фойдаланилади. Шоли поясидан олинган целлюлоза таркибида майда толалар миқдори 30-40% бўлиб, улар паренхим ва эпидерман хужайраларидан иборат. Булар маълум даражада шоли пояси целлюлозасидан олинган қофознинг сифатини яхшилайди. Биз хона ички деворларини безаш мақсадида шоли поясидан целлюлоза олдик.

Бунинг учун шоли пояни ишқорий ва кислотали шароитларда гидролизлаб, уларни 13% ли NaOH эритмасида 12 соат қайнатдик. Сўнгра ювиб, ишқорий шароитда водород пероксидида 24 соат давомида хона шароитида оқартирдик. Ювиб қуритгач, лаборатория дезинтеграторида титилди (17-расм).



Ишқорий усулда шолипоядан олинган целлюлоза.



Кислотали усулда шолипоядан олинган целлюлоза.

**17-расм.** Ишқорий ва кислотали усулларда олинган целлюлозалар.

Ишқорий усулда олинган целлюлоза майин, кислота усулида олинган целлюлоза толалари бироз дағал, ташқи қўринишида ҳам фарқи кўринади.



**18-расм.** Ишқорий усулда шолипоядан олинган целлюлоза толаларининг умумий қўриниши.

Толаларини бир биридан ажратиш анча мураккаб. Шоли кепагидан олинган целлюлоза толалари ўлчамларидан анча йирик.

Олинган натижаларга кўра шолипоя таркибида целлюлоза кўп қисмини – 44 % ташкил этди. Лигнин – 22%, пентозанлар – 11%, сувли экстракт – 4%, мумсимон моддалар – 5% ва кул миқдори 14% ни ташкил этди.

Шолипоя толаларининг кўрсаткичлари: ўртача узунлиги – 1,45 мм; диаметри – 0,0015 мм; узунлигининг диаметрига нисбати – 170:1.

Шоли қипиқлари толаларининг узунлиги 0,1 – 1,0 мм ни ташкил этади.

Шоли поядан олинган ярим тайёр целлюлозани сўриш ва сорбцияланиш қобилияти пахтадан олинган ярим тайёр целлюлозадан юқори (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### **Шоли поя, шоли қипиғи ва пахта целлюлозанинг физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Шоли поя	Шоли қипиғи	Пахта
Адсорбцияланиши, мг/г	62,9	57,6	42,4
Йодни сорбциялаши, %	38,0	63,4	46,0
Бўкиши, 17,5% NaOH, %	530	506	503
Сув шимиши, %	224	278	254
Кристаллик даражаси, %	32,8	24,0	69,0

Бунинг сабаби шоли қипиғидан олинган целлюлоза таркибида аморф участкаларининг кўплигидир. Яъни унинг морфологик тузилишиданdir. Аморф участкалари кўплиги суюқликни сўришни осонлаштиради. Шунинг учун шоли қипиғидан олинган ярим тайёр целлюлоза сувни ўзида саклаб қолиш қобилияти жуда юқори. Шунинг учун, истиқболда шоли қипиғидан олинган целлюлозани фармацевтика ва медицина саноатида сорбент сифатида ишлатиш мумкин.

#### **Тайёр суюқ гулқоғоз**

Сувашга массани тайёрлаш: дастлаб умумий масса пишириб, КМЦ дан тайёрланган елимдан 10% атрофида қўшиб, беш бўлакка бўлинди. Ҳар бирини ҳар хил рангга бўялди. Массани лаборатория

шараётида аралаштирилди, 35-расм. Тайёрланган масса гофриранган картон юзасига




**19-расм.** Массани сувашга тайёрлаш жараёни.

20x15 см ўлчамларда сувалди. Намуналар хона шароитида куритилгач, қалинлиги аниқланды ва рангини характерловчи ёзувлар билан 36-расмда келтирилди.





Целлюлоза шоли кепагидан, сарик рангга бўялган



Целлюлоза шоли кепагидан



Целлюлоза шоли кепагидан, қизил рангга бўялган




Целлюлоза шоли кепагидан, яшил рангга бўялган


**20-расм.** Шоли поясидан ва кепагидан тайёрланган гилқоғоз намуналари.

**Қоғоз ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган толали чиқиндилардан суюқ гулқоғоз олиш**

Пахта целлюлозасидан қоғоз ишлаб чиқариш жараёнида, асосан икки турдаги толали чиқиндилар ҳосил бўлади. Пахта момифини механик аралашмалардан тазалашда, унинг техник номи “циклоный пух” ва қоғоз қувиш машинаси тўр қисмида ҳосил бўлади. Булардан суюқ гулқоғоз тайёрлаш учун ҳар иккаласидан 1:1 нисбаттда олиб, 5% КМЦ эритмасидан тайёрланган елим билан аралаштириб, картон қоғоз юзасига сувалди. Намунани кўриниши 37-расмда келтирилган.



А



Б



В



Г



Д



Ж



3



E

### **21-расм.** Манзарали сувоқ:

А, Б - тоғ олди дала ҳовли манзараси; В, Г, Д, Ж, З, Е - Қуёш чиқиши манзараси.

### **ХУЛОСАЛАР**

1. Суюқ гулқоғоз олиш ва қўллаш бўйича қисқача тарихи, ҳозирги замонда олишда хом ашё турлари ва қўллаш усуллари ўрганилди.
2. Шоли, ғўза ва сафлор пояларидан цеплюлоза олиш ва улардан суюқ гулқоғоз технологияси.
3. Пахта цеплюлозасидан қоғоз иўлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган чиқинди “Циклон пух” дан ҳам сувоқбоб цеплюлоза олиб, сувоқ намуналар олинди.

### **Назорат саволлари:**

1. Суюқ гулқоғоз қачон ва қайси мамлакатда дастлаб қўлланилган?
2. Ўсимлик полимери (шоли, ғўза, сафлор поялари ва буғдой сомонини кимёвий қайта ишлашга тайёрлаш неча босқичдан иборат?
3. Суюқ гулқоғозда қўлланиладиган компазицион материалларни айтиб беринг.

4. Суюқ гулқоғоз олишда қўлланиладиган композит материалларни қўллашдан мақсад нма?
5. Суюқ гулқоғоз массани деворларга сувашни осонлаштириш учун унга қайси модда қўшилади?
6. Деворларда суюқ гулқоғоз ёрдамида рельефларни ҳоси қилиш учун қайси композит материаллар қўшилади?
7. Суюқ гулқоғознинг ижобий ва салбий томонларини айтиб беринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. ТУ 5462-001-13273490-99. Жидкие обои.
2. **Примкулов М.Т., Абдукаримов А.А. и др.** Состав бумажной массы для покрытия поверхностей помещение // предварительный патент РУз – РА. 1997, № 3.
3. **Примкулов М.Т., Абдукаримов А.А. и др.** Жидкие обои из хлопковой целлюлозы // Узбекский химический журнал, 2000- №5. с. 40-43.
4. **Примкулов М.Т., Абдукаримов А. А., Юлдашев К.И., Шукуров А.Ш.** Узбекский химический журнал, № 6, 2000 г. с. 46-47.
5. **Иванов Ю.С.** Современные способы варки сульфатной целлюлозы: Учебное пособие / ГОУ ВПО СПбГТУРП. СПб., 2005, 63 с.
6. **Умарова В., Халилов Х., Қодиров Н., Примқулов М.** Суюқ гулқоғоз ишлаб чиқариш ва уни деворларга қоплаш технологияси. Тошкент. 20017.

#### **Амалий қисм**

#### **Целлюлоза асосида композицион материаллар тайёрлашда қўлланиладиган хом ашёлар**

## **1. Ярим тайёр целлюлоза:**

- шолипоя целлюлоза;
- сомон целлюлоза;
- гүзапоя целлюлоза;
- сафлорпоя целлюлоза.

## **2. Композит материаллар:**


- пахта толалари;
- ҳар хил рангли синтетик тасмалар;
- майда пўкаклар;
- бўёқлар;
- ҳар хил ўлчамли майда қум.

**Ишдан мақсад:** Ўсимлик плимеридан ярим тайёр целлюлоза олиш ва улардан ҳар хил суюқ гулқоғоз компазитлар тайёрлаш.

**3. Технологияси.** Тажриба йўли орқали суюқ гул қоғоз кичик миқдорда ишлаб чиқариш учун лаборатория шароитида қилинган ишларга асосланиб технологик жараён олиб борилади. Ишлаб чиқарилмоқчи бўлган маҳсулотнинг характеристикаси. Технологик жараёнлар қуидагиларни ўз ичига олади:

- Ярим тайёр целлюлоза олиш учун поя ларни майдалаш.
- Пишириш эритмаларни тайёрлаш.
- Суртулувчи масса тайёрлаш.
- Бир тонна суюқ гул қоғознинг материал баланси.
- Технологик жараён ишлаб чиқаришни бошқариш ва назорат қилиш.
- Суюқ гул қоғоз ишлаб чиқаришда техника хавфсизлигига риоя қилиш.

Саноат миқёсида олишни технологик схемаси:




**Композицион суюқ масса  
тайёрлаш. Тайёр бўлган суюқ  
гул қофознинг (қуруқ бўлган  
варианти)**



**Тайёр маҳсулотни қадоқлаш**

**Хом ашёни ишлаб чиқаришга тайёрлаш.** Бир тонна суюқ гулқоғоз (қуруқ ҳолдаги) тайёр маҳсулотини тайёрлаш учун, ҳаво қуруқлигига хом ашёларни тайёрлаб олиндади: оқ рангдаги 400кг целлюлоза қофози чиқиндиси (МС-1 маркали), 400 кг паҳтадан қилинган калава ип ёки текстил иккиламчи чиқиндисидан (трикотаж пайпоқ ишлаб чиқариш чиқиндилари), 10 кг зархал ёки тобланувчи сунъий толалардан, 19,5кг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган крахмал, 170 кг карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) елимдан 0.5кг.

**Хом ашёни майдалаш.** Тортилган хом ашёларни  $0,1\text{m}^3$  ли майдалаш аппатига (1-расм) кетма-кетлиқда юкланади: 2 кг МС 1 қофозли чиқинди, 2 кг рангли ип қийқимлари, 25г зархал, 47.5 г крахмал, 850 г КМЦ, 2.5 г НА-1 сирт фаол моддаси. Сўнгра, аппарат қопқоғи ёпилади ва 1-2 минут майдаланади. Композитлар қуруқ ҳолда майдаланади. Шу аппаратда 1 тонна маҳсулот олингач, 3 ва 10 кг полиэтилен пакетларга қадоқланади. Пакет ситида фойдаланиш йўриқномаси, миқдори ва ишлаб чиқарилган корхона номи ҳамда санаси келтирилади.



**1-расм.** Майдалагич аппарати:

1 – 0,1 м<sup>3</sup> аппарат;

2 – ўқ; 3 – пичноқлар;


4 – қопқок;

5 – маҳсулот чиқиши жойи;

6 – эл. Двигатель;

7 – таянч оёқлари.

**Тайёр маҳсулотни деворга суртиш.** Тайёр маҳсулотдан деворга суртиш массасини тайёрлаш (суюқ гулқоғоз) ҳолга ўтказиш учун унинг устига 60-70°C ҳароратда сув олиб 1:8 нисбатда, яъни 1кг қуруқ тайёр маҳсулот устига 8 литр иссиқ сув солиб, 15 дан 60 минутгача бўктирилади. Масса вақти вақти билан аралаштирилиб турилади. Деворга суришдан олдин девор юзини яхшилаб механик усулда тозалаб грунтовка сифатида эмульсия ёки КМЦ елимдан оз микдорда суюлтириб девор юзаси ишлов берилади. Девор юзи теккис бўлган ҳолда 1 кг суюқ гулқоғози 4-5 м<sup>2</sup> майдонга сурилади. Кўйида ҳар хил рангли гулқоғоз массаси суволган намуналар сурати келтирилган.





## **5-амалий машғулот. Ёғоч-полимер асосли композицион материалларни ўрганиш**

### **Назарий қисм**

Режа:

1. Ёғоч композитларда ишлатиладиган ёғоч хом ашёлар
2. Ёғоч композитларнинг турлари
3. Ёғоч композитларда инобатга олинадиган омиллар

**Таянч сўз ва иборалар:** композит, шпон, пайраҳа, қиринди, ёғоч заррачалари, қипиқ, ёғоч толалари, ёғоч уни, дурадгорлик плиталари, сотов плиталар, фанера, эгиб елимланган заготовкалар, ёғоч-қириндили плиталар, ориентирланган қириндили плиталар, ёғоч толали плиталар, MDF, МДП.

### **1. Ёғоч композитларда ишлатиладиган ёғоч хом ашёлар**

Ёғочли композицион материаллар кўп компонентлардан ташкил топган бўлади. Ёғоч ҳам аслида целлюлоза, гемицеллюлоза, лигнин ва оз миқдордаги ноорганик ҳамда экстрактив моддалардан иборат композитдир.

Ёғоч композитлари ишлаб чиқариш бир қатор афзалликларга эга. Масалан, бунда майдада дараҳтлар ва шохларни, ёғочсозлик корхоналари чиқиндиларини ишлатиш мумкин, олинган маҳсулот бир жинсли бўлади, турли шаклдаги мустаҳкамроқ материалларни олиш мумкин.

Ёғоч азалдан думалоқ ёғочлар ва арраланган материаллар шаклида ишлатилиб келинган. Бироқ, йирик ёғочлар тобора камайиб, нархи ошиб бораётганлиги сабабли кичик бўлаклар, ёғоч тилиш ва целлюлоза-қофоз корхоналари чиқиндиларидан қайта ишланган композитлар ишлатилмоқда, бутун ёғоч ўрнига майдада ёғоч бўлакларидан фойдаланилмоқда.

Композит материаллар ишлаб чиқаришда ёғоч қатламли материаллардан елимланган балкалар, шпонлардан фанералар, қириндилардан қириндили плиталар ва толалардан ёғоч толали плиталар

олинади. Композит таркиби қанчалик майдалашиб борса, нүқсонлар ҳам майдалашиб, тарқалиб таъсири камаяди, материалнинг ҳамма жойида тузилиши ва хоссалари бир хил бўлиб боради. Ҳаммасидан ҳам кўра ёғоч толаларининг ишлатилиши тобора кенгаймоқда, уларни турли қишлоқ хўжалик ўсимликларидан олиш мумкин<sup>1</sup>.

Ёғочсозлик саноатида бугунги кунда қуидаги ёғоч хом ашёларидан фойдаланилади.



Ходалар (logs, timbers)



Арраланган материаллар  
(lumbers)



Майда тахталар ва қалин шпонлар (thin lumber, thick veneer)



Шпон (veneer)



Йирик бўлаклар ва шпон қолдиқлари (long flakes, short veneer)



Пайраҳалар (chips)



Кириндилар (flakes)



Юмшоқ киринди  
(excelsior)



Ёғоч заррачалари  
(strands)



Ёғоч қипиқлар (particles)



Ёғоч толалари (fiber bundles)



Кофоз толалари (paper fiber)

<sup>1</sup> Rowell M.R. Handbook of wood chemistry and wood composites. 2-edition. "CRC-Press". USA. 2013. p.285.



Ёғоч уни (wood flour)



Ёғоч целлюлозаси  
(cellulose)

### 5.1-расм. Асосий ёғоч хом ашёлари<sup>2</sup>

Биринчи ёғоч қатlamли пластиклар илк бор 1893 йилда Швейцариянинг Базел шаҳрида казеин елими асосида олинган. Фанера илк бор 1910 йилда ишлаб чиқарила бошланган. Бундай конструкцион материаллар ҳозир ҳам қурилишда кенг қўлланилади.

Мебель ишлаб чиқаришда фанерадан анча мурраккаб буюмлар ясалади, бунда юпқа фанеранинг эгилувчанлик хоссалари муҳим рол ўйнайди. Фанера юзасини юпқа термопласт билан қоплаш орқали унинг қўлланилишини янада кенгайтириш мумкин.

Ёғоч қириндили плиталар ишлаб чиқариш 1940 йилларда, ёғоч толали плиталар эса 1950 йилларга келиб ишлаб чиқарила бошлаган. 1960 йилларда ўртача зичликдаги ёғоч толали плиталар (MDF) ишлаб чиқариш бошланган. Бундай ёғоч композитлари икки ўлчамли материал сифатида ишлатилади, лекин уларни қолипларда уч ўлчамли буюмлар шаклида ҳам ишлаб чиқариш мумкин.


## 2. Ёғоч композитларнинг турлари

Ёғоч композитларига мисол қилиб фанера, ёғоч-қириндили плиталар, ёғоч толали плиталар ва ёғочли пресс-массалар каби материалларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ёғочли композитларни уларнинг зичлиги, хом ашё тури ва тайёрланиш усули бўйича қўйидагича синфлаш мумкин<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Rowell M.R. Handbook of wood chemistry and wood composites. 2-edition. "CRC-Press". USA. 2013. p.284.

<sup>3</sup> Rowell M.R. Handbook of wood chemistry and wood composites. 2-edition. "CRC-Press". USA. 2013. p.293.




5.2-расм. Ёғоч композитларининг хом ашё тури, зичлиги ва тайёрлаш жараёнлари бўйича синфланиши

Ушбу расмдан ёғоч хом ашёси қанчалик майда бўлса, ёғочли композитларнинг зичлиги шунчалик юқори бўлишини, ҳамда толасимон хом ашё асосидаги композитларни олишда хўл усулдан кенг фойдаланишини кўриш мумкин.

Ёғоч енгил ва пишиқ, иссиқ-совуқ, шовқин ва вибрациядан химояловчи, электр ўтказмайдиган, осон механик ишлов бериладиган, яхши елимланадиган, ноёб ташқи кўринишга эга, осон қайта ишланадиган, инсон учун заарсиз конструкцион материал ҳисобланади. Шу билан бирга у намлик таъсирида деформацияланади ва ёрилади, мустаҳкамлиги камаяди, чириш ва ёниш хусусиятларига эга. Ёғочга механик-кимёвий ишлов бериш орқали ундан янада мустаҳкам ва юқоридаги камчиликлардан ҳоли бўлган конструкцион материаллар ишлаб чиқарилади. Буларга дурадгорлик плиталари, фанералар, эгиб елимланган материаллар, ёғоч қириндили ва ёғоч толали плиталар, ёғочли пресс-массалар мисол бўла олади.

*Дурадгорлик плиталари ГОСТ 13715-78 бўйича ишлаб чиқарилади.* Бу материал шит кўринишида бўлиб, асоси рейкалардан йифилади, юза ва орқа томони шилинган шпон билан қопланган бўлади. Юза ва орқа қатламлар синтетик елим билан ёпиштирилади.



5.3-расм. Дурадгорлик плитаси:

1 – юза қатlam; 2 – рейка; 3 – орқа қатlam; L – узунлиги; B – эни; h – қалинлиги.

Саноатда дурадгорлик плиталари рейкаларни елимламасдан, елимлаб ёки ёғоч блокларини елимлаб олиниши мумкин. Плиталарнинг юзалари қопланмаган ёки қопланган, жилвирланган ёки жилвирланмаган бўлиши мумкин (5.1-жадвал).

Плиталар арzon ёғочлардан ишланади. Рейкалар бир хил ёғочдан бўлиши, уларнинг эни қалинлигидан кўпи билан 1,5 марта катта бўлиши зарур. Устки ва пастки қатlamлар плитанинг узунлигига перпендикулар йўналган бўлиши лозим. Плиталарнинг юзаси аввал йўнилган шпон (ГОСТ 99-75) билан қопланади. Уларнинг устига рандаланган шпон (ГОСТ 2977-82) қопланиши мумкин. Қопланмаган плиталар  $m^3$  да, қопланган плиталар эса  $m^2$  да ўлчанади. Плитани тайёрлашда ГОСТ 14231-78 бўйича карбамид-формалдегид ва фенол-формалдегид елимлари ишлатилади.

### 5.1-жадвал


#### Дурадгорлик плиталарининг ўлчамлари ва навлари

Узунлиги, мм	Эни, мм	Қалинлиги, мм		Навлари		
		жилвирлан- маган	жилви ланган	қоплан- маган	бир томони қопланган	икки томони қопланган

2500±5	1525±5	16±0,6	16±0,4			
	1220±4	19±0,8	19±0,6	A/B, AB/BB, B/BB	I/B, II/B	I/I, II/II
1830±5	1220±4	22±0,8	22±0,6			
1525±5	1525±5	25±0,8	25±0,6			
		32±1,0	32±0,8			

Дурадгорлик плиталари шитли ва корпусли мебель ишлаб чиқаришда, эшик ва деворлар, пол конструкциялари, қурилма мебеллар, кема каюталари ва вагонлар купеларини ясашда кенг қўлланилади.

*Сото-плиталар* дурадгорлик плиталарининг замонавий тури бўлиб, жуда тежамкор ва самарали материал ҳисобланади. Улар сендвич типидаги плиталарнинг бир тури ҳисобланади. Уя қобирғалари крафт картондан ёки қоғозлар билан елимланган шпон парчаларидан ясалиши мумкин. Уяларнинг эни 15–50 мм оралиқда бўлиши мумкин. Уя қобигининг баландлиги бруснинг қалинлигидан  $1\pm0,5$  мм катта бўлиши керак. Пастки қатламнинг йўналиши, уя қобирғаларининг чўзилиш йўналишига перпендикулар бўлиши керак.



5.4-расм. Сото-плиталар

1 – брусок; 2 – уяли қобирғалар; 3 – қоплама.

Устки қатlam сифатида фанера, ёғоч толали плита ёки ўзаро перпендикулар жойлашган иккита шпон ишлатилиши мумкин. Ҳозирги кунда шитли ва корпусли мебель деталлари сотопластлардан ясалмоқда (5.4-расм).

*Фанера* (ГОСТ 3915-69) йўнилган шпон қатlamарини ўзаро бир-бирига перпендикулар йўналишда елимлаб олинган қатlamли материал ҳисобланади. Одатда, шпон қатlamлари сони тоқ бўлади. Ташқи юза қатlamда орқа қатlamдагига нисбатан ёғоч нуқсонлари кам бўлиши керак.

Фанера табиий ёғочга нисбатан бир қанча афзалликларга эга: деярли барча йўналишдаги мустаҳкамлиги бир хил, қуришдан кичрайиш ва ёрилиш кузатилмайди, қуриганда кам қийшшаяди, осон эгилади, юпқа ва кенг форматли материал, ташиб қулай ва ёриклар бўлмайди. Ушбу афзалликлари туфайли фанера қурилиш, мебелсозлик, вагонлар, кемалар ясаш ва авиасозликда кенг қўлланилади. Мебелсозликда фанерадан филенка, ўриндиқ, суюнчиқ, девор, полка, орқа девор ва яшик таги каби деталлар олинади.

У оқ қайин, қандағоч, шумтол, қайрағоч, эман, қайин, липа, тоғтерак, терак, заранг, арча, қарағай, оқ қарағай, кедр, тилоғоч каби ёғочлардан олинади.

Ишлатилишига кўра оддий, қопланган ва маҳсус фанераларга бўлинади. Фанеранинг ташқи қатlamлари қайси ёғочдан қилинган бўлса, у ўша ёғочдан ясалган ҳисобланади. Фанеранинг қатlamлари ўзаро 90, 60, 45, 30° бурчак остида жойлашган бўлиши мумкин. Қалинлигига кўра фанера юпқа (1,5;2;2,5 мм), ўртача қалинликдаги (3;4;5;6 мм) ва қалин (7;8;9;10;12;15;18 мм) бўлиши мумкин. Беш хил навга бўлинади: А/АВ, АВ/В, В/ВВ, ВВ/С, С/С; бу ерда сурат – юза қатlamнинг, маҳраж – орқа қатlamнинг навини кўрсатади.

## 5.2-жадвал

Оддий фанеранинг ўлчамлари ва қатlamларидаги шпонларнинг навлари

Узунлиги, мм	Эни, мм	Қалинлиги, мм	Шпон нави
2440±5	1525±5	1,5; 2; 2,5±0,2	Юза қатлами: А, АВ, В, ВВ, С навлар.
	1220±4	3±0,3	
2135±5	1525±5	4±0,35	
1830±5	1220±4	5±0,4	Ички қатlamлари: I, II, III навлар.
1525±5	1525±5	6; 7; 8; 9±0,45	

	1220±4	10; 12; 15; 18±0,7	
	725±4		
1220±4	1220±4		
	725±4		

*Оддий фанера* (ГОСТ 3916-69) бўйича ишлаб чиқарилади. Квадрат ёки куб метрларда ўлчанади (5.2-жадвал).

*Қопланган фанеранинг* (ГОСТ 11519-77) бир томони қимматбаҳо ёғочларнинг (эман, ёнгоқ ва нок) рандаланган шпони билан қопланган бўлади. Фанера бир томонлама ёки икки томонлама қопланган бўлиши мумкин. Шпон радиал, ярим радиал, тангенциал, тангенциал-кўндаланг текстурага эга бўлиши мумкин. Қопланган фанера юзлари жилвирланган ёки жилвирланмаган бўлиши мумкин (5.3-жадвал).

Қопланган фанера мебел, қурилиш панеллари, деворлар, тўсиқлар, қурилма мебель ишлаб чиқаришда, вагонлар ва каюталар ичини пардозлашда ишлатилади. Квадрат ёки куб метрларда ўлчанади.

### 5.3-жадвал

#### Қопланган фанеранинг ўлчамлари ва навлари

Узунлиги, мм	Эни, мм	Қалинлиги, мм	Шпон нави
1830±5	1220	4±0,3	
		5±0,4	
1525±5	1525±5	6±0,4	1–2
	1220±4	8±0,4	
	725±4	9±0,4	



а)

б)

5.5-расм. Оддий (а) ва рандаланган шпон билан қопланган (б) фанералар

*Декоратив фанеранинг (ГОСТ 14614-79) сирти декоратив қофозли плёнка билан қопланган бўлади. У бир ёки икки томони қопланган, қопламаси ялтироқ ва ярим хира бўлиши мумкин (5.4-жадвал).*

#### 5.4-жадвал

Декоратив фанеранинг турлари, қопламалари ва ўлчамлари

Фанера маркаси	Қоплама тури	Смола тури	Ўлчамлари
ДФ-1	Шаффоф (рангсиз ёки бўялган), табиий ёғоч текстурасини ёпмайди	карбамид-формалдегид	Узунлиги: 2440, 2135, 1830, 1525, 1220 ±4-5 мм;
ДФ-2	Шаффофмас, қимматбаҳо ёғоҳлар текстурасини имитацияловчи ёки бошқа расмли қофоз билан	карбамид-формалдегид	Эни: 1525, 1220, 725±4-5 мм;
ДФ-3	Шаффоф, сув таъсирига чидамлилиги юқори чидамли (рангсиз ёки бўялган), табиий ёғоч текстурасини ёпмайди	меламин-формалдегид	Қалинлиги: 3, 4, 5, 6, 8, 10, 12±0,4-0,9 мм.
ДФ-4	Шаффофмас, сув таъсирига чидамлилиги юқори, қимматбаҳо ёғоҳлар текстурасини имитацияловчи ёки бошқа расмли қофоз билан	меламин-формалдегид	

Декоратив фанерада оқ қайин, қандағоч, липа, тоғтерак, терак шпонлари ишлатилади. Юза қисмлари учун А навдаги шпон ишлатилади. Шаффоффас маркалар учун АВ навдаги шпон ишлатилади (5.6-расм).



5.6-расм. Декоратив фанера

Бир томони қопланган фанеранинг орқа қатлами учун ВВ навли шпон ишлатилади. Декоратив фанера 1-2 навларда чиқарилади. Декоратив фанера мебель ишлаб чиқаришда, вагон ва кемалар учун дурадгорлик панеллари, деворлар, шиплар сифатида ишлатилади. Квадрат метрларда ўлчанади.

*Бакелитланган фанера* (ГОСТ 11539-73) оқ қайнининг ўзаро перпендикулар йўналган шилинган шпонларидан елимлаб тайёрланади. Бу фанеранинг сув ва атмосфера таъсирига чидамлилиги ҳамда мустаҳкамлиги юқори бўлади (5.7-расм).



5.7-расм. Бакелитланган фанера

Юза қатламлар учун В, ички қатламалар учун ВВ навдаги шпон ишлатилади. Ташқи қатламлари спиртда эрувчи смола билан шимдирилади. ФБС, ФБС<sub>1</sub>, ФБВ, ФБС-А, ФБС<sub>1</sub>-А маркаларда чиқарилади.

Бакелитланган фанера машинасозлик, автомобилсозлик ва курилишда атмосфера шароитида фойдаланиладиган конструкцияларни ясаш учун ишлатилади. Ўлчамлари – узунлиги 5600 ва  $7700 \pm 40$  мм, эни 1200–1550±20 мм, қалинлиги 5, 7, 10, 12, 14, 16, 18 мм (-0,5...+2 мм). Квадрат ёки куб метрларда ўлчанади.

*Эгиб елимланган заготовкалар шпон ёки фанерадан эгиб ва елимлаб ясалади (5.8-расм).*

Эгиб-елимлаш усули билан стол-стулларнинг оёклари ва саргалари, суюнчиқлари, ўриндиқлари, ён суюнчиқлари, мебелнинг эгилган фасад деталлари, юмшоқ мебелларнинг пружиналари ҳам ясалади. Шунингдек, курилишда аркалар ва зиналарнинг конструкцион элементлари ҳам ясалади.

Елим сифатида карбамид-формалдегид смолалари ишлатилади. Шпонларнинг қалинлиги 0,75; 0,95; 1,15; 1,5 мм ва ундан ҳам катта бўлиши мумкин. Эгиб-елимланган заготовкалар буғли, электр контактли ва юқори частотали ток билан жиҳозланган пресс-қолипларда прессланади.



5.8-расм. Эгиб елимлаш усулида ясалган мебель деталлари

Ёғоч қириндили плиталар (ДСтП) (ГОСТ 10632-77) боғловчи модда билан аралаштирилган ёғоч қириндиларини иссиқ пресс slab олинади (5.9-расм). Ёғоч қириндили плиталар 3 хил маркада ишлаб чиқарилади: П-1, П-2, П-3 (5.5-жадвал).

5.5-жадвал

Ёғоч қириндили плиталарнинг хусусиятлари

Кўрсаткичлари	П-1	П-2	П-3
Узунлиги, мм	2440, 2750, 3500, 3660, 5500 ±5,0		
Эни, мм	1200, 1500, 1750, 1830, 2440 ±3,0		
Жилвирланган плиталарнинг қалинлиги, мм	h=10-25 ±0,2 мм Δh=1 мм	h=10-25 ±0,3 мм Δh=1 мм	h=16-22 ±0,3 мм Δh=1 мм
Жилвирланмаган плиталарнинг қалинлиги, мм	-	h=10-26 ±(0,5-0,6) мм Δh=2 мм	h=16-24 ±0,5 мм Δh=2 мм
Сув шимиши, %, қўпи билин	меъёр- ланмайди	15	15
Сув шимиб шишиши, %, қўпи билан	20	30	-
Плита юзасига нисбатан перпендикуляр чўзиш, МПа, камидা	0,343	0,295	0,392
Статик эгилишдаги мустаҳкамлик, МПа, (h=10-14 мм)	19,61	15,69	-
(h=15-19 мм)	17,65	14,71	24,51
(h>20 мм)	16,67	13,37	24,51
Қаттиклиги, МПа, камидা	меъёр- ланмайди	меъёрланмайди	29,4
Зичлиги, кг/м <sup>3</sup>	650–800	550–750	750–850
Ғадир-будурлиги, мкм, қўпи билан (ғадир-будурлик синфи) - жилвирланмаган плиталарники	-	320 (5)	320 (5)
- жилвирланган плиталарники	80 (7)	200 (6)	200 (6)

Мебелда ишлатилиши	мебель элементлари	мебель элементлари	-
Курилишда ишлатилиши	панеллар	панеллар, курилиш конструкциялари, вақтингчалик иншоотлар	пол, том, дөвр панеллари, антерсоллар, дераза токчалари конструкцияларининг элементлари
Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида	асбобсозликда ғолофлар, панеллар	асбоблар, машиналарнинг корпуслари, тара, контейнер, стеллажлар	автофургонлар кузови деталлари, вагонларнинг деворлари
Қоплаш ва пардозлаш тури	термореактив ва термопластик полимерлар асосидаги плёнкалар, лок-бўёқ материаллар	шпон, декоратив қоғоз-қатламли пластик, локлар	шпон, декоратив қоғоз-қатламли пластик, локлар, линениум



5.9-расм. Қопланмаган ва қопланган ёғоч қириндили плиталар

*Ориентирланган қириндили плиталар (OSB, ОСП) – ёғоч қириндили плиталарниг янги тури бўлиб, ёғоч пайрахалари маълум йўналишда жойлашган бўлади, пайрахалар сувга чидамли елим билан елимланади. Елим сарфи ДСтП га нисбатан кам бўлади. Пайрахаларнинг қалинлиги 0,6 мм, узунлиги 140 мм гача боради. Ташқи қатламдаги пайрахалар плитанинг узунлиги бўйлаб йўналтирилади, ички қатламдаги пайрахалар эса перпендикулар йўналтирилган бўлади (5.10-расм).*



5.10-расм. Ориентирланган қириндили плиталар

OSB, асосан, қурилиш, транспорт, тара ва мебель буюмлари ишлаб чиқаришда қўлланилади. Қурилишда том ёпиш, ташқи ва ички деворларни қоплаш, хомаки ва мозаик поллар ётқизиш, том ёпмаларининг конструктив элементлари сифатида, зина қуриш, вақтинчалик қурилиш иншоотлари сифатида, ташиш учун яшиклар ясаш, стеллажлар қуриш, кема ва вагонлар каюта ва купелар қуришда, автомобилларнинг конструкциялари, юк машиналарининг кузовлари ва прицеплари сифатида ишлатилади. Мебель ишлаб чиқаришда эса юмшоқ мебелнинг конструктив деталлари, мебель полкалари, стол қопқоқлари, реклама шитлари сифатида ишлатилади.

OSB, асосан, 4 турда ишлаб чиқарилади: OSB-1, OSB-2 сув тасирига чидамсиз, OSB-3, OSB-4 эса чидамли бўлади; OSB-1 нинг мустаҳкамлиги кам, OSB-2 ва OSB-3ники юқори, OSB-4ники эса жуда юқори бўлади.

OSB ни бошқа ёғоч материаллар билан таққослаш учун қуюдаги тахминий кўрсаткичларни келтириш мумкин (5.6-жадвал).

#### 5.6-жадвал

##### Ёғоч плиталарнинг солишишима кўрсаткичларини баҳолаш


Кўрсаткичлар	Баҳолаш баллари					
	OSB	Япроқли ёғоч фанераси	Нина баргли ёғоч фанераси	Арралан ган материяллар	МДФ	ДСтП
Эгилишдаги мустаҳкамлик	4	4	4	4	2	1
Қайишқоқлик модули	4	4	4	4	1	1
Очиқ атмосфера шароитида фойдаланиш	3	3	3	3	1	1
Ўлчамларининг турғунлиги	3	3	3	3	2	1

Оғирлиги (зичлиги)	3	3	2	3	2	3
Михни ушлали	4	4	3	4	2	4
Ишлов бериш осонлиги	5	4	3	5	3	4
Нұқсонализлиги	5	3	3	2	5	5
Қопланиши	3	3	3	2	5	2
Бүялиши	2	2	3	2	5	4
<b>Жами баллар</b>	<b>36</b>	<b>33</b>	<b>31</b>	<b>32</b>	<b>28</b>	<b>26</b>

OSB нинг физик-механик хусусиятлари ДСТП никидан деярли 2,5 баробар юқори. 24 соат ичида сув шимиб шишиши 17–25% ни ташкил этади.

*Ёғоч толали плиталар* (ДВП) (ГОСТ 4598-86) махсус қўшимчалар қўшиб ёғоч ёки ўсимлик толаларидан олинади. Асосий хомашё сифатида турли чиқиндилардан (ёғоч бўлаклари, горбил ва рейкалар, қириндилари, бутоқлар, шохалар) олинган ёғоч пайраҳалари ишлатилади (5.11-расм).

ДВП нинг қаттиқ ва юмшоқ турлари бор. Қаттиқ ДВП нинг юзаси қопланмаган (Т), майда ёғоч заррачалари билан қопланган (Т-С), бўялган (Т-П), майда ёғоч заррачалари билан қопланиб бўялган (Т-СП), ўта қаттиқ қопланмаган (СТ), ўта қаттиқ майда ёғоч заррачалари билан қопланган (СТ-С). Қаттиқ ДВП физик-механик хусусиятларига кўра А ва Б гурухларга бўлинади. Юмшоқ плиталар зичлигига кўра М-1, М-2 ва М-3 маркалари билан ишлаб чиқарилади.



5.11-расм. Ёғоч толалали плиталар

Юмшоқ плиталар, ғовакли бўлиб, кам иссиқлик ва товуш ўтказади. Улар қурилишда, иссиқликдан ҳимояловчи материал сифатида деворлар, шифтлар ва уйнинг ички қисмини қоплашда ишлатилади. Қаттиқ плиталар эшиклар қопламаси, қурилма шкаф деталлари, корпусли мебелларнинг орқа деворлари, яшикларнинг таги, эгилган деталлари сифатида ишлатилади. Мебелда, пол ва уй ичини қоплашда, девор панелларида,

вагонлар, автобуслар, автомобиллар ичини қоплашда қаттиқ ва бўялган ДВП ишлатилади (5.7-жадвал).

ДВП плиталари метр квадратларда ўлчанади.

5.7-жадвал

ДВП нинг физик-механик хусусиятлари ва ўлчамлари

Кўрсаткичлар номи	СТ, СТ-С	Т. Т-П, Т-С, Т- СП		М-1	М-2	М- 3
		А гурухи	Б гурухи			
	марказдаги плиталар учун меъёrlар					
Зичлик, кг/м <sup>3</sup>	950- 1100	850- 1000	800-950	300- 400	200- 300	100 - 200
Эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа	50	40	35	2	1,2	0,5
24 соат ичида қалинлик бўйича бўкиш, %	13	20	23	меъёrlанмайди		
Намлик, %	3-7	5-10	5-10	меъёrlанмайди		
24 соат ичида сув шимиш, %	6	9	11	меъёrlанмайди		
Узунлиги, мм	(3660; 3355; 3050; 2745; 2440; 2140)±3			(3000; 2700; 2500; 1800; 1600; 1220)±5		
Эни, мм	(2140; 1830; 1525)±3			1220±5		
Қалинлиги, мм	(2,5; 3,2; 4,0; 5,0) ±0,3			(8; 12; 16) ±1		

Ўртacha зичликдаги ёғоч толали плиталар (MDF – Medium Density Fiberboard) янги пайдо бўлган материал бўлиб, ДВП нинг қуруқ усулда олинадиган тури ҳисобланади. У 700–870 кг/м<sup>3</sup> зичликка эга бўлиб, мебель плиталари сифатида қўлланилади ва ҳозирги кунда ДСтП ни сиқиб чиқармоқда.



5.12-расм. МDF асосидаги мебель деталлари

MDF плиталари мустаҳкам, монолит тузилишга эга бўлганлиги учун унга гул ўйич мумкин, у намлик ва замбуруғлар таъсирига чидамли, ҳатто эгилган мебель фасадларини ҳам ясаш мумкин. MDF қопланмаган ҳолда ҳамда табиий ва синтетик шпон, қофозли ва ПВХ плёнкалари билан қопланган ҳолда ишлаб чиқарилади.

*Ёгочли пресс-массалар* (МДП – массы древесные прессовочные) (ГОСТ 11368-89) мебель буюмларида столлар, шкафлар, табуреткаларнинг оёқлари, декоратив элементлар, идишлар, дераза фрамугалари каби деталлар кўринишида ишлатилади. Улар 6–15% карбамид-формалдегид смоласи билан аралаштирилган ёғоч заррачаларидан қуруқ усулда, қолипларда иссиқ прессслаб олинади (5.13-расм).



5.13-расм. МДП асосидаги мебель деталлари

Пресслаш жараёнида деталларнинг сирти декоратив қиринди, юпқа полимер плёнкалар, текстурали ёғоч, рандаланганди шпон билан қопланиши

мумкин. Деталлар ўта мустаҳкам бўлиб, зичлиги  $1000\text{--}1100 \text{ кг}/\text{м}^3$ , эгилишдаги мустаҳкамлиги  $40 \text{ МПа}$ , зарбий қовушқоқлиги  $10 \text{ кЖ}/\text{м}^2$ , 24 соат ичида сув шимиш 15% ни ташкил этади.

### 3. Ёғоч композитларда инобатга олинадиган омиллар

Энг йирик ёғоч маҳсулотлари бозори бу – фанера, ориентирланган қириндили плиталар (OSB), ёғоч толали (MDF) ва ёғоч қириндили плиталар ишлаб чиқаришдир. Фанерадан ташқари барча плиталарда елимлар ёғоч заррачалари билан яхлит ёғоч-елим матрицасини ҳосил қиласди. Плиталарнинг мустаҳкамлиги берилаётган қучнинг елим ва ёғоч фазаларига текис тақсимланишига боғлиқ. Композицияларда (ёғоч толали ёки қириндили плиталарда) елим ва ёғоч (толалар ёки қириндилар) ўртасида адгезия кучлари пайдо бўлади; кейин улар юқори температура остида прессланади ва тайёр маҳсулот олинади. Бундай жараёнда ишлатиладиган елим хона температураси остида қотиб қолмасдан, юқори температура таъсирида прессланганда қотиши зарур.

Ёғоч-елим аралашмаларида ва елимланган ёғоч буюмларидан фойдаланишда қуйидаги омилларга эътиборни қаратиш зарур (5.8-жадвал).

5.8-жадвал

#### Елимланган ёғочда инобатга олинадиган омиллар

Елим учун	Ёғоч учун	Жараён учун	Фойдаланишда
Елим тури	Ёғоч тури	Елим микдори	Мустаҳкамлик
Қовушқоқлиги	Зичлиги	Елимнинг тақсимланиши	Силжиш модули
Молекуляр массанинг тақсимланиши	Намлик микдори	Намлик микдори	Намлик таъсиридаги деформация
Реагентлар нисбати	Юза тури: радиаль, тангенциаль, кўндаланг, аралаш	Температураси	Киришиш
Қотиш тезлиги	Ядро ёки етилган ёғоч	Яшовчанлиги	Нави
Қуруқ колдиги	Ёш ёки кекса дарахт	Умумий ушлаш вақти	Нуқсон тури
Катализатор	Эрта ёки кеч	Пресслаш	Қуруқ ёки нам

	етилган ёғоч		эканлиги
Аралаштириш	Реактив ёғоч	Елим билан хўлланиши, елим шимиши	Эластиклиқ модули
Ёпишқоқлиги	Толалар қиялиги	Газ ўтказувчанлик	Температураси
Тўлдиргич	Фоваклилик	Пресслаш вақти	Гидролизга чиdamлилиги
Эритувчилар	Юза нотекислиги	Дастлабки ишлов бериш	Иссикликка чиdamлилиги
Ишлатилиш муддати	Куришдан ёрилиш	Кейинги ишлов бериш	Биологик чиdamлилиги
Водород кўрсаткичи	Ишлов бериш нуқсонлари	Асоснинг температураси	Пардозлаш
Ҳимояланганлиги	Ифлослан- ганлик, ташқи қўшимчалар		Нурланишларга чиdamлилиги
	Экстрактив моддалар		
	Водород кўрсаткичи		
	Ҳимояланиш хусусияти		

Елимланган ёғоч материалларда боғловчи миқдори 8-20% эканлигини ҳисобга оладиган бўлсақ, унинг нархини билиш жуда муҳим. Бундан ташқари, ёғоч юзалари жипс ёпишганлиги сабабли уларнинг оралиғига жуда кам елим сарфланади, бироқ ёғочнинг елимни шимиши катта муаммоларни келтириб чиқаради. Бошқа томондан қараганда, фанерада шпон юзалари жуда жипс ёпишмаса ҳам уларнинг фақат юза қатламларидагина елим бўлиши талаб этилади.

## Назорат саволлари

1. Ёғоч композит материал сифатида қандай компонентлардан ташкил топган?
2. Шпон қандай композитлар учун хом ашё ҳисобланади?
3. Пайраҳа, қиринди, ёғоч заррачалари, қипик, ёғоч толалари ва ёғоч уни асосида қандай композитлар мавжуд?
4. Дурадгорлик плиталарининг анъанавий ва замонавий турларини айтиб беринг.

5. Фанера турларини санаб беринг ва уларни ўзаро қиёсланг.
6. Эгиб елимланган заготовкалар қандай хом ашё асосида олинади?
7. Ёғоч-қириндили плиталар ва ориентирланган қириндили плиталарни ўзаро қиёсланг,
8. Ёғоч толали плиталарнинг турларини санаб беринг ва уларни ўзаро қиёсланг.
9. МДП бошқа композитлардан қандай фарқланади?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Rowell M.R. Handbook of wood chemistry and wood composites. Second edition. "CRC-Press". USA. 2013. 473 p.
2. Xabibullayev R.A., Ilhomov G'.U., Xabibullayev Sh.A. Yog'och buyumlar texnologiyasi. Darslik. O'z.R OO'MTV/ T.: Cho'lpon nomidagi NMIU, 2014. 256 b.

### **Амалий қисм**

Режа:

1. Ёғоч композитларининг турларини ўрганиш.
2. Ёғоч композитларининг хом ашёларини ўрганиш.
3. Елимланган ёғочда елимга ва ёғочга қўйиладиган талабларни, ёғочни елимлаш жараёнида ва елимланган ёғочдан фойдаланишда инобатга олинадиган омилларни ўрганиш.

### **Топшириқлар**

1. Фанера қандай материал, ундаги адгезия кучларини изоҳлаб беринг.
2. МДФ плитаси қандай материал, унда бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.
3. ДСП қандай материал, унда бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.
4. ДСтП плитаси қандай материал, унда бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.
5. ОСП плитаси қандай материал, унда бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.

6. ДВП плитаси қандай материал, унда бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.
7. МДП қандай материал, унда бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.
8. Эгиб елимланган заготовкалар қандай материал, уларда бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.

## **5. Битириув иши учун мавзулар**

1. Эпихлоргидрин ҳосилалари олиш усуллари ва технологияларини ўрганиш.
2. Соф хлорбензол олиш усуллар ва технологиялари.
3. Вицинал дигалогенли ҳосилалар асосидаги синтезларни ўрганиш ва винилхлорид ишлаб чиқариш технологияси.
4. Пергологенидлар олишнинг назарий асослари, хлорли эритувчилар ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари.
5. Ароматик углеводородларни галогенлашнинг янги технологиялари.
6. "Ишлаб чиқари корхоналарини лойиҳалаш асослари" фанидан "Ишлаб чиқариш қуввати ҳисоби" бобининг электрон ўқув модулини ишлаб чиқиши
7. "Ишлаб чиқари корхоналарини лойиҳалаш асослари" фанидан "Лойиҳалашда бизнес план тузиш асослари" бобининг электрон ўқув модулини ишлаб чиқиши
8. "Ишлаб чиқари корхоналарини лойиҳалаш асослари" фанидан "Ишлаб чиқариш биноларининг асосий элементлари" бобининг электрон ўқув модулини ишлаб чиқиши
9. "Полимерларни қайта ишлаш технологияси" фанидан "Полимер материаллардан буюм олиш технологияси" бобининг электрон ўқув модулини ишлаб чиқиши
10. "Полимерларни қайта ишлаш технологияси" фанидан "Полимерларнинг технологик хоссалари" бобининг электрон ўқув модулини ишлаб чиқиши
11. "Полимерларни қайта ишлаш технологияси" фанидан "Лок-бўёқ материаллар технологияси" бобининг электрон ўқув модулини ишлаб чиқиши

12. "Пластмассалардан буюм олишнинг замонавий усуллари" фанидан "Термопластик полимерлар асосида пластмасса буюмлар олиш усуллари" бобининг электрон ўқув модулини ишлаб чиқиш
13. "Пластмассалардан буюм олишнинг замонавий усуллари" фанидан "Полимер чиқиндиларини қайта ишлашнинг анъанавий ва замоанвий усуллари" бобининг электрон ўқув модулини ишлаб чиқиш
14. "Пластмассалардан буюм олишнинг замонавий усуллари" фанидан "Термореактив полимерлар асосида пластмасса буюмлар олиш усуллари" бобининг электрон ўқув модулини ишлаб чиқиш
15. "Юқори молекулали бирикмаларни ишлаб чиқариш жараёнида структура ва хоссаларини ростлаш" фанидан "Полистирол олишнинг технологик усуллари" бобининг электрон ўқув модулини ишлаб чиқиш
16. "Юқори молекулали бирикмаларни ишлаб чиқариш жараёнида структура ва хоссаларини ростлаш" фанидан "Винилпласт ва пластикат ишлаб чиқаришда структура ва хоссаларни ростлаш" бобининг электрон ўқув модулини ишлаб чиқиш
17. "Юқори молекулали бирикмаларни ишлаб чиқариш жараёнида структура ва хоссаларини ростлаш" фанидан "Резол олигомерларининг структура ва хоссаларини ростлаш усуллари" бобининг электрон ўқув модулини ишлаб чиқиш.
18. Бир йиллик ўсимликлардан целлюлоза олиш технологиясини яратиш
19. Фўзапоядан целлюлоза олиш
20. Циклон момифидан целлюлоза олиш тапинамбур поясидан целлюлоза олиш технологиясини яратиш
21. Саноат корхоналарини чиқиндиларидан целлюлоза ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган оқова сувларни тозалаш

22. Базальти тола чиқиндилари асосида композицион қофоз ишлаб чиқариш ва хоссаларини ўрганиш
23. Нефт ва газ қазиб олишда ишлатиладиган термадиструкцияга чидамли бурғулаш реагенти Na-KМЦ олиш технологиясини яратиш
24. "Елимланган материал ва плиталар технологияси" фанидан "Термопластик полимер матрицали ёғоч-полимер композитлари" мавзусининг видео маъruzасини яратиш.
25. "Елимланган материал ва плиталар технологияси" фанидан "Ёғочли пресс-массалар ишлаб чиқариш технологияси" мавзусининг видео маъruzасини яратиш.
26. "Елимланган материал ва плиталар технологияси" фанидан "МДФ плиталари ишлаб чиқариш" мавзусининг видео маъruzасини яратиш.
27. "Ёғочли композицион материаллар" фанидан "Бакелитланган фанера олиш технологияси" мавзусининг видео маъruzасини яратиш
28. "Ёғочли композицион материаллар" фанидан "Ёғоч қириндили плиталар технологияси" мавзусининг видео маъruzасини яратиш
29. "Ёғочли композицион материаллар" фанидан "Ёғоч толали плиталар ишлаб чиқариш" мавзусининг видео маъruzасини яратиш
30. "Ёғочли композицион материаллар" фанидан "Ёғоч қатламли пластиклар ишлаб чиқариш" мавзусининг видео маъruzасини яратиш

## 6. Кейслар банки

1-кейс

Биомассадан олинган ёқилғи брикетида күл миқдори меъёрдан юқори эканлиги аниқланды. Күл миқдорини камайтириш йўлларини изланг.


### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг, зарур билимлар рўйхатини тузинг (индицидуал ва кичик гуруҳда).
- Күл миқдорини камайтириш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликда ишлаш).
- Кўйдирилган биомассадан кулни йўқотиш йўлларини изланг.
- Бажарилган ишларни тақдимот қилинг.

2-кейс

Турли биомассалар намуналари, кўмир, кўйдирилган биомассалар, брикетлар тўпламини баҳолаш жараёнида уларнинг таркибида қанча углерод, қанча водород, қанча кислород борлигини аниқлаш масаласи кўндаланг кўйилди. Муаммони қандай ҳал қилиш мумкин.

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:



### **3-кейс. Ўзбекистонда полиолефин композицияларини ишлаб чиқариш шароитлари**

Тошкент шаҳрида жолашган “Сепла” ҚҚ полипропилен ва полиэтилен композицияларини ишлаб чиқараи. Корхонада асосий хом ашё сифатида полиэтилен, сомономер, пропилен, талқ, полиамид, калций карбонат, ровингларан фойдаланади. Автомобил деталларини мақадли механик хоссаларини яхшилаш учун ушбу ингредиентлардан фойдаланилади.

Маълумки полиэтилен композициялар ўзида антиоксиантлар, пигментлар, стабилизатор ва бошқа турдаги ингредиентлар қўшилиши ҳисобига олинади. Ушбу композициялар икки шнекли экструдер ёки қиздирувчи смесителларда амалга оширилади. Хосил бўлган полиэтилен композицияларнинг механик хусусиятлари 10-20% га ошишига олиб келади. Ундан ташари полиэтилен композицияларини олиш, полиолефинларнинг қўллаш соҳалари кенгайишига олиб келади. Ундан ташқари охирги вақтларда комполибитазор термини киритилиб ушбу тураги моддалар икки хил турдаги полимер композицияларини яхши оришиш имкониятини беради.

#### **ТОПШИРИҚ:**

- 1) Сизнинг фикрингиз бўйича, полиэтиленни чўзилишга бўлган мустахкамлигини ошириш мақсада қандай ингредиентлар мақсада мувофиқ? Афзал ва камчиликлари.
- 2) Автомобил буюмларини олишда қандай талабларга жавоб берадиган композицияларни ишлатиш авзал. Жавобларни мисоллар билан келтиринг.
- 3) Сизни фикрингизча композибиляторласиз полиэтилен ва полиэтилентерефталат полимерлариан гомоген композиция олиш мумкинми? Афзал ва амчиликларини келтиринг.
- 4) Полипропилен ва полиэтилентерефталат композицияларни олиш мумкин-ми? Олинган махсулотнинг ҳоссаларини келтиринг.

#### **4-кейс. Ўзбекистонда полиолефинлар ишлаб чиқариш турларининг хоссаларига таъсири**

Хозирги кунда замонавий инновацион технологияларнинг яратилиши полимерлар ишлаб чиқариш технологиясининг босқичмабосқич ривожланиши махсули хисобланади. Ушбу фикрни хозирги кунда ишлаб чиқарилаётган барча полимерларни (230-240 миллион тонна йилига) сал кам ярмини ташкил этадиган полиэтилен мисолида тушунтиришга харакат қиласиз.

Саноатда юқори молекулали полиэтилен олиш 1937 йилда Англияда этиленни юқори босимда полимерлаш усули билан амалга оширилган. Полимерланиш 180-200°C да 50 МПа босим остида олиб борилган.

1952 йилда Циглер ва Натта томонидан кашф қилинган катализаторлар юқори молекула массали қаттиқ полиэтиленни, оддий атмосфера босими ёки кичик босим остида олиш имконини берди. Бу катализаторлар иштирокида олинган этилен тўлалигича полимерга ўтиши аниқланди. Саноатда учтиналюминийни тўртхлорли титан билан комплекси, бу турдаги катализаторларни кўплаб ишлатиладигани хисобланади.

1980 йиллардан бошлаб полиэтилен кенг миқёсда «Skleartech» технологияси деб номланган янги технология асосида ишлаб чиқарила бошланди.

«Skleartech» («Sclairtech») технологияси Канадада Дю-Пон компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу технология биринчи маротаба Сарния шаҳрида ишга туширилган. «Skleartech» технологиясида полимерланиш жараёни реакторлар системасида циклогексан эритувчиси муҳитида 17Мпа босимда, 300° С хароратда ва Циглер-Натта комплекс катализаторлари иштирокида амалга оширилади. Бу технологиянинг ўзига хослиги шундаки, ушбу технология бўйича синтез қилинган полиэтилен ҳар ҳил зичликка ва структурага эга бўлади. Шунинг натижасида бу

технология бўйича чизиқсимон паст зичликли (LLDPE), чизиқсимон ўрта зичликли (MDPE), ва чизиқсимон юқори зичликли полиэтилен (HDPE) турларини ишлаб чиқариш мумкин. Янги технологияда полимерланиш реакцияси катта тезликда борганлиги сабабли, реакторларнинг ҳажми унча катта бўлиши шарт эмас, чунки мономерни полимерга айланиши учун бир неча дақиқа етарли.

Маърузада юқорида келтирилган усулларнинг ишлаб чиқариш технологиялари билан танишдик.

Шуни такилаш лозимки, склэртек технология анъанавий технологиядан бутунлай фарқ қилиб, технологик линия, жихоз ва рецикл жараёни билан ажралиб туради.

#### **ТОПШИРИҚ:**

- 1) Сизнинг фикрингиз бўйича, Ўзбекистонда склэртек технологиясини йўлга қўйиш сабабларини келтиринг.
- 2) Анъанавий ва замонавий технология ва жараёнларини нг ўхшаш ва фарқини таққосланг. Жавобларни график кўринишида тақдим этинг.
- 3) Олинган полиэтилен хоссаларини солиштиринг. Афзал ва камчиликларини келтиринг.

**Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва  
кўрсаткичлари(аудиториядан ташқарида ва аудиторияда бажарилган  
иш учун)**

Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлар ва  
кўрсаткичлари

Талабалар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб олиниб тадқиқот обьекти аниқланган мак. 1б	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари аниқ кўрсатилган мак. 2б	Вазиятдан чиқиб кетиши харакатлари аниқ кўрсатилган мак. 2б	Жами мак. 5б

**3-жадвал Аудиторяда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва  
кўрсаткичлари**

Гурухлар рўйхати	Гурух фаоллиги мак. 2б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди мак.1б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди мак.2б	Жами мак.5б

## 7. Глоссарий

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Definition in English
Хлорорганик бирикмалар	Органик модда таркибида хлор атоми ёки атомларини сақловчи бирикмалар	Organic substances containing chlorine atom or atoms of the protective compounds
Радикал занжирли хлорлаш реакциялари	Парафин, олефин ва ароматик углеводородлардаги водород атоми ҳисобига ўрин алмашнадиган ҳамда галогенларни $C = C$ ва $C_{Ar} - C_{Ar}$ боғларга бирикиши амалга ошувчи реакциялар	Reactions carried out at the expense of accession of halogens to the $C = C$ and $C_{Ar} - C_{Ar}$ , as well as due to the replacement of a hydrogen atom in paraffins, olefins and aromatic hydrocarbons
Инициатор	Реакцион мухитга жараённи бошлаб бериш ёки уни тезлаштириш учун киритилиб, сўнги маҳсулот таркибидан ажратиб олингмайдиган модда	The substance is not deducible from the final product, the substance is introduced to start the reaction medium or process to speed up the process
Катализатор	Органикреакцияните злаштиришда иштирокетиб, реакциясўнгидаги ўз дастлабки ҳолатини тикловчи модда	The substance that restores to its original state at the end of the reaction, as well as participating in the acceleration of organic reactions
Галогенлаш	Органик модда молекуласига галоген атоми ёки атомларини киритиш	Introduction into the molecule of organic matter atom or halogen atoms
Совол	Таркибида 4 – 5 хлор атомлари сақлаган, полимерлар пластификатори сифатида фойдаланиладиган бифенил молекуласи	Biphenyl molecule which contains 4 – 5 chlorine atoms and is used as a plasticizer of polymers
Бирлаштирилган жараёнлар	Турли жараёнлар, қурилма, хом-ашёлардан бир хил маҳсулот олиш ва ишлаб чиқаришни умумий	Merging into the overall production technology and getting the same product from different

	технологияга бирлаштириш	raw materials, plants and processes
Үрин алмашиниш реакцияси	Углеводород молекуласидаги водород атоми ёки атомлар гурухи галоген билан үрин алмашиниш реакцияси	The displacement reaction in the molecule hydrogen atoms or hydrocarbon groups with halogen atoms
Бириктириб олиш реакциялари	Түйинмаган углеводород молекуласидаги қўшбоғ (ёки қўшбоғлар) учбоғ (ёки учбоғлар) бўйича галоген атоми ёки атомларининг бирикиши билан борадиган реакциялар	Reactions carried out at the expense of joining a halogen in the unsaturated hydrocarbons to the double (or twin), triple (or triple) bonds
Винилхлорид	Систематик хлорэтен, радикал-Функционал монохлорэтилен деб номланувчи, рангиз газсимон, эфир хидига эга, эмпирик формуласи $C_2H_3Cl$ , молекуляр массаси 62,63 бўлган муҳим мономерлардан ҳисобланиб, турли полимер материаллар олиш учун ишлатилади	Systematic name chloroethyl. Radical – functional name monohloretan. A colorless gas, has the smell of ether. Empirical formula $C_2H_3Cl$ . The molecular weight of 62,63. It is an important monomer. It used to produce different polymer materials
Пиролиз	Грекча сўз бўлиб, “пур” – олов ва “лизис” – парчаланиш деган маъносилда келади, органик бирикмаларни юқори хароратлар-да парчаниши натижасида кичик молекула массасига эга бўлган маҳсулотлар ўтказиш учун қўлланилади	In Greek, "Pur" – fire and "lysis" – splitting. It is used to obtain products with a smaller molecular weight, which are formed by cleavage of organic compounds at high temperature
Аллилхлорид	45.0°C да қайнайдиган, суюқ, турли молекулалар таркибига аллил гуруҳини киритиш учун қўлланиладиган ҳамда эпихлоргидрин олиш учун зарурий хом ашё ҳисобланувчи модда	Compound which is liquid, boils in 45°C temperature, is used to introduction allyl group into molecules, and main raw material in epichlorohydrin production
Хлоропрен	59.4°C қайнайдиган, суюқ, саноатда винилацетиленни	Compound which is liquid, boils in 59,4°C

	суюқ фазада 40–60°C $\text{Cu}_2\text{Cl}_2$ катализатори иштирокида гидрохлоролаш орқали ишлаб чиқарилувчи, мойбардошлиги билан фарқланувчи сунъий каучук олишда муҳим мономер ҳисобланган модда	temperature, produced with hydrochlorination with participation of $\text{Cu}_2\text{Cl}_2$ catalyst in 40 – 60°C, important monomer in production synthetic resin with oil resistance
Хлорбензол	Таркиб формуласи $\text{C}_6\text{H}_5\text{Cl}$ бўлган, 132°C қайнайдиган, суюқ, бензолни тўғридан-тўғри хлорлаш орқали ишлаб чиқарилувчи, эритувчи сифатида қўлланила-диган, нитробензол, хлоранилин, нитрофенол олишда асосий хом ашё ҳисобланувчи модда	Compound which molecular formula is $\text{C}_6\text{H}_5\text{Cl}$ , liquid, boils in 132,4°C temperature, produced with direct chlorination of benzene, used as a solvent important material in production of nitrobenzene, chloroaniline, nitrophenol
Трубасимон реактор	Юқори босим остида полиэтилен учун мўлжалланган бўлиб, труба ичидаги труба шаклидаги трубалар тўпламидан иборатdir. Ички ва ташқи трубаларнинг диаметри ва қалинлиги босимга боғлиқ. Трубасимон реакторнинг умумий узунлиги 1000 м бўлади	Designed for high-pressure polyethylene tube in the tube-shaped set of pipes. Depends on the thickness of the inner and the outer diameter of the pipe and pressure. Tube reactor with a total length of 1000 m.
SKLEARTEC Н технологияси бўйича полиэтилен ишлаб чиқариш бўлимлари	Биринчи бўлим полимерни синтез қилиш бўлими бўлиб, бу бўлимда хом-ашё тайёрланади, мономер циклогександа эритилади ва полимерланиш ўтказилади. Сўнгра полимерни катализаторлардан тозалаб, ажратиб олинади. Иккинчи бўлим (рецикл бўлими) эритмани қайта тиклаш бўлими бўлиб, ушбу бўлимда реакцияга киришмаган хом-ашё ва материалларни қайта ажратиб тозаланади, уларни тоза холда яна полимерланиш жараёнига қайтарилади. Учинчи бўлимда полимерни экструзиялаш,	The first synthesis of the polymer in this section of raw materials, polymers dissolved in the monomer cyclohexane. Clear catalyst for the polymer, and then separated. The second part (retsikl) solution in this section to restore the reactive raw materials extraction to clean, clean them with the polymer to be returned to the process. The third section of polymers into extrusion granules, pellets cleaning, drying,

	гранулага айлантириш, гранулаларни тозалаш, куритиши, аралаштириш ва қадоқлаш амалга оширилади	blending and packaging is carried out
Юқори босимда полиэтилен олиш	Этиленни юқори босимда (150-350 МПа) инициаторлар иштирокида (кислород, органик пероксидлар) конденсирланган газ фазасида 200-300°C да полимерланади. Олинган полиэтилен 916-930 кг/м <sup>3</sup> зичликка эга бўлади. Бундай полиэтилен юқори босимли полиэтилен (ЮБПЭ) ёки паст зичлики полиэтилен (ПЗПЭ) деб аталади	Ethylene high pressure (150-350 MPa) with the participation of Syntez (oxygen, organic peroxides) condensation gas phase 200-300°C by polymerization. PE 916-930 kg /m <sup>3</sup> density. Such polyethylene, high density polyethylene (HDPE) or low density polyethylene (LDPE) is called
Паст босимда полиэтилен олиш	Этиленни паст босимда (0.2-0.5 МПа), 80°C да органик эритувчилар мухитида, металлорганик катализаторлар иштирокида полимерланади. Олинган полиэтилен 959-960 кг/м <sup>3</sup> зичликка эга бўлади. Хромо-рганик катализаторлар иштирокида этиленнинг полимерланиши 2.2 МПа босим, 90-105°C ҳароратда эритувчиларсиз газ фазасида ўтказилади. Бундай полиэтилен 950-966 кг/м <sup>3</sup> зичликка эга бўлади. Бу усулларда олинган полиэтилен паст босимли полиэтилен (ПБПЭ) ёки юқори зичлики полиэтилен (ЮЗПЭ) деб аталади	Ethylene at low pressure (0.2-0.5 MPa), at 80°C organic solution environment, the presence of a catalyst organometallic polymerization. PE 959-960 kg /m <sup>3</sup> density. The presence of a catalyst hromoorganik polymerization ethylene pressure of 2.2 MPa at a temperature of 90-105°C with out solution gas phase going to. Such polyethylene 950-966 kg / m <sup>3</sup> density. This method polyethylene, low density polyethylene (LDPE) or high-density polyethylene (HDPE) is referred to as
Ўртacha босимда полиэтилен олиш	Этиленни ўртача босимда (3-7 МПа), 150°C да эритувчиларда, ўзгарувчан валентли металларнинг оксидлари иштирокида полимерланади. Олинган полиэтилен 960-970	Ethylene, the average pressure (3-7 MPa), 150°C solvents, variable valence metal oxides polymerization participation. PE 960-970

	кг/м <sup>3</sup> зичликка эга бўлади. Бундай полиэтилен, ўртacha босимли полиэтилен (ЎБПЭ) деб аталади	kg /m <sup>3</sup> density. This poethylene , medium density polyethylene (MDPE) is called
Резина аралашма	таркибида каучук ва бошқа ингредиентлардан ташкил топган кўп компонентли, бир жинсли система.	rubber compound - composed of rubber and other ingredients the current lot of component, system.
Вулканизация	резина аралашмани вулканизацион тўр ҳосил бўлиш ҳисобига резинага айланиш технологик жараёни.	The process of linking rubber molecules together by chemical cross links. Vulcanisation is generally carried out by chemical reaction of sulphur, giving rise to mono or poly sulphide cross links.
Технологик тизим (Technology)	Керакли хом-ашъёларга ишлов бериш йўли билан маълум хосса ва хусусиятларга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг узвий боғланган жараёнлари мажмуаси.	Is the collection of techniques, skills, methods and processes used in the production of goods or services or in the accomplishment of objectives, such as scientific investigation.
Маточли резина аралашма	каучукни бир ёки икки ингредиент билан, кейинчалик турли хоссага эга бўлган резина ҳосил қилиш учун керакли резина аралашмаси.	Rubber obtained from uncultivated trees, as distinguished from cultivated plantations.
Қоришма аралашмаси (Masonry mortar )	Боғловчи модда, майда тўлдирғичнинг қотмаган аралашмаси.	A mixture of binder, fine aggregate .
Эластомер	юқори эластик ҳолатдаги полимерлар ва улар асосидаги материаллар.	A macromolecular material, which at room temperature, is capable of recovering substantially in shape and size after removal of a deforming force.
Каучук	резина асосини ташкил этувчи, юқори эластик синтетик ва табиий боғловчи материал.	French name for natural rubber.

Массани саралаш (separation of pulp)	Массани (толаларга) ажратиш Дастрлабки, бирламчи саралаш Нозик (қайта) саралаш	Separation of pulp coarse separation fine-separation
Целлюлозани қуритиш (drying cellulose)	Целлюлозани аэрофонтан усулда қуритиш Целлюлозани хаво билан қуритиш Целлюлозани камера усулида қуритиш Целлюлозани контакт усулида қуритиш	Aerofountain drying of cellulose air-drying of cellulose chamber drying of cellulose contact drying of cellulose
Ёғоч масса олиш(obtaining woodpulp)	Ёғочни (ғұлани) толали массага айлантириш Совуқ ҳолатда фибриллаларга ажратиш Оқартирилган ёғоч масса (бүтқа)	Woodpulp grinding cold grinding bleached woodpulp
Ёғоч масса (woodpulp)	Тозаланадиган ёғоч масса Термомеханик ёғоч масса Оқартирилган ёғоч масса (бүтқа) Кимёвий термомеханик ёғоч масса	Refiner woodpulp thermomechanical woodpulp bleached woodpulp chemicothermal woodpulp
Целлюлоза(ниңг) сифатини яхшилаш (pulprefining)	Целлюлозага кислород-ишқор билан ишлов беріш Қайтарувчилар билан оқартириш Гипохлорит билан оқартириш Оксидловчилар билан оқартириш Пероксидлар билан оқартириш	Oxy- caustic treatment Bleaching deoxidizing agent , reducing agent, deoxidizer, reducer hypochlorite bleaching bleaching by oxidation (oxidation bleaching) bleaching by peroxide (peroxide bleaching)
Абразивли (наждакли) қофоз (abrasive paper)	Абразивли (наждакли) қофоз	Abrasive paper, emery paper, finishing paper, polishing paper, sandpaper
Санитария учун қофоз (paper for the sanitary)	Санитария-гигиена буюмлари тайёрлана-диган қофоз	Paper for the sanitary and hygienic means
Декулятор (deaerator)	Массани газ-хавосизлантириш Декулятор, хавосизлантиригич	Mass deaeration deaerator
Каландр(calender roll)	Машина каландри Хўл, яримқуруқ каландр Босма нақш туширувчи каландр	Machine calender. Wet calender embossing calender

Канифоль (colophony)	Канифоль	Colophony, common resin, resin, wood rosin, rosin
-------------------------	----------	---

## **8. Адабиётлар рўйхати**

### **Махсус адабиётлар:**

1. D.R. H. Jones, Michael F. Ashby. Engineering Materials 2: An Introduction to Microstructures and Processing. Fourth Edition. Elsevier, 2012. -576p.
2. William D.Callister, Jr., David G.Rethwisch. Materials Science And Engineering. An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010.- 1000 p.
3. Donald G. Baird, Dimitris I. Collias. Polymer Processing: Principles and Design, 2nd Edition. Wiley. CIIA 2014. P. 542
4. John A. Tyrell. Fundamentals of Industrial Chemistry: Pharmaceuticals, Polymers, and Business 1st Edition. Publisher: Wiley. CIIA, 2014. P. 673
5. Jeremy Dry, Bryce Lawson, Phuong Le, Israel Osisanya, Deepa Patel, Anecia Shelton. Vinyl Chloride Production. Capstone Design Project. Spring 2013. Chemical Engineering -University of Oklahoma. P. 731
6. M. Toth, M. D. Liptak, D. L. Phillips, and G. C. Shields, J. Chem. Phys., 114, 4595 (2001).
7. J.Bundschuh.Techologies for converting biomass to useful energy.CRC Press, Taylor&Fransic group. USA, 2013, 217-244 pp.
8. R.D. Perlack, G.G. Stevenson, R.B. Shelton. Prospects for Coal Briquettes as a Substitute Fuel for Wood and Charcoal in U.S. Agency for International Development Assisted countries. Oak Ridge National Laboratory. 1986. P. 7
9. Monica Ek, Goran Gellerstedt, Gunnar Henriksson Pulp and Paper Chemistry and Technology. De Gruyter. Germany 2009 y. p. 411
10. J. Newell, Stephenson.The manufacture of pulp and paper: a textbook of modern pulp and paper mill practice. USA 2011. P. 238
11. Rowell M.R. Handbook of wood chemistry and wood composites. Second edition. "CRC-Press". USA. 2013. 473 p.
12. Xabibullayev R.A., Ilhomov G'.U., Xabibullayev Sh.A. Yog'och buyumlar texnologiyasi. Darslik. O'z.R OO'MTV/ T.: Cho'lpon nomidagi NMIU, 2014. 256 b.

### **Интернет ресурслари:**

1. <http://fabrikadecora.ru/katalog.cgi?base=katalog&id=74>
2. <http://www.termo-drevesina.ru/istoriyatmd.html>
3. <http://www.thermowood.fi/albumi/thermewoodtechnology/>
4. <http://thermoarena.com/?gclid=CNqhxISGmMwCFYHOcgoddBkFaQ>
5. <http://lesprominform.ru/jarchive/articles/itemshow/2021>
6. <http://www.st-profi.ru/products/26/130/>
7. <http://www.briklis.ru/>
8. <http://www.ogniv.ru/index.php?id=briket>
9. <http://www.btgworld.com/en/rtd/technologies/torrefaction>
10. <http://orbit.dtu.dk/en/publications/torrefaction-of-biomass-for-power-production%28f1dba92a-523f-4101-891d-8d2a757304cc%29.html>
11. <http://www.google.de/patents/US9057037>
12. [http://www.cleandex.ru/articles/2012/05/16/biougol\\_chernye\\_pellety\\_ili\\_torrefaktsiya\\_drevesnyh\\_othodov](http://www.cleandex.ru/articles/2012/05/16/biougol_chernye_pellety_ili_torrefaktsiya_drevesnyh_othodov)
13. <http://www.findpatent.ru/patent/255/2559491.html>
14. <http://www.wood-pellets.com/cgi-bin/cms/index.cgi?ext=content&lang=1&pid=1736>

## 9. Мутахассис томонидан берилган тақриз



UNIVERSITÀ  
DEGLI STUDI  
DI PADOVA

---

### DIPARTIMENTO DI INGEGNERIA INDUSTRIALE

Prof Enrico Bernardo  
Advanced Ceramics and  
Glasses group  
Via Marzolo, 9  
35131 Padova  
tel. +39 049 8275510  
fax +39 049 8275505  
enrico.bernardo@unipd.it

Administrative Office  
via Gradenigo 6/a  
35131 Padova  
www.dii.unipd.it  
tel. +39 049 8277500  
fax +39 049 8277599  
segreteria@dii.unipd.it

CF 80006480281  
P.IVA 00742430283

Padova, May 4<sup>th</sup>, 2016

To whom it may concern

*Expert Review on the Education Module “Innovative Technology of Composite Materials”,  
prepared for the “Chemical technology” specialization on teachers retraining and educational courses*

Based on the proposed program, the Module “Innovative Technology of Composite Materials” is effectively devoted to the study of modern technologies in the production of composites. The module studies materials for matrices and fillers, with their properties and applications. Also the production technologies for polymer-matrix, ceramic-matrix and metal-matrix composites are included. Interestingly, I note that a special attention is paid to carbon-carbon composites and non-traditional composite materials such as Self-Reinforced composites, Biocomposites and Composites for Structural Design.

Based on the information from colleagues, the Module consists of a theoretical part and practical tasks, includes the case studies for self-study programs, the glossary and the list of references. I agree on the fact that the preparation of a glossary, containing reviews in both Uzbek and English languages, will enhance the assimilation of the program. I think that the module “Innovative Technology of Composite Materials” can be used for educational purposes on teachers retraining and educational courses.

Yours sincerely,

Enrico Bernardo, PhD  
Associate Professor  
Università' degli Studi di Padova  
Dipartimento di Ingegneria Industriale  
Edificio Ex Fisica Tecnica  
Via Marzolo, 9  
35131 Padova, Italy  
phone +39 049 8275510  
fax +39 049 8275505  
e-mail: enrico.bernardo@unipd.it  
web: http://www.dii.unipd.it/bernardo